Mustaqil gazeta

HURRIYAT

O`zingni angla!

Газетамизга
2009 йил учун
обуна
давом этмоқда.
Муштарийларимиз сафида бўлинг!
Нашр
кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * **2008-yil 24-dekabr, №52 (606)** * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://**www.hurriyat.uz**

ЎЙИНДАН ЎТ ЧИҚМАСИН

Сотувчи нотаниш, олувчи бировнинг боласи, уларни тафтиш қилиш ҳам бошқанинг иши-ку, қабилида жимгина ўтиб кетаверамиз. Ваҳоланки, бу бефарқлик ортидаги оқибатлар эртага албатта, бизнинг оиламизга ҳам бош суқиши, "панқиллоқлар" ўзимизнинг фарзандларимизнинг қўлида пайдо бўлиши хаёлимиз кўчасига ҳам келмайди.

⇨ 2-бет

ҲАЁТНИНГ ҲАР ОНИ БАХТ

Агар озгина қалтисроқ ҳаракат қилинса(Худо кўрсатмасин!) операция столига ётган кишининг бир умр қоронғилик гирдобида қолиб кетишига-да айбдор бўладиган шифокорнинг ўз вазифасини нечоғли масъулият билан бажараётганига гувоҳ бўлиш...



⇨ 3-бет

ТАСАВВУР КАШФИЁТИ

Жавлонбек нафақат ажойиб рассом, балки донишманд ҳам экан.

"Тумор — парвардигорнинг кўзидир", "Севишганлар — қўшилиб кетган битта жисм, битта жон" деган кўплаб образли фикрлари шундан далолат беради.



⇨ 14-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **16 декабрь куни Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади. Сессияда ташкилий масала кўрилди. Президентимиз Фармонига кўра, З.Ниязов Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи лавозимидан озод қилиниб, давлатимиз раҳбари тавсиясига билан Қуйичирчиқ тумани ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Рустам Холматов Тошкент вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.**

■ Президентимиз Ислом Каримов Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳрининг 50 йиллиги муносабати билан комбинат жамоаси ва шаҳар аҳлига табрик мактубини йўллади.

■ **Пойтахтимизда 22 декабрь куни Ўзбекистон ва Туркия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Туркия Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги савдо иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига бағишланди.**

■ Лондондаги Сити ишбилармонлик марказида жойлашган "Denton WildeSapte" юридик компаниясининг бош идорасида "Ўзбекистонда бизнес учун яратилган янги имкониятлар: атроф-муҳит сектори, жумладан, Соф тараққиёт механизми" мавзусига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

IBC Conferences, "British American Tobacco", "Worley Parsons", "Oxus Gold" ва "Shell" компаниялари кўмагида ташкил этилган учрашувда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, "Ўзбекнефтгаз", "Ўзкимёсаноат", "Ўзбекэнерго", "Ўзкоммунхизмат" ва "Ўзинфоинвест" каби мамлакатимизнинг йирик компания ва агентликлари ҳамда Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш жамғармаси вакилларидан иборат делегация иштирок этди.

ТУЙҒУ

Ўлкамизда қиш зийнати

Қиш зийнати ўзгача. Ўлкамизда еру осмон оқ парқуга беланган. Зумрад фаслнинг бу нуқра ҳашамидан дов-дарахтлар карахт. Музлаган сой, яйдоқ кенгликлар, бекатлар қалбларда қиш шовқини уйғотади. Айниқса, кўчада яхмалак отиб, қорбўрон ўйнаётган болажонларнинг қувончи оламга сиғмайди.

Далада иши тинчиган Бободеҳқон: Бу тинмай ёғаётган қор қут-барака нишонаси, даладашт учун куч-қувват бериб, келгуси йилги ҳосил мўл-кўл бўлишидан дарак беради, дея Яратганга шукроналар айтади.

Ҳа, тун бўйи ёғаётган қор арчазорларни безаса, ойнага аёз гулларининг расмин чизган қиров майда-чуйда ғам-ташвишларни эзиб, қалбларга ўзгача инжа туйғуларни олиб киради. Қишнинг ҳар бир лаҳзасида ажиб, бетакрор, беҳисоб айрича кунларнинг нафасини туясан киши.

Ўлкамизга қиш фасли келишини орзиқиб кутамиз. Боиси бу фаслнинг ўзгача шукуҳи, таровати бор. Аслида келгуси йилнинг қандай келиши кўпроқ қишга боғлиқ дейишади. Сабаби қор мўл бўлса, деҳқончиликда барака бўлади. Ёз ноз-неъматларга бой бўлади. Шу билан бирга бу фаслда совуқ этни бироз жунжиктирсада ҳаво соф бўлиб, инсонга саломатлик бахшида этади.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир фаслнинг ўзгача гашти бор. Бу пайтда қишлоқ хўжалиги билан банд бўлган инсонлар дам олишади. Шунингдек, ер ва табиат ҳам ором олади.

Ташқарида совуқ изиллайди. Қиш завқи эса қоғозга тўкилади:

Дунё телба руҳимдек карахт,
Зумрад оқшом кечар
мисли туш.
Кумуш янглиғ либоси оппоқ,
Деразамдан кириб келар қиш.

Музликларда исинар руҳим,
Изғиринлар ботар тиғ каби.
Ва кўксимни ёқади сим-сим,
Қишнинг оппоқ изтироблари...

Фарида ҚУРБОНОВА

Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилади.

ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ

Ахборотлашаётган жамият талаблари:

қонун, ижро, масъулият

"Агар огоҳ сен - шоҳ сен!" Улуғ бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоийнинг ушбу сатрлари нечоғли мазмун-моҳиятга эга эканлигини бугунги шиддатли тараққиёт, тезкор ахборотга бўлган талаб, коммуникация технологияларининг бемисл ривожланиши яққол исботлади, десак асло муболаға бўлмайди.

Дарҳақиқат, бугун биз инсоният ҳаётининг ҳеч бир соҳаси ва жабҳаси ахборот ва коммуникация технологияларидан четда қолиши мумкин бўлмаган, ахборот мисли кўрилмаган мўъжизага айланган жўшқин замонда яшамоқдамиз.

Шу маънода олий давлат вакиллик органи саналган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида фаолият кўрсатаётган 10 та қўмитанинг биттаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари билан шуғулланиши, яъни айнан ушбу соҳа ривожи учун хизмат қилувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш, мавжуд қонунларнинг ижросини назорат қилиш вазифаси юклатилганлиги бежиз эмас. Моҳият-эътибори билан жиддий ва мураккаб йўналишдаги Қўмита, мана, қарийб тўрт йилдирки, ўз фаолиятини мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислоҳотлар руҳидан ҳамда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги (2005 йил 28 январь) мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг "Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир" дастурий маърузасида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда олиб бормоқда. Маърузада таъкидланганидек, "Ўзбекистонда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг ғоят муҳим шарти — бу оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларни амалга оширишдир". Зеро, бу борадаги асосий вазифа мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлмиш матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлашдан иборатдир.

8 »

ДУНЁ СИЁСАТИ

Гуманитар ҳалокатлар рўйхати

"Чегара билмас врачлар" халқаро ташкилоти 2008 йилнинг ўнта энг йирик гуманитар ҳалокатлари рўйхатини эълон қилди.

Бу рўйхатнинг бошида Сомалидаги аҳвол тилга олинган. Ташкилот тарқатган маълумотда айтилишича, мамлакатдаги ҳар ўн аёлнинг баттаси туғиш пайтида, ҳар беш боланинг биттаси беш ёшга етмасдан вафот этмоқда. Эфиопиянинг Сомали билан чегара ҳудудларида ҳам худди шундай аҳволга дуч келиш мумкин.

Мьянмеда тиббиёт ачинарли аҳволда. Бу мамлакат соғлиқни сақлаш тизимида йил давомида ҳар бир одам учун атиги 3 доллардан маблағ сарфланади. "Чегара билмас врачлар" ташкилоти Покистондаги аҳволни ҳам энг йирик гуманитар ҳалокатлар рўйхатига киритган. Сабаби ҳарбий тўқнашувлар туфайли минглаб одамлар ўлди ва юртини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлди.

Рўйхатда, шунингдек, Зимбабведаги аҳвол ҳам тилга олинади. Бу ерда ОИТС ва бошқа юқумли касалликлар туфайли ўртача ёш 34 ёшни ташкил этмоқда. Бундан ташқари, шу йилнинг августида мамлакатда ўлат тарқалди.

"Чегара билмас врачлар" рўйхатга юқоридагилардан ташқари, Конго, Судан ва Ироқдаги аҳволни ҳам киритишган.

11»

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

"Наврўз — боқий байрам"

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Халқаро "Наврўз" хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда халқимизга хос бўлган меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайр-саховат каби фазилатларни, шунингдек, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, аҳиллик, ўзаро ҳурмат сингари миллий қадриятларимизни фуқаролар, айниқса, ёшлар онгу шуурига чуқурроқ сингдиришда ОАВнинг ролини кучайтириш, журналистларнинг фаоллигини ошириш ҳамда уларда янги ижодий ёндашувларни шакллантиришни рағбатлантириш мақсадида "Наврўз — боқий байрам" танловини эълон қилади.

Янгиланиш ва яшариш фасли, умумхалқ байрами — Наврўзга бағишлаб ўтказиладиган бу танловга 2008 йилнинг 20 февралидан 2009 йилнинг 20 февралигача — бир йил мобайнида телевидение орқали кўрсатилган, радиода эфирга узатилган, газета ва журналларда босилган ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган материаллар 2009 йилнинг 1 мартигача қабул қилинади.

"Наврўз — боқий байрам" танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- *телевидение бўйича энг яхши журналистик иш учун;*
- *радио бўйича энг яхши журналистик иш учун;*
- *даврий матбуот бўйича энг яхши журналистик иш учун;*
- *Интернет нашрлар бўйича энг яхши журналистик иш учун.*

Ҳар бир номинация бўйича учта: 1-, 2-, 3-ўрин таъсис қилинади. Ғолиблар олган ўринларига қараб қиймати турлича бўлган ноутбуклар билан мукофотланадилар.

Булардан ташқари мавзуни энг яхши ёритган ОАВ таҳририятлар учун ҳам учта: 1-, 2-, 3-ўрин учун мукофотлар таъсис этилади. Ғолиб таҳририятлар олган ўринларига қараб, қиймати турлича бўлган компьютер тўпламлари билан мукофотланади.

Танловга камида 5 та ижодий иш тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга муаллиф ва унинг ижодий фаолияти ҳақида қисқача маълумот, иш ва яшаш манзили, телефонлари ва паспорт маълумотлари илова қилиниши керак.

Танлов ғолиблари Наврўз байрами арафасида тақдирланадилар ва уларнинг номлари матбуотда эълон қилинади.

Материаллар "Наврўз — боқий байрам" деб кўрсатилган ҳолда 2009 йил 1 мартгача қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй. 3-қават 30-, 35- ва 37-хоналар. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Тел.: 244-64-61, 244-64-62, 244-37-87

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Президент Ислом Каримовнинг 2008 йил 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар Дастури тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифалар доирасида қатор чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Матбуотимиз саҳифаларида инсон ҳуқуқи мавзуси

Хусусан, фуқаролик жамиятини шакллантириш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнида ОАВнинг иштирокини кучайтириш мақсадида мунтазам равишда медиафорум, конференция, форум ва давра суҳбатлари, ўқув семинарлари ташкил этиляпти.

Жумладан, Жиззах вилоятида ўтказилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва аҳамияти» мавзуида маъруза қилар экан, аввало, мамлакатимиз раҳбарининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар Дастури тўғрисида»ги Фармонининг мазмун-моҳияти, унда белгиланган вазифаларга тўхталди. Шуни эътироф этиш жоизки, дунёдаги ҳеч бир мамлакатда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигини нишонлашга давлат миқёсида бу қадар катта эътибор берилмаган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжат экани ва демократик, ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишининг, бутун ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгилагани алоҳида қайд этилди.

Юртимизда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмлари яратилган ва улар амалда самарали жорий этилмоқда. Беш мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият юритаётгани, жамият ва давлат қурилиши соҳасида сиёсий партияларнинг роли сезиларли даражада ошгани, мустақил оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ривожланиб бораётгани бунинг яққол далилидир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорликда "Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида" мавзуида журналистлар ўртасида ижодий танлов эълон қилинди. Унда 50 дан ортиқ журналист 300 га яқин ижодий иши билан қатнашди. Яқинда танлов ғолиблари эълон қилиниб, қимматли совғалар ва ташкилотчиларнинг дипломлари билан тақдирланди.

Фонднинг бевосита қўллаб-қувватлаши билан грант олувчилар ва ҳамкорлар томонидан республикамизда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳақида туркум материаллар тайёрланди.

"Глобал интернет тармоғи воситасида ахборот алмашув" лойиҳасида мамлакатнинг турли ҳудудларидаги 65 туман ва шаҳар газеталари иштирок этмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида Президент Фармонида кўзда тутилган мақсад-вазифаларни амалга оширилишига қаратилган материаллар айрибошлашига алоҳида эътибор қаратилиб, электрон почта воситасида барча таҳририятларни бу йўналишдаги сифатли ахборот-таҳлилий материаллар билан таъминлаш йўлга қўйилди.

Хусусан, республика етакчи нашрлари («Халқ сўзи» — «Народное слово», «Маърифат», «Ҳуқуқ», «Постда», «Ҳуррият», «Ишонч», «Инсон ва қонун», «Жамият», «Туркистон» — «Молодежь Узбекистана» ва хоказолар) томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва манфаатларни таъминлашга қаратилган материаллар ҳудудий нашрларга жўнатилди. "Туркистон-пресс", "Ўзрепорт", "Регион информ" ахборот хизматлари, "Горизонт уз.", "Газета уз." каби бевосита интернет тармоғида фаолият олиб борадиган сайтларга юбилей муносабати билан мамлакатда амалга оширилаётган тадбирлар, инсон ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида кенг қамровли материаллар жойлаштирилди.

Мавжуда ЙЎЛДОШЕВА

Хабарлар оқими

БУГУННИНГ НАФАСИ

НАВОИЙ ШАҲРИ 50 ЁШДА

"Фарҳод" маданият саройида Навоий шаҳри ва Навоий кон-металлургия комбинати ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирни вилоят ҳокими Эркин Турдимов кириш сўзи билан очди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шаҳар аҳлига Навоий шаҳри ва Навоий кон-металлургия комбинатининг ярим асрлик юбилейи муносабати билан йўллаган байрам табриги Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Равшан Шамсиев томонидан ўқиб эшиттирилди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев Юртбошимиз Фармони билан "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими", "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи" унвонлари, "Дўстлик" ордени ва "Шуҳрат" медали билан тақдирланган навоийлик бир гуруҳ фуқароларга давлатимизнинг юксак мукофотларини топширди.

Анжуман сўнгида санъат усталари ва ёш ижрочилари томонидан намойиш этилган катта концерт дастури барчага хуш кайфияти улашди.

Азамат САФАРОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ МУАЛЛИФЛАРИ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи" республика танловининг ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тадбир ўтказилди.

Ўн йилдан буён ўтказилиб келинаётган мазкур танловда шу пайтгача жами 1667 номдаги ўқув адабиётининг муаллифлари иштирок этишган. Бу йилги танловда 105 номдаги дарслик ва ўқув адабиётларининг муаллифлари ғолибликни ва махсус совринларни қўлга киритди. Ҳайъат йиғилишининг умумий қарорига мувофиқ умумий ўрта таълим тизимидаги 10 номдаги, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига доир 22 номдаги, олий таълим учун яратилган 30 номдаги дарслик ва ўқув қўлланмалари, шунингдек, 6 номдаги электрон дарслик ва ўқув адабиётларининг муаллифлари ғолиб деб топилди. Тадбирда иштирок этган 37 номдаги дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг муаллифлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг фахрий ёрлиқ ва махсус совринлари билан тақдирланди.

Элбек ЖУМАНОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

Тили, маданияти ва урф-одатлари муштарак бўлган Ўзбекистон ва Туркманистон халқлари ўртасидаги дўстона алоқалар узоқ ўтмишга бориб тақалади.

Ўзбек халқининг ҳассос шоири Алишер Навоий ижодиёти туркман халқи томонидан севиб ўқилгани ва ўқилаётгани, Махтумқули қаламига мансуб асарлар ўзбек санъаткорлари томонидан куйга солинаётгани ҳам фикримиз исботидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда 7 та туркман миллий маданият марказлари фаолият кўрсатмоқда. Республика Байналмилал маданият марказида Туркманистон элчихонаси, Ўзбекистон—Туркманистон дўстлик жамияти ҳамда Республика туркман миллий маданият маркази ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда ҳам шу ҳақда атрофлича сўз юритилди. Ўзбекистон Республикаси Конституция қабул қилинганининг 16 йиллиги ва Туркманистон нейтралитетининг 13 йилигига бағишланган мазкур тадбир "Дўстликнинг узилмас ришталари" деб номланди. Тадбир сўнгида хушовоз хонандалар иштирокида концерт дастури ҳам уюштирилди.

Ислом СУЛТОНОВ,
"Hurriyat" мухбири.

"HURRIYAT" МУХБИРИГА БИРИНЧИ ЎРИН

Қарши шаҳридаги Ёшлар марказида "Шеър, ғазалда истиқлол мадҳи" мавзусидаги энг яхши асарлар кўрик-танловининг ғолибларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Тадбирни Ёзувчилар уюшмаси Қашқадарё вилояти бўлими масъул котиби Исмоил Тўхтамишев очар экан, бу танловнинг мақсади ёш ижодкорларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришдан иборат бўлиб, унда 200 нафардан ортиқ ёш ижодкорлар иштирок этганлигини алоҳида таъкидлади.

Вилоят ҳокимлигининг иқтисодий-ижтимоий масалалари бўйича котибият мудири Абдураҳим Эркаев танлов ғолибларини эълон қилиб, биринчи ўрин "Ниғтіуат" мустақил газетаси мухбири Адиба Умировага, иккинчи ўрин Қарши шаҳридаги 20-сонли мактаб ўқувчиси Мафтуна Норматова ва Қарши банк коллежи талабаси Наргиза Муродовага, учинчи ўрин эса шоиралар Лобар Баротова ҳамда Қирмизигул Поёноваларга берилганлигини маълум қилди.

Ғолибларга ҳомий ташкилотлар, жамғармалар томонидан компьютер ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Бундан ташқари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши, вилоят ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, Муборак газни қайта ишлаш заводи томонидан танловда иштирок этган 36 нафар ёш ижодкорлар ҳам тақдирланди. Тадбир сўнгида Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан санъат арбоби Исоқ Тўраев бошчилигидаги гуруҳнинг концерт дастури намойиш этилди.

Қилич АБДУНАБИЕВ,
Ёзувчилар уюшмаси Қашқадарё вилояти бўлими адабий маслаҳатчиси.

ТААССУФ

Ўйиндан ўт чиқмасин

ёки пиротехника воситаларининг салбий оқибатлари ҳақида

Аслида бу ҳақда кўп ёзилади. Аммо... Яқинда жуда хурсанд бўлдим. Бир ўртоғимнинг қўли куйиб қолибди. Йўқ, йўқ, яна бошқа хаёлларга борманг. Гап бутунлай бошқа ёқда. Маълумки, мутахассислар тилида "Рим шамчироғи" ҳам деб юритиладиган порохли пиротехника маҳсулотлари ҳозирда бутун дунёда оммалашиб кетган. Бугун "панқиллоқ", "ракета", "салют" каби юзлаб турдаги пиротехника маҳсулотлари Хитой, Қирғизистон, Қозоғистон, Хитой Тайпейи ва бошқа бир қанча давлатларда ишлаб чиқарилмоқда. Улар орасида яширин цехларда тайёрланган сифати паст, инсон ҳаётига хавф солувчи ва "асабни эговловчи" воситалар ҳам жуда кўп.

Мамлакатимизда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 июлдаги 318-сонли қарорига мувофиқ республикамиз ҳудудига пиротехника маҳсулотларини тегишли сертификатларсиз олиб кириш тақиқланган. Бу маҳсулотларнинг контрабанда йўли билан келтирилишининг олдини олиш учун божхоначилар, ички ишлар органлари, чегара қўшинлари, шунингдек, Давлат солиқ қўмитаси ходимлари ҳамкорликда бир қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Қўшни давлатлар билан чегарадош ҳудудларидаги айланма йўлларни назорат қилиш учун ҳаракатдаги гуруҳлар фаолият кўрсатаётган бўлса, катта автомагистрал йўлларда айрим шубҳали автотранспортлар текширувдан ўтказилаяпти.

Давлат божхона қўмитаси матбуот хизматидан олинган маълумотларга қараганда, жорий йилнинг ўтган даври давомида божхоначилар томонидан қиймати қарийб 162 миллион сўмлик салкам 6,5 миллион дона пиротехника воситалари олиб келинишининг олди олинган. Масалан, Бухоро вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан "Тошкент — Хазорасп" йўналиши бўйича ҳаракатланаётган "Мерседес Бенц" русумли автобус назоратдан ўтказилганда республикамиз фуқароси М.Якубов томонидан салкам 2 миллион сўмлик 39 744 дона Хитойда ишлаб чиқарилган сифатсиз пиротехника маҳсулотлари олиб кетилаётгани аниқланган бўлса, Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбир давомида Хитойда ишлаб чиқарилган 118 миллион 368 минг сўмлик салкам 4 миллион дона "Петардс" номли пиротехника маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди. Жиғилдонини виждонидан устун қўйган кимсалар томонидан петарда ва фейерверклар хориждан яширинча олиб келинмоқда. Кўчаларда онда-сонда бўлса-да панқиллоқ овозларини эшитилаётгани ҳам муаммо тўлалигача бартараф этилмаганидан далолат беради.

— Пиротехника воситалари оқибатида зарар кўрадиганлар асосан мактаб ёшидаги болалар дейди, — Республика шошилинч тез тиббий ёрдам маркази куйиш жароҳатларини даволаш бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Абдулазиз Фаёзов. — Бунда тананинг очиқ қисмлари, кўл, юз куйиши ҳоллари тез-тез учраб туради. Натижада бола бир умрга ҳам руҳан, ҳам жисман мажруҳ бўлиб қолиши мумкин. Масалан, юзи куйиб чандиқ бўлиб қолган бола бошқалардан ўзини тортади, уялади. Хусусан, жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиб шакллана олмайди. Шу билан бирга, баъзида бундай маҳсулотлардан бир нечтасининг бирданига қаттиқ портлатилиши оқибатида бола стрес ҳолатга тушиб, дудқланиш (логоневроз) касаллигини орттириши, кўзи кўрмай, қулоғи эшитишдан маҳрум бўлиб қолиши мумкин. Ён-атрофдаги кишиларнинг эса асаби бузилади, баъзан қон босими кўтарилиб, юраги хуруж қилиб қолиши эҳтимоли мавжуд.

Дарҳақиқат, бежиз ўйиндан ўт чиқмасин дейишмайди. Ҳар йили республикамизда юзлаб ўсмирёшлар пиротехника воситаларидан турли даражадаги куйиш жароҳатларини олаётганини ҳисобга олсак, вазиятнинг қай даражада салбий оқибатларга олиб келиши равшанлашади. Яна бир гап, баъзи газ тақсимлаш мосламалари ўрнатилган жойдан ўтиб қолсангиз, ҳаводан нохуш ҳид анқиётганини сезасиз. Бу ерда билиб-билмай портлатилган пиротехника маҳсулоти оқибатида ёнғин келиб чиқмаслигига ҳам ҳеч ким кафолат бера олмайди.

— Нафақат газ ҳиди чиқиб турган, балки бошқа жойларда ҳам пиротехника воситалари катта хавфга сабабчи бўлиши мумкин — дейди, Чилонзор туман ИИБ Ёнғин хавфсизлиги инспектори Абдураҳмон Аҳмедов. — Чунки аввалги йиллари пиротехника маҳсулотлари, хусусан осмонга отилган салют уйларнинг томига ҳамда тез ёнувчи нарсаларнинг устига тушиши оқибатида ёнғин келиб чиқиши кузатилган. Туманимизда 32 та мактаб, 56 та боғча, 19 та олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигига қарашли ўқув масканлари ҳамда 49 та маҳалла мавжуд. Уларнинг ҳаммасида мунтазам равишда пиротехника воситаларининг зарарли оқибатлари тўғрисида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бораяпмиз. Шунингдек, 12 та бозорда хавфсизлик хизмати, солиқ идоралари билан ҳамкорликда портловчи маҳсулотларнинг сотилишига қарши рейдлар ўтказилаяпти.

— Пиротехника маҳсулотларининг мамлакатимизга олиб кирилиши, бозорларимизда сотилишига қарши нафақат божхона қўмитаси, солиқ идоралари ёки ички ишлар ходимлари шуғулланиши керак, — дейди Миробод туманида истиқомат қилувчи Дилфуза Исанова, — балки аввало ўз ички маданиятига эга бўлган ҳар бир инсоннинг вазифасидир. Лекин, афсуски, баъзида уларни сотилаётганини кўриб ҳам мум тишлаймиз. "Ҳой номард, ахир бу ишинг билан қанчақанча оилаларга ташвиш, қайғу олиб келаяпсан, қанчақанча болалар шифохоналарда азият чекишга, бир умр қимтиниб яшашга мажбур бўлаяпти", деб уларнинг ёқасидан оладиган мардининг ўзи йўқ. Сотувчи нотаниш, олувчи бировнинг боласи, уларни тафтиш қилиш ҳам бошқанинг иши-ку, қабилида жимгина ўтиб кетаверамиз. Ваҳоланки, бу бефарқлик ортидаги оқибатлар эртага албатта, бизнинг оиламизга ҳам бош суқиши, "панқиллоқлар" ўзимизнинг фарзандларимизнинг қўлида пайдо бўлиши хаёлимиз кўчасига ҳам келмайди.

Табиий офатлар, кутилмаган кулфатлар олдида коинотнинг энг ақлли жонзоти бўлган инсон ҳам довдираб қолади. Фалокат оёқостида деб айтади-ку, доно халқимиз. Пиротехника маҳсулотларига ҳам ана шундай кулфатларни келтириб чиқарувчи восита сифатида қараш лозим. Хўш, нега бола бундай маҳсулотларни сотиб олади? Ота-оналар фарзандларини ёшлигидан бошлаб, пулни тежаб ишлатишга ўргатишса, уларнинг тарбиясига беэътибор бўлмаса, кимнингдир асабига тегиш ножоиз эканлигини тушунтирса, албатта, бунинг олди олинган бўларди.

Энди мақола бошида нега қўли куйган дўстимнинг аҳволидан хурсанд бўлганимни айтсам бўлади. Дастлаб, ўртоғим сигарета чекаётиб, қўлини куйдириб олганини айтганида, рости кулгим қистади. Тўғри-да, дунёда миллионлаб чекувчи бор. Илгари сираям сигаретадан "куйиб" қолганлар ҳақида эшитмагандим. Юзимда зуҳур бўлган масхаромуз писандани кўриб, ошнам ёрилди: "Кўчада кетаётгандим, иккита танишим сигарет буриқситиб ўтирган экан. Ҳол-аҳвол сўрашгач, хумори тутиб, анави "матоҳ"ларингдан менгаям берларинг дедим. Бирбирларига илжайган қўйи бир дона сигарет узатишди. Тутатиб, чека бошладим. Бир пайт.... портлади. Ичига олдиндан панқиллоқ солиб қўйишган экан, номардлар..."

Ўртоғимга ачинган бўлсам ҳам, бирдан кўнглим ёришди. Яхшиям сигарета ичига жойланган пиротехника воситаси унинг бармоқлари орасида портлабди. Худо кўрсатмасин, агар лабларига қистирган пайти портлаганда борми?...

Йўғ-е, бу ўйдан ўзим ҳам чўчиб кетдим. Байрам шукуҳи кезиб юрган қувончли кунларда хушкайфият ва шоду хуррамлик ҳамроҳимиз бўлишига нима етсин.

Иномжон АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

Ҳаётнинг ҳар они бахт

Мухбиримиз Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси марказида бўлиб, бир нечта жарроҳлик амалиётларида қатнашди.

— Эртага операцияга кираман.

Хомуш ўтирганимни кўриб ҳол сўраган ўртоғимга шундай жавоб берган эдим, бир чўчиб тушди.

— Нима бўлди?! Нима бўлганда ҳам дадил бўлгин. Мен ёнингда бўламан.

Кулгим келиб, раҳмат айтдим. Ҳа, мушкул кунингда яқинларингнинг ёнингда эканлигини ҳис қилишдан ҳам мароқлироқ туйғу бўлмаса керак. Аслида эса мен хизмат вазифаси боис кўз операцияси жараёнини ўз кўзим билан кўриб, юракдан ҳис қилганларимни қоралаш мақсадида эканлигимни айтганимда ўртоғим: "Э, шунақа демайсанми, мени жуда қўрқитдинг-ку", — дея хотиржам бўлди. Аммо барибир юрагимда аллақандай ҳадик бор... Эртага операция столида жон ваҳмида ётган бемор билан юзма-юз бўламан. Ахир Аллоҳнинг қудрати билан ёруғ дунё гўзалликларидан баҳраманд бўлмоқ бахтини ҳадя этадиган кўзларнинг ё зулмат ёки ёруғлик орлиғидаги ҳолатини кузатиш... Агар озгина қалтисроқ ҳаракат қилинса(Худо кўрсатмасин!) операция столига ётган кишининг бир умр қоронғилик гирдобида қолиб кетишига-да айбдор бўладиган шифокорнинг ўз вазифасини нечоғли масъулият билан бажараётганига гувоҳ бўлиш... Шуларни ўйлар эканман, эртага ўз кўзларини, ҳозир хира бўлса-да оламни кўриб турган кўзларини шифокорнинг қўлига ишониб топшираётган вақтида инсон қалбининг тубида қандай туйғулар туғён кўтаркин-а?! Шундай кишиларнинг кўнгил кечинмаларидан хабардор бўлиш мақсадида пойтахтимизнинг Учтепа туманида жойлашган Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси марказига йўл олдим.

БИР КУНДА 40 ТА ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ

— Барча кўз касалликлари, жумладан катаракта (кўз гавҳарининг лойқаланиши), глаукома (кўз босимининг ошиши), ғилайлик, рефракция аномалиялари (узоқни ёки яқинни яхши кўра олмаслик), кўз қон томири ва тўр парда касалликларини замонавий лазер нурлари билан даволаш, қолаверса, пластик жарроҳлик амалиётларини дунё сифат стандартларига мос ҳолда ўтказиб келмоқдамиз. Яна бир гап. Бизда дунёдаги энг мураккаб операциялардан бири — хасталанган бемор шоҳ пардасини соғлом донор шоҳ пардасига алмаштириш жароҳлигини амалга ошириш ҳам йўлга қўйилган. Бунда АҚШнинг Вичетта шаҳри кўз банки билан тузилган шартномага муофиқ ўша ердан донор шоҳ пардаси олиб келинади. Айтиб ўтиш керакки, марказимиз республикамиздаги бу операцияни амалга ошираётган ягона давлат муассасасидир, — дейди марказ директори Зафар Сиддиқов. — Энг асосийси, ҳар бир бемор бевосита врач суҳбати ва маслаҳатига эга бўлади. Жамоамизда 130 дан ортиқ тиббий ходим фаолият кўрсатса, шундан 33 нафари шифокор бўлиб, уларнинг аксарияти олий тоифага эга



мутахассислар. Шифокорларимизнинг 2-3 нафари махсус режа асосида ҳар йили хорижнинг нуфузли клиникаларида малака ошириб қайтадилар, халқаро анжуманларда қатнашадилар. Хусусан, Россия, Қозоғистон, Америка Қўшма Штатларининг кўз клиникалари билан тузилган шартномалар асосида кўз касалликларининг янги диагностика ва даволаш усулларини ўрганиб келишяпти.

Айни пайтда эса марказнинг жарроҳлик блоки тўртта операция хонасидан иборат бўлиб, бир кунда 35-40 та жарроҳлик амалиётини бажариш имкони борлиги, айниқса, диққатга молик. Ўзингиз ўйланг, агарки, бир кунда 35-40 та жарроҳлик амалиёти ўтказилса, ўн кунда 350-400 тага, бир йил ичида 10 мингдан зиёд ана шундай операциялар бажарилар экан!

Яна шу нарса борки, тўрт қаватли бу замонавий шифо масканига кирганингиз ҳамоно бу жойда ташқи оламдан фарқли ўзига хос қоидалар борлигига амин бўласиз. Бирор бир гард топилмайдиган даражада озода шифо масканига ташқаридан кирганлар ҳам бир марталик "бахилла"ни оёқларига кийиб юриш билан тозаликни сақлашга ҳисса қўшишаётгандек туюлади.

"БОР УМИДИМ ШИФОКОРЛАРДАН"

Беморларни операцияга тайёрлаш хоналари иккинчи қаватда жойлашган. Ҳамшира қиз ҳамроҳлигида шундай хоналарнинг бирига кириб бордик. Икки нафар ўрта ёшлардаги киши гурунглашиб ўтиришибди. Бир қарашда уларни бемор деб ҳам бўлмасди. Фақат оламни тиниқ кўра олишмаётганини кўзларини қисиб-қисиб қарашларидан сезиш мумкин. Улар турган хоналар иссиқ, кенг ва ёруғ. Энг қизиғи, бу ерда беморлар бошқа шифохоналардан фарқли ўлароқ жарроҳлик амалиёти ўтказиладиган вақтдан бир неча кун олдин эмас, айнан ўша куни олиб келинар ва операцияга тайёрланилар экан.

— Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳридан келдим. Кўз олдимда қуюқ туман бор. Нарса-буюмларнинг, одамларнинг шаклини кўраману, тиниқ, аниқ кўролмайман. Ҳамма нарса қорамтир бўлиб кўринади,— дейди ўзини Сайфулла Норбоев деб таништирган бемор.

Ундан ярми ҳазил, ярми чин сўрайман:

— Ҳозир операцияга кираркансиз. Қўрқмаяпсизми?

— Ие, нега қўрқаман?! Дўхтирларимизга ишонаман. Бир танишим қайсидир чет давлатга оборib даволатаман деганида ўзимизда даволанаман, деб айтгандим. Лариса Евсеевнани қўли енгил шифокор, дейишади. Мени шу опамиз операция қиларкан. Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлар, — деди суҳбатдошим ишонч билан. Аммо гап-сўзларидан унинг юрагида аллақандай ҳадик борлиги сезилиб турарди.

Бошқа бир хонада эса ёшгина жувон 4-5 ёшлар атрофидаги қизчаси билан ўтирибди. Улардан ҳам ҳол сўрадим:

— Қизимнинг бир кўзи сал ғилайроқ. Шунга дадаси бу ерга олиб келдилар. Менга қолса, майли боламнинг жони соғ бўлса, бўлди эди. Лекин дадаси оғриқсиз, сифатли даволашар экан деб кўндирдилар. Ўйлаб кўрсам, эрта бир кун қизимнинг айбли бўлиб улғайиши, тенгдошлари орасида кўнгли ярим бўлиши мумкинлиги, улғайганида эса биздан кўнгли оғриб қолмаслиги учун ҳозир кўзини операция қилишса, кейинчалик билинмай кетса керак. Энди бор умидим шифокорлардан,— дейди боласини қучиб олган аёл.

Ҳақиқатан ҳам, нафақат қиз боланинг, балки йигитларнинг ҳам ғилайлиги унинг кўнгли ярим бўлиб улғайишига сабаб бўлиши, атрофидагиларнинг назарида эса нуқсонли одамдай туюлиши бор гап. Бу нуқсондан эса ота-оналарнинг озгина эътибор ва ғамхўрлиги туфайли болаликда операция йўли билан халос бўлиш мумкин экан.

Кейинги хонага кирганимизда эса бир отахон жилмайиб кутиб олди.

— Келинг қизим, келинг. Яхши қилибсиз бу касалхона ҳақида ёзаман деб. Бу ҳам катта савоб. Менга ўхшаб кўзи деярли умуман кўрмайдию, нажотни қаердан топишни билмай юрган қанча-қанча одамлар бор, — деди паркентлик Нуриддин ота.— Мен саксон бирга кирдим, болам. Яқин-яқингача равшан кўрардим. Энди кўз олдим қорайиб қолди-да. Невараларга қўйинглар, ҳамма нарса худодан, десам ҳам олиб келишди бу ерга. Дўхтирларини яхши дейди. Энди, худо хоҳласа, бугун операция қилишаркан. Қандайдир лазер нури билан дейишди, шекилли.

Кўзларига зиё истаб келган бу беморларнинг юракларидаги гапларни эшитиб, тўғриси, шифокорларга бўлган ишонч катта эканлигига амин бўлдим. Аммо уларнинг кўнгли барибир ҳадикда... "Бир оздан кейин нима бўларкин-а?" деган савол бор эди уларнинг дилида.

ОПЕРАЦИЯ СТОЛИДА ҚАРИНДОШИМ ЭМАС, АММО...

Эрталаб соат 9:00.

Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия марказининг малакали шифокорларидан бири Дилшод Абдинабиевич Абдиназаров билан операция хонасига кириб бордик. Бу ердагиларнинг ҳаммаси оппоқ кийимларда. Менинг эгнимда хам худди уларникидек либос. Қарама-қарши жойлашган иккита операция хонасининг ўртасидаги хона шифокорларнинг қўл ювишлари учун мўлжалланган экан. Кузатиб турибман. Дилшод Абдинабиевич қўлини аввал совун ва тозаловчи чўтка ёрдамида эринмай ювди. Сўнг аллақандай сув солиб қўйилган тоғорачага қўлини қўйиб туриб, жилмайганча мени имлади-да кичкина қум соатни кўрсатди. Бу бир дақиқани кўрсатувчи соат, шифокор қўлини солиб турган сув эса чумоли сиркаси экан. Қум соат бўшагач, Дилшод ака ҳамширалар ёрдамида қўлини артиб, шифокорлар учун мўлжалланган махсус либосларни кийди ва биз бемор ётқизилган хонага кирдик. Тўғриси, операция столига яқинлашар эканман, юрагимга титроқ тушди. Бемор ким? Билиб бўлмасди. Бутун вужуди оқ мато билан ёпилган, фақат операция қилиниши керак бўлган кўзи очиқ... Йўқ, икки қўли ҳам билаккача кўриниб турибди. Меҳнатда қотган, кучли ва дағал қўллар... Ўрта ёшлардаги киши, деб тахмин қилиш мумкин. Дилшод Абдинабиевич операцияни бошламасдан олдин беморнинг кўзини яхшилаб текшириб кўрар экан, менга тушунтира бошлади:

— Бу беморнинг касаллиги катаракта (кўз гавҳарининг лойқаланиши) дейилади. Бундай ҳолатда бемор кўзи операция қилиниб, унинг қорачиғи сунъий гавҳарга алмаштирилади.

Шифокор "қисқич" деганида юрагим бир ҳаприқиб тушди. Махсус пичоқни сўраганда эса хаёлимга кинолардагидек ўткир учли дастғоҳ намоён бўлди. Аммо ҳамшира қиз кичкина, кўз билан илғаш қийин бўлган ускунани узатганда аввал ҳайрон бўлдим, кейин эса инсон кўзи мен ўйлаганимдан ҳам ниҳоятда нозик эканлиги ва унинг операцияси ҳам ўта нозик бўлишини англай бошладим. Шифокор аввал қисқичлар билан очиб қўйилган, қандайдир суюқ дори-дармонлар сепилган бемор кўзининг оқариб қолган қисми, тиббиёт тили билан айтганда лойқаланган кўз гавҳарини кўчириб олишга қулай қисмидан кичкина чок кесди. Сўнг уни мен номини билмайдиган қандайдир суюқликлар билан ювиб, нозиккина ускуналар ёрдамида кўзнинг ўша оқарган қисмидаги суюқликни чиқара бошлади. Дилшод Абдинабиевичнинг қўллари ишонч билан хотиржам ҳаракат қилар, табиатан хушжақчақ бўлган бу инсоннинг ҳозирги босиқ ва дадиллиги мени лол қолдирар эди. Унинг бутун вужуди кўз ва қўлга айланганди гўё. Бемор эса карахтлантирувчи дорилар таъсиридами жимгина ётар, аҳён-аҳёнда бир инграб қўярди. Дилшод ака эса "Ўзингизни бўш қўйинг. Ҳаммаси жойида. Яхши-яхши нарсаларни ўйлаб ётаверинг. Ҳозир бўлади" деб унга далда бериб турди.

Соат 9:20 . Операция бошланганига ўн дақиқа бўлди. Шифокорнинг қўли ҳамон дадил ва эҳтиёткорона ҳаракат қиляпти. Лойқаланган кўз гавҳари олиб ташланди. Энди сунъий гавҳарни қўйиш керак эди. Мен қизиқсиниб сунъий гавҳарга қарайман. Оқ, юпқа эластик линза кўз қорачиғи ўрнига жойлаштирила бошланди. Шифокорнинг қўллари негадир бир муддат ҳавода ҳаракатсиз қолди. Унинг кўзига қарайман. У микроскоп орқали бемор кўзига синчиклаб қараяпти. Сўнг яна бояги оқ доира шаклидаги кичкина линза кўзнинг марказига сурила бошланди.

Бемор уҳ тортди. Қўллари қимирлай кетди. Сездимки, у уйғона бошлади. Яна карахтлантирувчи укол қилаётган ходим сўради: "Нима бўлди? Ҳаммаси яхши, ака. Операция яхши ўтяпти."

"Сиқилиб кетяпман", деди бемор титроқ овозда. Яна бир ҳамшира унинг қон босимини ўлчади ва ҳаммаси яхши эканлигини шифокорга етказди.

Дилшод Абдинабиевичнинг қўли яна ишонч билан ҳаракатлана бошлади. Мен беморнинг ўнг ёнидаги стулда ўтирибман. У яна инграй бошлади. Демак, уни ҳали уйқу элитгани йўқ. Юрагимни аллақандай ваҳм боса кетди. Операция столида ётган киши менга қариндош эмас, ё бирор бир танишим ҳам эмасди. Шундай бўлсада, унга далда бўлмоқчи эдиму, аммо... менинг қўлимдан нима ҳам келарди? Фақат Яратгандан операциянинг муваффақиятли якунланишини чин дилдан истардим.

...Дилшод ака ҳамшира қиздан игна сўради. Билдимки, шифокор сунъий гавҳарни жойлаштириб бўлди. Энди ишни якунламоқчи. Ҳамшира узатган жуда ингичка игнадаги нафис ип билан кўзнинг боя кесилган кичкина қисмига битта чок қўйилди. Игнани ҳамширага узатар экан шифокор менга юзланиб, бўлди дегандек ишора қилди. Соат эса 9:35. Ҳисобимга кўра операция 25 дақиқа давом этибди. Кўзга малҳам суртилгач, Дилшод Абдинабиевичнинг "Бўлди, ака. Худо хоҳласа, кўзингиз равшан кўради энди" деган сўзларига беморнинг секин, аммо чин юракдан "Раҳмат" деб қўйганини эшитиб, рости, шифокор учун энг катта мукофот аслида шу эканлигини қалбан ҳис этдим...

"ҚОРАЧИҚНИ ҚОРАЧИҚДАЙ АСРАШ КЕРАК"

Хонадан чиқар эканмиз, Дилшод Абдинабиевичдан операциянинг қай даражада муваффақиятли чиққанлиги ҳақида сўрадим.

— Инсон кексайгани, барча аъзоларининг қариши сингари кўз ҳам "қарий" бошлайди. Катарактани кўп ҳолларда кўз гавҳарининг қаришидан келиб чиқадиган касаллик, дейиш мумкин. Аммо бу касаллик ёшларда бугун амалга ошириладиган 21 та кўз жарроҳлигининг 14 таси катаракта хасталигидир. Айтиш мумкинки, ҳозир бу касаллик билан хасталанган юртдошларимиз кўпчиликни ташкил этади. Биз операция қилган беморда ҳам "пишиб кетган" катаракта бор экан.



Кўрганингиздек, кўз қорачиғи оппоқ рангда эди. Бемор битта кўзини тўрт йил аввал операция қилдирган, аммо иккинчи кўзига эътиборсиз юрган. Натижада катаракта етилиб кетган. Олдинроқ тиббиётда катарактанинг «пишиб етилиши» кутилган бўлса, ҳозирги пайтда замонавий ускуналар ёрдамида унинг вақтлироқ операция қилиниши самаралироқ бўляпти. Шунинг учун инсон кўзларига жуда эътиборли бўлиши керак. Кўзнинг хира кўраётганлиги ёки озгина оғриб туришига ҳам беътибор бўлмаслик зарур. Халқимизда "Қорчиғимдай асрайман" деган ибора бор. Аслида қорачиқнинг ўзини қорачиқдай асраш керак. Ҳозир операциядан чиққан беморнинг умумий ҳолати яхши. Айтиш мумкинки, операцияни муваффақиятли якунладик. Бу ёғи беморнинг ўзига, кўзларига эътиборли бўлишига боғлиқ, — дейди шифокор куюнчаклик билан.

Ҳа, кўз инсон "Мен"ини ифодалаб тургувчи сеҳрдир. Унда кишининг руҳий олами ҳам акс этиб туради, дейишади. У борлиқ неъматларидан тўла бахраманд бўлмоқ учун хизмат қилади. Аммо унга инсонларнинг безътиборлиги, вақтида тиббий кўриклардан ўтиб турмаслик кўпгина кўз касалликларининг чуқурлашиб кетишига сабаб бўлиши мумкин экан.

ГЛАУКОМА ҚАНДАЙ КАСАЛЛИК?

— Айни пайтда юртимизда глаукома(кўз босимининг ошиши) касаллиги ҳам кўп учрамоқда. Халқ орасида бу хасталик "кўк сув" ёки "назла" деб ҳам аталади. Энг ёмони, олдинроқ бу хасталикка чалинувчиларнинг ўртача ёши 40-45 ёш бўлган бўлса, ҳозир 30-35 ёшлилар кўпроқ унга чалиняпти,— дейди шифокор Мавзура Бекова.— Бемор глаукома билан оғрингани пайқаган ҳамоно шифокорга мурожаат қилмаса, бутунлай кўр бўлиб қолиши ҳам мумкин. Касалликнинг бошланишида кишининг вақти-вақти билан бир кўзида ва бошининг шу кўзи томонидаги ярмида енгилгина оғриқ сезилади. Бундай ҳолатда ёниб турган лампага қаралса, лампанинг атрофида ранг-баранг доиралар кўринади. Кўз олдида туман борга ўхшаб, нарсаларнинг шакли аниқ кўринмайди. Бу кўпинча бемор нимадандир сиқилса, ташвишланса ёки ҳаяжонланса пайдо бўлади. Агар бемор шу даврда кўзига эътибор бермай, даволанмаса, юқоридаги ҳолат тез-тез такрорланиб, кўз оғриғи борган сари оғирлашади. Бунда пешона ва бош ҳам қаттиқ оғрий бошлайди. Бунинг устига кўз янада хиралашиб қолади. Бу ўзгаришларнинг ҳаммаси кўз ички босимининг кўтарилишидан келиб чиқади. Глаукома касаллиги асаб системаси зарарланишидан келиб чиқиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳар бир киши ўзининг иш кунини маълум тартибга солиб, вақтида дам олиши, вақтида овқатланиши, осойишта турмуш кечириши керак. Ҳар бир майда, арзимаган нарсага ҳаяжонланиш, хафа бўлиш, ташвишланавериш бора-бора асаб системасини ишдан чиқариб қўяди. Бу эса глаукома касаллигига сабаб бўлиши мумкин. Такрор айтишим керакки, кимнингдир кўзи бироз хиралашса ёки кўзи билан боши сал-пал оғриса, дарҳол кўз шифокорига бориб маслаҳатлашиши зарур. Вақтида врачга кўринмай иримсирим қилган ёки табиб, азайимхону фолбинларга бориб, касалликни ўтказиб юборадиган одам эса ўз соғлигига катта зарар етказиши шубҳасиз.

"КЎЗЛАРИМНИНГ ГАВҲАРИНИ АЛМАШТИРИШДИ"

Ҳалима опа ҳам вақтида кўзининг қадрига етмаганди. У Чинозда яшайди. Болалигидан бери бу ердаги далада-даштлар унга — Ватан. Табиатни жон дилидан суяди. Айниқса, эрта тонгдан уйғонадиган опага уфқнинг ёриша бошлашини томоша қилишдан кўра завқлироқ лаҳзалар йўқ эди гўё. Ҳа, бу ёруғ олам ҳақиқатдан-да гўзал. Ҳатто хазонларнинг дарахт шохларидан бир титроқ билан узилиб, ўйноқлаб-ўйноқлаб ерга қўнишининг ҳам, оппоқ қорларнинг заминни покликка буркаб кишиларнинг кўнглидаги ҳазин ҳисларни уйғота бошлашининг ҳам ўзига хос таровати, ажиб сурури, нафосати бор. Аммо нимадир бўлдию, кунларнинг бирида Ҳалима опанинг кўзларига қоп-қора шарпалардан бошқа ҳеч нарса кўринмай қолди. Кўз олдини қуюқ туман қоплаб, одамларнинг ҳам, дов-дарахтларнинг ҳам, қўйингки борликдаги барча жонзотларнинг фақатгина шаклини кўра оларди, холос. Ўрта ёшлардаги бу опахон жажжи набирасини меҳр билан ҳидлаб-ҳидлаб ўпар, шаршаранинг овозидек тиниқ кулгиларидан завқланар, лекин унинг дийдорини кўролмаётгани, ўғлининг кўзларига ўхшаш деб таърифлашаётган қийиқ кўзларига тўйиб-тўйиб боқолмаётганидан ўксинарди. Бировнинг ёрдамисиз кўчага чиқолмай қолганида эса "Қандай оғир гуноҳим бор эдики Аллоҳ мени бундай жазолаяпти", деб аччиқ-аччиқ йиғларди. Охири тақдиридан кўнгли шикаста бўлган опанинг юрагини ваҳм босди. "Наҳотки, энди бу дунёни бошқа кўра олмасам?.."

Бир куни опанинг турмуш ўртоғи гап топиб келди. Шаҳарда ҳар қандай кўз касалликларини энг замонавий тиббий ускуналар ёрдамида оғриқсиз даволайдиган шифохона бор эмиш.

— Бу марказда иккала кўзимни ҳам операция қилдирдим. Менда қандай касаллик борлигини ҳам билмасдим. Аввалига хирароқ бўлиб қолган кўзим кейинчалик умуман кўрмай қолган эди. Бу ерда касалликни аниқлаб, кўз қорачиғимни сунъий гавҳарга алмаштиришди. Ростини айтсам, олдин жуда қўрқандим, операцияга юрак ютиб кирдим Лекин ҳеч қандай оғриқ ҳам, қўрқинчли ҳолатни ҳам сезганим йўқ. Энг замонавий усулда, оғриқсиз даволашлари рост экан. Барака топишсин дўхтирлар. Қўллари жуда енгил экан. Ҳозир операцияга кираётганларга ҳеч қандай қўрқинчли жойи йўқлиги, улар учун фақатгина фойда эканлигини айтиб ўтирибман.

Баъзилар операцияга кўп маблағ кетса керак, деб ўйлашади. Бизнинг ҳам оилавий шароитимиз ўртаҳол бўлгани учун операцияга маблағ топа олмасак керак, деб ўйлагандим. Йўқ, ҳеч қандай қийинчилик туғилгани йўқ. Ҳатто, ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган кишилар учун имтиёзлар ҳам бор экан. Ҳозир охирги текширувдан ўтиш учун келгандим. Сўнгги натижаларни аниқлаб берувчи шифокорларнинг айтишича, кўзимнинг кўриш даражаси ҳозир юз фоизга чиқибди. Мен ҳали ҳам бу дунёни қайта кўра олаётганимга ишонмаяпман. Тўғриси, ишқилиб туш бўлмасин-да. Кўзларимга қайта ҳаёт бахш этган шифокор укам Воҳиджондан бир умр миннатдорман,— дейди кўзларида ёш айланаётган аёл.

Шифокор Воҳиджон Рўзиқуловдан бу опахоннинг касаллиги ва уни даволаш йўли ҳақида сўрадик:

— Бу бемордаги катарактани жарроҳликнинг бутун дунёда қўлланиладиган «олтин стандарти» — факоэмульсификация усулида даволадик, яъни катарактани ультратовуш ёрдамида олиб ташлаб, ўрнига юмшоқ, букилувчан сунъий гавҳар қўйилди. Кўзда 2-3 мм.ли жуда кичик кесув қилинади ва бундай операциялар ҳеч қандай чоксиз амалга оширилади. Айтиш мумкинки, хориждан олиб келинган замонавий ускуналар ёрдамидаги бу операция қисқа муддат ичида кўзнинг юқори даражада кўришини таъминлайди. Асосийси эса операция ҳеч қандай оғриқларсиз, тез фурсатда, сифатли амалга оширилади.

Айрим кишилар «операция учун катта пул кетса керак», деб хавотир олишади. Маълумот учун айтишим мумкинки, марказимизда глаукома жарроҳлиги учун 100 минг сўм, катаракта операцияси учун 200-400 минг сўм атрофида маблағ сарфланса, энг мураккаб операция ҳисобланадиган кўз шоҳ пардасини алмаштириш учун эса тахминан 1,5 миллион сўм харж қилинади. Бу хорижда қилинадиган худди шундай амалиёт учун кетадиган харажатдан анча кам эканлиги кўпчиликка сир эмас.

* * *

Тасаввур қилинг, тунда бирдан хонангиздаги электр чироғи ўчиб қолди. Кўз олдингиз қоп-қоронғи... Зулмат... Юрагингиз сиқилади. Бир неча дақиқадан сўнг элекр чироғи ёнишини ўйлайсизу, аммо барибир туриб шам ёқасиз. Ахир, қоронғида ўтириб бўладими? Ҳатто, ёнингиздагилар билан суҳбатлашмоқчи бўлсангизу уларнинг хатто имо-ишоралари, кўз қарашларини кўра олмасангиз, юрак сиқилади-да. Тўғрими? Лекин сиз кутаётган чироқ бир умрга ёнмасачи? Ҳатто, шамнинг ёруғини ҳам топмоқнинг иложи бўлмаса-чи? Энди, бу— даҳшат! Бу чинакам фожиа! Зулмат қўйнидаги шундай кишилар учун чироқ ёқа олаётган, кўриш бахтини тиклаётган шифокорларнинг заҳматли меҳнатини эса фидойилик, таъбир жоиз бўлса жасорат, дейиш мумкин. Тўғри-да, ҳар куни тонгнинг ажиб гўзаллигидан баҳра олиш, дов-дарахтлар, чечаклар, юксак тоғлару табиатнинг турфа мавжудотларини кўра олиш, жажжи болакайнинг мунчоқ кўзларига тикилиш, онаизорингнинг оқ аралаш сочларига разм солиш, суйганингнинг дийдорига тўйиш... Оддий турмуш тарзидай туюладиган буларнинг бари аслида дунёдаги энг катта Бахт. Шундай эмасми? Бу бахтнинг эса ҳар доим ҳам қадрига етавермаймиз. Аслида кўз ҳаётимизни тугал қилиб турган энг бебаҳо мўъжизанинг ўзгинасидир! Бу мўъжиза ҳеч кимни ҳеч қачон тарк этмасин!

Ситора ТОЖИДДИНОВА,
"Hurriyat" мухбири.

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

■ ТАДБИР

Телерадиороликлар фестивали

Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзи, умуминсоний қадриятлар, инсонпарварлик ва меҳр-мурувват ғояларини тарғиб қилиш, шунингдек, айни пайтда инсониятга хавф сола бошлаган ОИТС, гиёҳвандлик, парранда гриппига қарши курашишга катта эътибор қаратилмоқда.

Мазкур муаммоларни ечиш борасида олиб борилаётган ишлар кўлами ҳақидаги маълумотларни аҳолига етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс, албатта.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллиги ҳамда ассоциация ташкил этилганлигининг 5 йиллигига бағишлаб ижтимоий телерадиороликлар биринчи миллий фестивали эълон қилинганди.

Яқинда фестиваль натижалари якунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов сўзга чиқиб, ушбу тадбир энг яхши ижтимоий роликларни аниқлаб қолмасдан, балки янада самаралироқ ижтимоий телерадиомаҳсулотлар яратилишига туртки бўлиши, танловда тақдим этилган роликлар республикада ижтимоий йўналишдаги теле ва радиожурналистика институтининг ривожига улкан ҳисса қўшишини таъкидлади.

Тадбир доирасида барча номинациялар бўйича энг яхши ижтимоий аудио ва видеороликлар танлови ўтказилди. Ҳаммаси бўлиб жорий йилнинг 1 ноябридан 1 декабрига қадар танловга нодавлат телерадиостанцияларнинг ижодий ходимлари, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда хусусий студиялар ва шахслардан 300 дан зиёд ижтимоий роликлар қабул қилиниб, энг кўп роликлар сони – 125 та – "Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш" номинацияси бўйича кузатилди.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси экспертлар кенгаши томонидан ҳар бир номинация бўйича ғолибликка 6 тадан номзод танлаб олинди. Соҳа мутахассислари ва нуфузли халқаро ташкилотлар вакилларидан иборат ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилган номзодлар ичидан – "Инсонпарварликка ва меҳр-мурувват" видеороликлар номинацияси бўйича Навоий шаҳридаги "Фазо ТВ" канали, аудиороликлар бўйича "Ориат Доно" хусусий радио канали, "Инсон ҳуқуқлари муҳофазаси" номинацияси бўйича Бухоро шаҳридаги "Истиқлол ТВ" канали, аудиороликлар бўйича Фарғона вилоятидаги "Рухсор радиоси", "Аҳолини парранда гриппининг салбий оқибатларидан огоҳ этиш" номинацияси бўйича Бухоро шаҳридаги "Истиқлол ТВ" канали, аудиороликлар бўйича "Водий садоси", "Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш" номинацияси бўйича журналист Фахриддин Шамсематов "Ўз йўлингни-ўзинг танла" видеоролиги учун, аудиороликлар бўйича "Ўзбекистон телерадиоканали", "Гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари ҳақида аҳолини огоҳ этиш" номинацияси бўйича "Шаҳрисабз ТВ"си, аудиороликлар бўйича "Ориат" радиоси очиқ электрон овоз бериш йўли билан ғолиб деб топилди.

Ғолиблар рақамли видеокамера, монтаж компьютери, телевизор, DYD – плеер ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, халқаро ташкилотлар ўзларининг махсус рағбатлантирувчи махсус мукофотларини ҳам топширишди.

Ўз мухбиримиз.

■ НАШР

"Фориш тонги" — севимли газета

Жиззах вилояти Фориш тумани ҳокимлигининг "Фориш тонги" газетаси 70 ёшга тўлди. У аввал бир неча ном билан чоп этилган. 1991 йилнинг декабридан эса "Фориш тонги" номи билан чиқа бошлади.

70 йиллик газета тахламлари бир сўз билан айтганда, туман тарихи ҳамда солномасига айланган десак, янглишмаймиз. Нашр халқнинг турмушини, туман ҳаётини ёритишда кўзгу вазифасини ўтаб, камчиликларни беаёв танқид қилди. Бугунги кунда ҳам газета туман аҳолисининг эркин сўз айтадиган ва ишончига сазовор бўлган севимли минбаридир. Шу билан бирга, у кўплаб истеъдодли ижодкорлар учун мактаб вазифасини ўтаганлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Яқинда газета юбелейига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан туман ҳокими Байрамбек Узоқов фуқароларнинг маънавий оламини бойитишга ҳисса қўшиб келаётган ижодий жамоани, фахрий журналистларни қизғин табриклади. Шунингдек, тантанада иштирок этган фахрий журналистлар Э.Қозоқов, Н.Худинов, Ў.Достонов, Р.Каримов ва бошқа қалам соҳиблари ҳам сўзга чиқиб, журналистларни, газета мухлисларини қутлуғ сана — "Фориш тонги"нинг қутлуғ ёши билан муборакбод этди. Газета жамоасининг бундан кейинги фаолиятига, туман аҳлининг севимли нашри бўлиб қолиши йўлида ижодий юксаклик изҳор этилди.

Алибой ЭРГАШЕВ,
фахрий журналист.

ЗАМОНАВИЙ ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

Биз XXI асрда табиий, техноген, иқтисодий, экологик ҳамда бошқа турли хил ҳаётимиз учун хавфли бўлган замонда яшамоқдамиз. Бу эса болаларимиз таълим-тарбиясига жиддий қарашимизни тақозо этади. Масалан, боланинг экологик тарбиясини шакллантиришда атроф-муҳитни кузатиш, ноёб гуллар музейлари, зообурчаклар ташкил этиш каби қизиқарли машғулотлар олиб бориш муҳим ўрин тутади. Шунинг учун мактабларда бу усулларни кенгроқ жорий этиб, болаларни ҳаётга тайёрлаб бориш лозим.

Аммо ҳозир ёшларнинг компьютер соҳасига қизиқишлари кучли. Лекин у кўпинча бир тарафлама: ўйинлар, виртуал жангу жадаллар, олди-қочди отишма-ю, бекорчи бошқотирмалар

билан чегараланиб қолмоқда. Яна кўп ёшлар телевидение орқали бериб бориладиган сериаллар билан ўралашиб қолишяпти. Бу ёшларимиз тарбиясида салбий роль ўйнаши, вақти келиб тузатиб бўлмас асоратлар қолдириши мумкин. Бу масалада ҳушёр бўлишимиз, ёшларимизга тўғри йўл кўрсатишимиз, уларнинг тарбиясида салбий ҳолатларга йўл қўймаслигимиз жуда муҳимдир.

Муҳаббатхон МУЛЛАЖОНОВА,
"IQBOL"(Андижон),
11.12.2008.

ҚАРЗДОРЛИК САБАБИ

Фермерлар қишлоқ хўжалиги ривожига ҳисса қўшибгина қолмасдан, қишлоқларни ободонлаштириш, замонавий техника ва технологияларни олиб кириш, аҳоли турмуш даражасининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан яхшиланишига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Фермерларга ҳукуматимиз томонидан яратиб берилган имкониятларни айтмайсизми?.. Аммо ҳамма фермер хўжаликлари ҳақида ҳам бирдай илиқ фикрлар айтиб бўлмайди. «Шоли курмаксиз бўлмас», деганларидек онда-сонда бўлса-да, ўз фаолиятини яхши йўлга қўя олмаётган, бепарволик ва лоқайдлиги боис қарздорлик томон юз тутаётган хўжалик субъектлари ҳам учраб турибди. Жумладан, Арнасой туманидаги «Шоҳруҳ Муродов» фермер хўжалиги билан худди шундай ҳолат юз берди.

Туман давлат солиқ инспекцияси томонидан «Шоҳруҳ Муродов» фермер хўжалигининг молиявий аҳволи ўрганилганда, 2008 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига хўжаликнинг бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалардан қарздорлиги 16.642.000 сўмни, таъминот корхоналаридан эса қарздорлиги 92.985.000 сўмни ташкил қилганлиги аниқланди.

Шу ўринда савол туғилади. Нега фермер хўжалигининг қарздорлиги ошиб кетди? Чунки фермер хўжалиги раҳбари ишни тўғри йўлга қўя олмаган. Оқибатда шартнома режалари бажарилмаган, мақсадсиз сарф-харажатлар кўпайиб кетган. Қолаверса, фермер хўжалиги раҳбари деҳқончиликни ривожлантириш, ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда хўжаликнинг тўлов қобилиятини қайта тиклаб, қарздорликдан қутилиш юзасидан ҳеч қандай режалар тузмаган.

Б. АРАЛОВ
"Адолат ёлқини" (Наманган),
12.12.2008.

БЕКАТИ ЙЎҚ ҚИШЛОҚЛАР

Самарқанд вилояти Нуробод туманинг Хазармали, Олға, Меҳр, Ўртабўз, Тошқудуқ каби қишлоқлари туман марказидан 40-50 километр узоқликда жойлашган. Ушбу қишлоқларга "Самарқанд — Олға", "Самарқанд — Ўртабўз", "Нуробод — Ҳазармали" йўналишларидаги автобуслар қатнаб, аҳолининг узоғини яқин қилмоқда. Бу яхши, албатта. Аммо...

Агар сиз автобусда ушбу қишлоқларга бориб кўрсангиз, уларнинг биротасида ҳам автобус тўхтайдиган ва йўловчи транспорт кутиб паналайдиган бекатни учратмайсиз.

— Олға қишлоғига бир дўстимникига меҳмондорчиликка бордим,— дейди танишларимдан бири. — Эрталаб туман марказига қайтаётиб "Самарқанд — Олға" йўналишидаги автобусни кутиб турибман. Мендан ташқари йўл ёқасида яна 15 нафар йўловчи бор. Ёмғир саваламоқда. Сувдан этингиз жунжикади. Автобус келгунича уст-бошимиз шалаббо бўлди.

Юқорида номлари қайд этилган қишлоқ одамларига осон эмас, ахир улар ёзнинг жазирама иссиғидаю, қишнинг қаҳратон совуғида ҳам йўл ёқасида автобус келгунча чидашларига тўғри келади.

Ҳошим ОРЗИҚУЛОВ
"Зарафшон" (Самарқанд),
04.11.2008.

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва ахборот кўмагида тайёрланди.
Лойиҳа: «Матбуот — давр кўзгуси».

■ АВВАЛИ

Ўзбек билим юртида

Ўқутучилар январ, фиврал ойлиғини ололмағанлари учун рус муаллималари келмай бошладилар. 12-нчи фивралдан бери билим юртининг асосий синфларида ўқушлар тўқтатилди. Маориф комиссарийатимиз бундай ғайри табъий аҳволға қандай тузуб турар экан?

"Туркистон" 18 фиврал 1923 йил.

Билдириш

Биринчи Қатор терак маҳаллалик Жаннатбиби Тожибек қизини ўз эри Сайид Амин Акром ўғли 7 ойдан бери нафақасиз ташлаб кетган. Агар шу билдиришдан кейин ики ой ичида хабар олмаса хотунига хатти амр берилур.

Шаҳонтоҳур даҳа қозиси (имзо)
"Туркистон" 1 фиврал 1923 йил.

Маориф йўлида ижроқўм

Эски шаҳар ижроқўми савод қурси ва ҳам сийосий қурсларда дарс берувчи 20 ўқувчи ва ҳам 10 та мактаб хизматчисининг таъминотини ўз устиға олди.

"Туркистон" 3 фиврал 1923 йил.

Нашрга тайёрловчи: Аъзам УМАР

Бухоро вилоят Когон туман давлат солиқ инспекцияси жамоаси

ватандошларимизни яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан табриклайди.

2009 йил

барчамизга эзгуликлар келтирсин.

2008 йилда Ўзбекистоннинг энг яхши банки деб жаҳоннинг машҳур "The Banker" журнали тарафидан тан олинган

ОАТБ "ПАХТА БАНК"

The Banker
Bank of the Year 2007
UZBEKISTAN

ўз акциядорлари, мижозлари, барча ҳамюртларимизни кириб келаётган Янги — 2009 йил билан сидқидилдан табриклайди!

Янги йилда Сизларга соғлик, тинчлик, фаровонлик, барқарорлик ва улкан муваффақиятлар тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2008 йил 28 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида очиқ акциядорлик-тижорат "ПАХТА БАНК" республика аҳолисига миллий ва хорижий валютадаги муддатли ва жамғарма омонат турларини таклиф қилади.

Омонатлар бўйича ҳисобланган фоизли даромадингиз биринчи талабдаёқ берилади. Унутманг, Сизнинг омонатга қўйган пул маблағларингиз "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонунан юз фоиз таъминланади! "Пахта Банк" омонатларига қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сири ҳисобланади.

№	Омонат	Фоиз ставкаси	Омонат шартлари
	МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА		
1.	***Талаб қилиб олингунча***	***5%*** *талаб қилиб олгунча*	*Маблағлар нақд ва нақд пулсиз чекланмаган муддатга қабул қилинади ҳамда омонатчининг биринчи талабидаёқ берилади.*
2.	***"РАВНАҚ"***	***18%*** *жамғарма*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 12 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади; — Олинмаган фоизлар асосий суммага қўшилади (капитализация қилинади); — Маблағлар қабул қилиш муддати 05.01.2009; — Омонатнинг сақлаш муддати тугаганидан сўнг йиллик 3 фоиз миқдорида бонус ҳисоблаб берилади.
3.	***"ЗАМИН"***	***18%*** *жамғарма*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3, 6, 9 ва 12 ой; — Фоизлар ҳар 3 ойда тўлаб борилади; — Олинмаган фоизлар асосий суммага қўшилади (капитализация қилинади); — Маблағлар қабул қилиш муддати 16.01.2009; — Омонатнинг сақлаш муддати тугаганидан сўнг йиллик 3 фоиз миқдорида бонус ҳисоблаб берилади.
4.	***"НУР"***	***18%*** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 1, 2 ва 3 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади; — Маблағлар қабул қилиш муддати 20.02.2009; — Омонатнинг сақлаш муддати тугаганидан сўнг йиллик 2 фоиз миқдорида бонус ҳисоблаб берилади.
5.	***"ХУМО"***	***16%*** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 2 йил; — Дастлабки 3 ой учун фоизлар олдиндан бўнак тариқасида, кейинги муддат учун эса фоизлар ҳар ойда берилади; — Маблағлар қабул қилиш муддати 10.02.2009; — Омонатнинг сақлаш муддати тугаганидан сўнг йиллик 8 фоиз миқдорида бонус ҳисоблаб берилади.
6.	***"ФАРОВОНЛИК"***	***16% — 18%*** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3 ва 6 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади; — Олинмаган фоизлар асосий суммага қўшилади (капитализация қилинади); — Маблағлар қабул қилиш муддати 31.12.2008; — Ушбу омонат тури бўйича бонус жорий қилинган.
7.	***"САХОВАТ"***	***18%*** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 1 йил; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади; — Маблағлар қабул қилиш муддати 31.12.2008; — Ушбу омонат тури бўйича бонус жорий қилинган.
8.	***"МАИШИЙ ТЎЛОВ"***	***18%*** *жамғарма*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 2 йил; — Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал тўловларга ўтказиб берилади; — Маблағлар қабул қилиш муддати 31.12.2008.
9.	***"БОЛАЛАР КЕЛАЖАГИМИЗ"***	***12%—18% гача*** *жамғарма*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 1, 2, 3, 4 ва 5 йил; — Фоизлар ҳар 3 ойда тўлаб борилади.
10.	***"НАВНИҲОЛ"***	***МБ қайта молиялаш ставкасида*** *жамғарма*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 1 йил; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади; — Мазкур омонат ёши 16 дан 25 гача бўлган ёшлар учун очилади; — Қўйилган маблағлар миқдори муддати тугагандан сўнг 50000 сўмдан ошган бўлса, жами тўланган даромаддан 10% қўшимча даромад берилади.
11.	***"ЁШЛИК"***	***18%*** *жамғарма*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 1, 2, 3, 6, 9, 12, 15 ва 18 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

№	Омонат	Фоиз ставкаси	Омонат шартлари
	МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА		
12.	***ҲОСИЛ***	***19%*** *жамғарма*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 1, 2, 3 ва 4 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади; — Маблағлар қабул қилиш муддати 31.12.2008.
13.	***"МАДАДКОР"***	***18%*** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 1, 2, 3, 6, 9, 12, 15 ва 18 ой; — Ҳар ой учун ҳисобланган фоиз омонатчига олдиндан тўлаб берилади.
14.	***"МУДДАТЛИ"***	***16%*** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 6 ой ва 1 йил; — Фоизлар муддат тугаганидан кейин тўланади.
15.	***"МУДДАТЛИ"***	***18%*** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3 ва 5 йил; — Фоизлар омонат очилган кундан бошлаб бир йилдан сўнг тўлаб берилади, қолган даврлар учун ҳисобланган фоизлар ҳам шу тартибда тўлаб борилади.; — Олинмаган фоизлар омонатнинг асосий суммасига тўланиш даврийлигига қараб қўшилиб борилади.
16.	***"ОҚ ОЛТИН"***	***18%*** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 6 ой; — Ҳар ой учун ҳисобланган фоиз омонатчига олдиндан тўлаб берилади
17.	***"ПАХТАКОР"***	***16%*** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
18.	***"БАРАКА"***	***12% — 18%*** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3, 6, 9 ва 12 ой; — Фоизлар аванс тариқасида (олдиндан) ёки босқичма-босқич омонатчиларга берилади.
19.	***"БАҲОР"***	***18%*** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 9 ой; — Фоизлар ҳар 3 ойда тўлаб борилади.
20.	***ИСТЕЪМОЛ ОМОНАТ***	***10%*** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3 йил; — Ҳисобланган фоизлар "Истеъмол кредити"га ҳисобланган фоизларни сўндириш мақсадида ҳар ойда ўтказиб борилади;.
21.	***ЭГАСИНИНГ НОМИ КЎРСАТИЛМАГАН***	***18%*** *жамғарма*	— Омонатнинг суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3, 6, 9 ва 12 ой; — Маблағлар қабул қилиш муддати 01.04.2009; — Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
22.	***ЭГАСИНИНГ НОМИ КЎРСАТИЛМАГАН***	***19%*** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3, 6, 9 ва 12 ой; — Маблағлар қабул қилиш муддати 01.04.2009; — Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
	ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА		
1.	***"ЧАШМА"***	***АҚШ долларида 7%*** *муддатли* ***ЕВРОда 6%*** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3, 6, 9 ва 12 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади; — Маблағлар қабул қилиш муддати 31.12.2008.
2.	***"ЭЗГУ"***	***АҚШ долларида 7%*** *муддатли* ***ЕВРОда 6%*** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3, 6, 9 ва 12 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади; — Маблағлар қабул қилиш муддати 30.12.2008.
3.	***"СЕВИНЧ"***	***ЕВРОда 8%*** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3, 6, 9 ва 12 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади; — Маблағлар қабул қилиш муддати 30.12.2008; — Фоизлар Марказий банк курси бўйича сўмда тўланади.

Қўшимча маълумот учун (8.371) 150-85-27 ва 150-53-65 телефон рақамларига қўнғироқ қилишингиз ҳамда "Пахта Банк"нинг исталган филиалларига мурожаат этишингиз мумкин. *www.pakhtabank.com*

ТАБРИК

Давлат акциядорлик-тижорат

“АСАКА” БАНК

жамоаси

Халқимизни кириб келаётган

Янги — 2009 йил билан

чин қалбдан муборакбод этади!
Янги йил қут-барака, бахт, омад,
мўл-кўл ризқ-насиба
олиб келишини тилайди.

Азиз юртимизда ҳамиша байрам шукуҳи кезиб юраверсин!

ТАЪЛИМ

Келажагимиз ишончли қўлларда,

— дейди Фарғона тиббиёт коллежи директори Ғайрат РАИМОВ

Ҳар қандай жамият ўз келажагини билимли, юксак маънавиятли ва жисмонан бақувват ёшларига ишонади. Зотан, фақат ана шундай авлод юрт истиқболини қура олади. Айниқса, инсон ҳаёти билан боғлиқ соҳа — тиббиёт ҳақида гап кетганда мукаммал даражадаги билим соҳиблари, бошқача айтганда “қўли енгил” саломатлик посбонларигина халқ меҳрига сазовор бўла олишини таъкидлаш лозим. Абу Али ибн Сино каби мутафаккирларни тарбиялаган бу заминда тиббий билимлар соҳасида ҳам катта мактаб борлигини бутун жаҳон тан олган, десак муболаға бўлмайди. Аждодлар мероси ва замонавий фан ютуқларини тўла эгаллаш йўлида эса ўрта махсус билим юртларининг ҳам алоҳида аҳамияти бор.

Фарғона тиббиёт коллежи мамлакатимиздаги соҳага малакали мутахассис кадрлар тайёрлаб бераётган ана шундай масканлардан биридир. Энг замонавий жиҳозлар билан таъминланган кенг ва ёруғ ўқув заллари бу ерда таҳсил олаётган ёшларнинг илмга бўлган иштиёқини оширса, барча кўргазмали қуроллар ва зарур асбоб-ускуналар мавжуд бўлган махсус фан хоналарида эса талабаларнинг касб сир-асрорларидан хабардор бўлишлари учун етарлича шароитлар яратилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Бу даргоҳда 68 та ана шундай хона мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ҳамширалик иши, стоматология, терапия, педиатрия, акушерлик иши каби бўлимлар талабалар учун йўналишнинг ўзига хослиги ҳисобга олинган ҳолда жиҳозланган.

— Тиббиёт табиатнинг олий мавжудоти бўлган инсон ҳаётига дахлдор соҳа. Буни ҳар бир шифокор қалбан ҳис қилиши керак, — дейди коллеж директори, тиббиёт фанлари доктори Ғайрат Раимов. — Биз айни шу масъулиятни талабаларимиз онгига сингдириш, уларни ўз касбига садоқатли, пухта билим ва малака соҳиби қилиб тарбиялашга ҳаракат қиляпмиз. Бу ерда уч нафар фан доктори, етти нафар фан номзоди ва бир қанча мутахассис ўқитувчилар 3569 нафар талабага таҳсил беришмоқда. Кутубхонамизда 2800 дан зиёд китоб захирамиз ҳам бор. Бундан ташқари, 158 та электрон дарсликлар ҳам талабалар ихтиёрида. Шундай экан, ёшларнинг халқимиз корига яраб-диган инсонлар бўлиб вояга етишларига ишонаман. Чунки талабаларимизнинг илм олишга бўлган иштиёқи жуда баланд.

Дарҳақиқат, ҳар қандай ривожланган мамлакатдаги илм масканларидан қолишмайдиган даражадаги кўркам бу даргоҳда таҳсил

олаётган талабаларга ҳавас қилса арзийди. Уларнинг нафақат тафаккури теран, балки жисмонан бақувват бўлиб камол топишлари учун ҳам барча имкониятлар яратилган. Очиқ ва ёпиқ турдаги спорт майдонлари, қолаверса 200 кишига мўлжалланган тренажер зали ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун керакли ускуналар билан жиҳозланган.

Бундан ташқари, талабалар иштирокидаги маънавий-маърифий тадбирлар, ижтимоий мавзулардаги анжуманлар тез-тез ўтказилиб турилиши ҳам коллежда ёшларнинг дунёқарашига бефарқ қаралмаётганидан далолатдир.

Бугун бутун юртимиз ёшлари учун тўла маънода юксак парвозларга қанот бўла олаётган “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вазифалари ҳақида сўраганимизда ҳаракатнинг коллеждаги раиси Моҳичеҳра Рўзиева шундай деди:

— Ҳар душанба куни “Маънавият куни” деб белгилаб қўйилган. Ҳафтанинг бу кунида ёшларнинг онгига миллий қадриятларга содиқлик, ёт ғояларга қарши кураш руҳидаги тадбирлар ўтказилади. Яқинда “Келажакни тамакисиз тасаввур этаман” мавзусида танлов, қолаверса “Талабалик — олтин даврим” шиори билан байрамона руҳдаги тадбир ўтказилди. Алломаларимиздан бири “Муваффақиятли тарбиянинг сири — ўқувчига ҳурматда” деган экан. Умуман, ўтказилаётган бундай анжуманлардан асосий мақсадимиз ёшларни ватанпарварлик руҳида, соғлом турмуш тарзи билан яшовчи комил шахслар бўлиб вояга етишларига кўмаклашишдир. Чунки бизнинг эртанги тақдиримиз ҳам шундай ёшларнинг қўлида.

Яна бир қувонарли жиҳати шундаки, бу масканда талабаларнинг дарсдан кейинги бўш вақтларини мазмунли ташкиллаштириш, уларнинг фанга доир билимларини янада чуқурлаштириш учун ҳар бир кафедра қошида бир неча тўгараклар ташкил этилган бўлиб, бунда устоз-шогирд тизими асосида касб сирлари ўргатиб келинмоқда.

— Талабалар тўлиқ ўзлаштира олмаган фанлари бўйича тўгарак раҳбарларига мурожаат қилишлари, қизиқтирган барча саволларига жавоб олишлари мумкин, — дейди коллеж ўқитувчиси Аъзамжон Имомов.— Мисол учун, “Билимдон ҳамшира” деб номланувчи тўгаракда ҳамширалик иши, унинг масъулияти, ўзига хос сир-асрорлари ҳақида иштирокчилар янада кенгроқ тасаввурга эга бўлишса, “Кичкинтой” тўгарагида эса болалар касалликлари, уларни даволашдаги йўл-йўриқлар батафсил ўргатиб борилади. Бу эса ёшларимизнинг ўз соҳасини мукаммал даражада ўрганиши ва касбига тўла муҳаббат билан яшашига туртки бўлиши шубҳасиз.

Талабалар билан суҳбатлашар эканмиз, тўгараклар сони кўплиги ва деярли барча уларга жалб этилганлиги ҳақида маълумотга эга бўлдик. Айниқса, хорижий тилларни ўрганишга қизиқиш катталиги ҳамда чет тили ва ўзбек тили кафедралари қошида ташкил этилган “Дентист”, “Ёш нотиқ”, “Ёш тилшунос”, “Я хочу изучать русский язык” каби тўгаракларнинг иштирокчилари сони кўплиги бизни қувонтирди. Асосий фанлардан ташқари, спортнинг енгил атлетика, волейбол, қўл тўпи каби машғулотларнинг ўтказилиши эса ўқувчиларнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб улғайишига катта эътибор берилаётганидан далолат.

Тўғриси, Фарғона тиббиёт коллежидаги ёшларга кўрсатилаётган бундай эътибор ва уларнинг билим олишлари учун яратилган шароитларни кўриб, кучли тафаккур, пухта билим ва заковат эгалари билан суҳбатлашиб, келажагимиз ўз соҳасининг билимдони бўлган шундай ёш авлод қўлида эканлигидан қувондик.

Норқул МАЪМУРОВ,
“Hurriyat” мухбири.

МУАММО

Хонадондаги дўкон...

Халқимизда “Ҳовли олма, қўшни ол” деган яхши гап бор. “Люда хола уйини сотармиш” деган хабарни эшитиб қўшнилар ҳайрон бўлган бўлса, яна уйнинг янги эгаси ким бўлар экан, деб хавотирга тушиб қолишди... Гап шундаки, қўшниларнинг уйини сотиб олган бир “ишбилармон” киши хонадонни бинойидек таъмирлади, ташқи тарафини яна бир неча метрга кенгайтириб, қўшимча хоналар солди, томини ёпди, ободончилик тадбирларини бажарди. Ва уни бинойидек савдо-тижорат масканига айлантирди. “Хўш, бунинг нимаси ёмон, бундан кимнинг бурни қонабди экан?” дерсиз. Аммо масаланинг бошқа томони ҳам бор. Эндиликда иккинчи қаватда истиқомат қилаётган хонадонларга бегона шахсларнинг деразалар орқали бемалол киришига имкон туғилди. Тўғри, муаммони осонгина ҳал қилиш мумкин. Бунинг учун ўша тадбиркор акамиз уй томини панжара билан тўсиб қўйса бас. Аммо, минг афсуски, тадбиркор “қўшни” томни иҳоталаш учун талаб этиладиган озгина харажатдан қочиб юрибди. Қўшнилар эса норози...

Яқинда Хоразм вилоятида яшовчи яқин ошналаримиздан бириникига таъзияга бордик. Катта кўча ёқасидаги кўп қаватли уйда яшовчи оғайнимизнинг хонадонига аввал ҳатто машиналар ҳам бемалол юра оладиган кенг йўлак орқали кириб бориларди. Бу сафар уйнинг орқа тарафига уланган ҳолда бунёд этилган катта иморатга дуч келдик. Бу ерда болалар ўйнайдиган, қўни-қўшнилар ширин суҳбат қурадиган кичик боғча бўларди. Ўша мўъжаз оромгоҳ ўрнида кўркам иморат қад ростлабди. Уни айланиб ўтаётгандик, 5-10 бош мол, 100-200 бош паррандани бемалол асраса бўладиган кичиккина ферма ва унинг ёнида усти ёпилмаган ахлатхона йўлимизни тўсди. Хайрият, эни икки метрларча келадиган йўлак орқали ошнамизнинг уйига бурнимизни жийирганча базўр етиб олдик.

Табиийки, дуо-фотиҳадан сўнг гурунг сердарахт майдон ўрнида барпо қилинган ўша “кошона” хусусида кетди. Ҳамсоялардан бирининг айтишича, иморатнинг янги эгаси тўрт хонадон деворларини бузиб, хоналарни бирлаштирибди, дид билан таъмирлагач эса ҳашаматли тамаддихонага айлантирибди. Бинога уланган ҳолда уй ҳовли бўйлаб барпо этилган қўшимча иморат — ошхона, омборхона, анжомхона, идиштовоқ ювиш хоналарига ажратилиб, бутун бошли янги “ёрдамчи хўжалик” — фермахона ва чиқиндихоналар ҳам бунёд этилибди. Дарҳақиқат, бинонинг кўча тарафи ва катта-кичик емакхоналар мисоли хон саройларидек қилиб безатилган, орқа тарафдаги манзара эса юқорида таърифини келтирганимиздагидек, бунинг мутлақо акси эди.

— Инсоф-диёнати бўлса, уйимиз олдини тўсиб, бино қурмас ва қўни-қўшниларни ўз бошпаналарига ҳовли тўри орқали қисиниб-қимтиниб ўтишга мажбур қилмасди, — деди суҳбатдошимиз куюниб. — Бунисига ҳам чидашимиз мумкиндир, бироқ молхона ва чиқиндихонадан анқиётган қўланса ҳидга қария ва касалманд ота-оналаримиз, болаларимиз нарёқда турсин, ҳатто биз каби анчайин соғлом кишилар ҳам чидай олмаяпмиз.

Дўстимиз истиқомат қилаётган қўш қаватли уйда юзага келган бу нохуш манзара тадбиркорнинг “Қош қўяман деб, кўз чиқаргани”ни шундоққина кўрсатиб турарди. Афсуски, бу сингари воқеаларга бугун ҳар қадамда дуч келаяпмиз. Тураржой биноларини сотиб олиб, уни дўкон, мўъжаз корхона, дорихона, тамаддихона, турфа хил хизмат кўрсатиш шохобчаларига айлантириб олган “ишбилармонлар” қанчадан-қанча. Улар орасида ўзининг жонажон “ён қўшни — жон қўшнилари” асабини “эговлаётганлар” оз дейсизми? Масалан, Урганч шаҳридаги 1-сон вилоят клиник шифохонасига ёндош кўчадаги дорихоналар эса шифохонада даволанаётганлар сонидан ҳам кўп десак муболаға бўлмайди. Боз устига торгина кўча машинага тўлалиги боис, бу ерда машина тугул, яёв юриш ҳам анча қийин. Ваҳоланки, шаҳарнинг бошқа даҳалари ва маҳаллаларида кундузи чироқ ёқиб изласангиз ҳам дорихона тополмайсиз. Урганч шаҳрининг Улуғбек, Нажмиддин Кубро, Шерозий, Амир Темур кўчалари, Питнак шаҳри ва деярли барча туман марказларида эса ичимликлар, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдосини шундоққина катта ва серқатнов кўчалар саҳнига кўчирган “уддабурон” тижоратчиларга рўпара келдик. Собиқ уй-жойлар ўрнидаги турнақатор дўконлару емакхоналар, бильярдхонаю интернет кафелар, турли устахоналару хизматхоналар эса Урганч шаҳридаги Паҳлавон Маҳмуд, ал Беруний, ал Хоразмий, Абулғози Баҳодирхон, Хонқа, Улуғбек, “Тинчлик”, “Гурлан”, В.Фаёзов кўчаларига “зеб” бериб турибди.

Ҳисоб-китоб қилдик: сўнгги 4-5 йилнинг ўзида биргина Урганч шаҳри бўйича кўп қаватли уйларда жойлашган ва хусусий тарзда бунёд этилган юзларча турар-жойлар ўзгалар томонидан сотиб олиниб ёки эгалари томонидан қайта таъмирланиб, чинакам тадбиркорлик субъектларига айлантирилибди. Тадбиркорлик нуқталари сони ортаётгани айни муддао. Бунга гап-сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Бироқ уларнинг мавжуд уй-жой фонди эвазига кўпаяётгани дилни бироз хира қилади. Кейинги 5-6 йил ичида турар-жойларнинг нархи бир неча баробар қимматлашиб кетишида ўша тадбиркорларнинг ҳам “камтарона ҳиссаси” бор бўлса ажабмас. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: жойлардаги архитектура ва шаҳарсозлик, ер тузиш, кадастр хизмати идоралари, маҳаллий ҳокимликлар тадбиркорлик субъектларини ҳудудлар бўйлаб, талаб ва эҳтиёжга кўра оқилона тарзда жойлаштириш фурсати етганлигини ўйлашаяптими?

Бундан ташқари, кейинги пайтларда аксарият ривожланган мамлакатлардаги каби бизнинг юртимизда ҳам транспорт воситаларининг тўхташ жойи билан боғлиқ бир қатор жиддий муаммолар вужудга келаётганлиги ва бу ҳол ЙПХ ходимлари, бошқа мутасадди идора ва ташкилотлар масъулларини бирмунча ташвишга солаётгани ҳам сир эмас. Ана шу иккита ҳолатдан келиб чиқадиган хулоса шуки, катта кўча ва йўллар, одамлар гавжум жойларга тақаб бунёд этилган уй-жой бинолари пухта ўйламай ва режалаштирмай туриб, тадбиркорлик масканларига айлантириш ўша ҳудуддаги аҳоли учун зарари катта-ку.

Ҳамма жойда ҳам савдо ва хизмат кўрсатишга мос бўш, эгасиз бино ҳамда иншоотлар бор. Жойларда ҳувиллаб қолган бозорлар ҳам бисёр. Наҳотки, ўша жойларда тадбиркорлик қилишнинг, янги тижорат дўконлари ва бошқа бинолarни қуришнинг иложи бўлмаса? Албатта, бор. Аммо ҳамма гап куч-ғайратни, вақтни ва маблағни шу жойга сафарбар этиш салоҳиятида.

Айтмоқчимизки, одамлар истиқомат қилиши учун қурилган иморатларни тадбиркорлик масканларига айлантириш ҳоллари меъёрида бўлса, бу уй-жойлар тўғрисидаги қонун-қоидаларимизга ҳам мос келиши керак эмасми? Қолаверса, бундан қўни-қўшнига етаётган маънавий ва моддий зарар-чи, уни ким қоплайди?

Абдулла СОБИРОВ,
журналист.

— Ўғлим, манови «дом»га қаёқдан киради, бир танишим шу ерда яшайди.

— Уйнинг орқа тарафидан айланиб ўтасиз, отахон.

А.ҲАКИМОВ чизган сурат.

ФАОЛИЯТ

Ахборотлашаётган жамият талаблари:

қонун, ижро, масъулият

(Бошланиши 1-бетда.)

Шу жиҳатдан олганда, Қўмита масъул бўлган соҳаларни шартли равишда икки қисмга ажратиш ўринлидир:

биринчиси, оммавий ахборот воситалари (бунга газеталар, журналлар, нашриётматбаа корхоналари, ахборот агентликлари, телерадиоканаллар киради);

иккинчиси, ахборот-коммуникатция технологиялари тармоқлари (почта ва телекоммуникация хизматлари, ахборот технологиялари ва ҳ.к.).

Айтиш лозимки, сўнгги пайтларда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари масалаларига жиддий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, ҳозирги ахборот, коммуникация ва компьютер технологиялари асрида, интернет кундан кунга ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тобора чуқур ва кенг кириб бораётган бир пайтда, одамларнинг онги ва тафаккури учун кураш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган бир вазиятда замонавий рақамли ахборот технологияларини жорий этишни жадаллаштириш жамиятимиз учун долзарб ва устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Қўмитамиз ўз фаолиятини Қонунчилик палатасининг йиллик иш режаси асосида ташкил этган ҳолда 3 та асосий йўналишга жиддий эътибор қаратмоқда:

биринчиси, ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантириш ва соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи, халқаро тажриба ва ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини ўзида ифода этувчи, таъбир жоиз бўлса, халқаро муносабатларда Ўзбекистон манфаатларини ифодаловчи, энг муҳими, ушбу соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи янги қонунлар яратиш;

иккинчиси, Қўмита фаолиятига дахлдор соҳалар фаолиятини ва ундаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи мавжуд қонунлар ижросини назорат-таҳлил фаолияти асосида ўрганиш;

учинчиси, қонунлар ижросини ўрганиш давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида қонунларга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш.

Хабарингиз бор, 2007 йил 15 январь куни Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонуни (янги таҳрири) Президентимиз томонидан имзоланиб, матбуотда эълон қилинди. Мазкур қонун назарий йўналиши, тузилиши, мазмун-моҳияти ва ҳажми жиҳатидан ҳам аввалги қонундан тубдан фарқ қилади. Янги таҳрирдаги қонунда 40 моддадан иборат нормалар ишлаб чиқилди, оммавий ахборот воситасини таъсис этишни либераллаштириш ва муассислар ҳуқуқларини кенгайтириш учун имконият яратувчи бир қатор муҳим қоидалар киритилди.

Айниқса, оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини таъминлашга бевосита дахлдор бўлган "оммавий ахборотнинг цензура қилинмаслиги", қайси шакл ва кўринишдаги фаолиятлар ниқобланган цензура эканлиги батафсил очиб берилди. Шу билан бирга оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби соддалаштирилди, уни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза матнига аниқлик киритилди, оммавий ахборот воситалари эркинлигини суиистеъмол қилишга йўл қўймаслик қоидалари кенгайтирилди. Қонунда биринчи марта даврий матбаа нашрининг электрон тури даврий матбаа нашрини тарқатиш усулларидан бири эканлиги қайд этилди.

Жорий йилда қабул қилиниб, кучга кирган "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди ва унинг 16-моддасида ижтимоий рекламали ахборотнинг мазмун-моҳияти, уни тарқатишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари белгилаб берилди.

Айни кунларда қўмитамиз томонидан "Почта алоқаси тўғрисида"ги ҳамда "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳалари учинчи ўқишга тайёрланмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қўмита томонидан ўтказилган назорат-таҳлил фаолиятида ушбу икки қонун юзасидан билдирилган таклиф-мулоҳазаларидан келиб чиқиб, мазкур қонунларга тегишлича ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга эҳтиёж мавжудлиги аниқланди.

Қўмитанинг назорат-таҳлил йўналишидаги фаолияти хусусида сўз кетганда шуни қайд этиш лозимки, амалдаги қонунлар ижросини ҳам вертикал (марказий бошқарув органлари мисолида), ҳам горизонтал (ҳудудий) кесимда ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ҳақда айрим маълумотларни келтириб ўтамиз.

Чунончи, "Почта алоқаси тўғрисида"ги қонуннинг "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қорақалпоғистон филиалида бажарилиши назорат-таҳлил тартибида ўрганилганда қатор камчиликлар аниқланди. Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида Қўмита қарори билан тегишли идораларга аҳолига почта хизмати сифатини яхшилаш, алоқа тармоқларини ривожлантириш борасидаги муаммолар ечимини топиш, моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, почта жўнатмаларини (хат-хабарлар, газеталар) фойдаланувчиларга ўз вақтида етказиш мақсадида қўшимча автотранспорт воситаларини ажратиш, почта алоқаси тармоқларини модернизация қилиш, Тошкентдан Нукус шаҳрига кундалик матбуотни қулай шароитда (биринчи рейсда) етказиш, аҳолига ва корхоналарга почта алоқаси хизматини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш борасида замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш, қишлоқ жойларида шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувларни ҳамда турли хил хизматларни кўпайтириш борасидаги ишларни амалга ошириш бўйича зарур тавсиялар берилди ва қарор ижроси назоратга олинди.

"Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг ижроси ҳақидаги қўмита қарорида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига қонун ижросини тўла амалга ошириш юзасидан аниқ муддатлари кўрсатилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, ғоявий-бадиий саёз айрим китоблар чоп этган нашриётлар ("Зарқалам", "Насаф", "Андижон нашриёт матбаа" корхонаси, Тошкент ислом университети нашриёти)га бундай ҳолатларнинг бошқа такрорланмаслиги учун жиддий чоралар белгилаш, "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйининг нормативҳужжатларни чоп этишда йўл қўйган хато ва камчиликларни муҳокама этиб, ноширлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясини қайта кўриб чиқиш, ЎзР Адлия вазирлигига ноширлик фаолияти билан боғлиқ қонуности ҳужжатларидаги мавжуд зиддиятларни бартараф этиш вазифалари тавсия этилди.

Шунингдек, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонунининг Жиззах вилоятида ижро этилишини ўрганиш давомида айрим туман газеталари таҳририятлари ночор аҳволда эканлиги, газеталар атиги 400-500 нусхада чоп этилаётгани, "Дўстлик ҳаёти" газетаси эса чиқмай қолгани, таҳририятларнинг бинолари таъмирталаб бўлиб, уларнинг моддий-техник ҳолати давр талабига жавоб бермаслиги аниқланди ва мазкур газеталар муассисларига мавжуд камчиликларни бартараф этиш, қонун талабларига қатъий амал қилиш тавсия этилди.

Ушбу қонуннинг нодавлат оммавий ахборот воситаларида, хусусан, "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги, "Бекажон", "Парвона", "7x7", "Бизнес-вестник Востока" (БВВ) газеталари, "Тараққиёт" телевидениеси томонидан ижроси назорат-таҳлил жараёнида ўрганилганда маълум бўлдики, баъзи нодавлат ОАВ, масалан, "Бекажон", "Парвона", "7x7" газеталари ва "Тараққиёт" телевидениеси ўз олдиларига қўйилган низом мақсадларига ҳар доим ҳам тўлиқ риоя қилмаганлар. Яъни уларнинг айрим чиқишларида миллий қадриятларимизга мос бўлмаган, ёшларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатларни акс эттирувчи тафсилотлар учрайди, ғоявий савияси саёз, енгил-елпи ҳаёт, бачкана турмушни тарғиб этувчи ҳикоя, қиссалар нашр этилишини эса оқлаб бўлмайди.

"Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида ёки мазкур вилоятларда фаолят юритаётган оммавий ахборот воситаларида ижроси қандай? Шу ҳақда ўтказилган йиғилишда таъкидланганидек, икки вилоятда соҳада қонун талабларига риоя этилиш борасида муайян ишлар қилинган. Аммо огоҳлантиришсиз реклама роликларини эфирга узатиш, яширин ҳолда рекламани чоп этиш каби ҳолатлар учрайди. Бухоро вилоятининг "Осиё", Сурхондарё вилоятининг "Ишонч" телевидениеларида, "Шофиркон овози" ва "Сурхон" газеталарида берилган реклама материаллари ҳажми белгиланган тартибдан ошиб кетгани аниқланди. Йиғилишда камчиликларни тугатиш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қўмита аъзоларининг ҳуқуқий тарғибот ва оммавий ахборот воситаларида чиқишлар борасидаги фаолияти муҳим йўналишларимиздан бири саналади. Рақамларга мурожаат қилсак, 2005 - 2008 йилда қўмитамиз аъзолари томонидан 4000 га яқин учрашув, сайловчиларни қабул қилиш ва ёзма мурожаатларига жавоб бериш ишларини олиб борилганлигини, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида 800 дан ортиқ чиқишлар қилинганлигини кузатиш мумкин. Бундан ташқари, қўмита томонидан ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасига оид ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга бағишланган қатор тадбирлар (конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари) мунтазам ўтказиб борилмоқда. Тадбирларни нафақат марказда, балки вилоят ва туманларда ҳам ўтказишга, жумладан, сайёр йиғилишлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Масалан, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилояти бўлими билан ҳамкорликда "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари" мавзусида Фарғона шаҳрида, "Ёшлар йили" муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманида "Ёшларни миллий қадриятларга муҳаббат руҳида тарбиялашда қадимий ёдгорликларнинг аҳамияти" мавзусида сайёр семинарлар ўтказилди.

Шу ўринда республикамизда кейинги йилларда ахборотлаштириш соҳасига оид қатор қонунлар, ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, уларнинг ижроси босқичма-босқич амалга ошириб келинаётганлиги ҳамда ахборот технологияларининг давлат ва жамият бошқарувида тутган ўрни тобора юксалиб, ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кириб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хулоса шуки, профессионал парламентда ўтган қарийб тўрт йиллик фаолият мобайнида қонун лойиҳалари устида ишлаш борасида катта тажриба тўпланди. Депутатларимиз қонун ижодкорлиги назарияси ва амалиёти, қонунчилик техникаси, уни такомиллаштириш, таҳрир қилиш борасида чуқур билим, кўникма ва тушунчага эга бўлди. Бунда, албатта, қўмита ҳузурида шакллантирилган мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи аъзолари ва жамоатчилик асосидаги экспертларнинг ёрдами катта бўлди.

Дарҳақиқат, ҳали олдинда қиладиган ишлар бисёр. Қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида жамоатчилик ўртасида тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишларини олиб бориш, бу борада оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар кўлами, сони ва салмоғини ошириш борасидаги вазифалар зиммамизга катта масъулият юклайди.

Олимжон ЎСАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси.



Ўзбекистоннинг энг йирик универсал банкларидан бири

ХАЛҚ БАНКИ

жамоаси

BANK XALQ BANKI

мамлакатимизнинг барча фуқароларини яқинлашиб келаётган "Янги 2009 йил — "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" билан муборакбод этади. Янги йилда Сизларга тинчлик-омонлик, оилавий бахт тилайди. Аллоҳ назари тушган юртимиздан тўкинсочинлик ва қут-барака асло аримасин! Халқ банки 2009 йилда хизмат турларини янада кенгайтирган ҳолда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини, инвестицион йўналишдаги лойиҳаларни молиялаштириш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратишга қаратилган лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлайди.

ХАЛҚ БАНКИ САРМОЯЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИ ЙЎЛИДА!



Жиззах вилояти Молия бошқармаси жамоаси

халқимизни яқинлашиб келаётган

Янги йил айёми билан чин

юракдан табриклайди.

Барча-барчага 2009 йил омадли

келсин.

УЧРАШУВ

Наволарга айланган кўнгил

Яхши қўшиқ — дил қувончи, кўнгил — байрами. Садоқат, ишонч, муҳаббат тимсоли. Ана шундай нафис ҳис-туйғуларни, орзую армонларни куй-қўшиққа жам этиб, нолаю фиғон ила куйлаганлар эса ҳеч қачон эл-юрт ҳурмат-эътиборидан четда қолмайди.



Санъаткорликни фидойилик деб билган севимли хонандаларимиздан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримов номини ҳар бир ўзбек оиласида билишади, қадрлашади. Юракка яқин қўшиқлари ёзилган дискини авайлаб, бошқача меҳр билан тинглашади. У республикамизнинг қайси гўшасида концерт бермасин Тошпўлат Маткаримов концертига тушай деб, неча чақирим йўл босиб, вилоят, қишлоқ марказларига келувчиларни айтмайсизми? Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, унинг қўшиқларини шунчаки тинглаб бўлмайди. У шунчаки куйламайди ҳам.

Мен бир тошқин дарё
эдим, оқмадим,
Қўлим билан чеккангга
гул тақмадим,
Мен замонга боқдим,
замон боқмади,
Қаҳри қаттиқ замон бўлди
Санамжон...

ёки «Армон» қўшиғида:

Ёғаётган ёмғирми, қорми,
Қор тагида қолган баҳорми?
Сенсиз дунё шунчалар торми,
Яна бўзлар бўлди юрагим ...

дея фарёду фиғон билан нола этади. Садоси дил дардини енгади.

Француз ёзувчиси Ж. Куртели-Муано «Чинакам санъаткор ўз қўли билан яратган нарсадан мамнун бўлмайди, балки ижод маҳсулини орзу қилган нарсаси билан ташвишланиб таққослайди», деган эди. Бу сўзлар Тошпўлат Маткаримов ижодига ҳам бевосита тааллуқли десак муболаға бўлмайди.

У илк саҳнага чиққан мустабид тузум йилларида қўшиқчиликка бўлган эътибор ва рағбат бугунгидек бўлмаган. Аммо Тошкент вилояти, Оҳангарон туманининг Қорабалиқ қишлоғида туғилиб-ўсган санъаткорнинг бармоқлари қонаб кетгунча рубоб чалиб кечган бедор кун-тунлари бежиз кетмади. Куйи дилга наво, сўзи дардга даво, оҳанрабо овози руҳиятни уйғотгувчи садо бўлиб кўчди.

— У пайтлар одамларнинг санъатга қараши бошқача бўлган. Устоз ҳофизлар ёшларнинг фақат овози ёқсагина шогирд қилиб оларди. Устозлари токи катта саҳнага чиқиб қўшиқ куйлашга оқ фотиҳа бермагунга қадар рубоб кўтариб 10-15 йиллаб ёнларида юрган. Ўзим битта қўшиғимни намойиш этиш учун олти-етти ойлаб телевидение, радиога қатнаб ҳам чиқара олмаганман. Мени элга танитган аслида овоз ёзиш студияси бўлади. Истиқлол менга улкан имконият — ижод қилиш бахтини инъом этди. Имкониятдан унумли фойдаланиб, кўплаб қўшиқлар яратиб мухлисларга тақдим этдим, – дейди Тошпўлат Маткаримов.

Дарҳақиқат, санъаткор истиқлол шукуҳи ила яратган:

Юз йиллик надомат,
дўллари тинди,
Қафаслар бузилди,
калтаклар синди.
Гулу гулзоримга
бахт қуши қўнди,
Эй дилим,
Истиқлол нурида яйра...

дея куйланадиган қўшиғи ҳам юракларни ром этади. Ёки унинг мухлислар қалбида ёд бўлиб кетган:

Ўлан айтсанг,
жўшиб айтў айнамў,
Сўзни-сўзга эшиб
айтў айнамў.
Телов оқча Оҳангарон
Сулувларин қўшиб
айтў айнамў...

қўшиғидаги ўзига хос оҳанглари руҳиятингизга сингиб кетади.

Аслида, чинакам санъаткор бўлиш осон эмас. Бунинг учун ноёб истеъдод, тинимсиз меҳнат, омад, изланиш керак. Тошпўлат Маткаримов ўз қўшиғида айтганидек, замон унга боқмаса ҳам қўшиқ айтишдан тўхтамади. Катта саҳналарда чиқмай туриб ҳам бетакрор санъати билан халқимиз назарига тушди. Бевақт келган бўронларга, довулларга пешвоз чиқиб, дилўртар нолаларини:

Йўқ, ҳаловат истамайман,
Ором билмас ёш жоним.
Тўлқин урган уммонча бор,
Юракдаги туғёним.
Бўронларга, довулларга
Пешвоз юргим келади.
Дарёларнинг гирдобига
Кўкрак ургим келади...

дея меҳр-муҳаббатга ташна қалбларга ҳадя этаверди. Биргина унинг:

Бу зафар дунёсига ким етдию
ким етмади,
Мақсадин маъносига
ким етдию, ким етмади...
Ҳар бир инсон борки,
унда турли-турли орзу
Орзу ошёнига ким етдию
ким етмади...

қўшиғининг маъно-мантиғини англасангиз, кўнгилдан ғубор тўкилади. Дунё томчи каби майда бўлаклардан иборат эканлигини ҳис қиласиз.

(Давоми 16-бетда.)

ХИЗМАТ

Истеъмолчи манфаати учун

42 банддан иборат режалар ишлаб чиқилди, — дейди "Навоий электр тармоқлари" очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Садриддин Ҳожиев.

Истиқлол йилларида юртимиз энергетика тизимида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Аҳолининг эҳтиёжини ҳисобга олиб, янгидан-янги ток қувватини узатадиган энергия нуқталари фойдаланишга топширилди. Ишлаб чиқариш корхоналари ва аҳолининг талаб-эҳтиёжи йил сайин ошиб бораётганлиги тизимда янгиликлар, ўзгаришларни амалга оширишга сабаб бўлмоқда.

— 2008-2009 йиллар "Куз ва қиш" мавсумларига тайёргарлик бўйича 42 банддан иборат режалар ишлаб чиқилди, — дейди "Навоий электр тармоқлари" очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Садриддин Ҳожиев. — Ҳозирги кунда унинг 41 банди тўлиқ бажарилган бўлса, қолган битта— "Фавқулодда заҳира материалларини ғамлаш" банди қисман бажарилди. Хизмат кўрсатиш савияси ҳам олдингидан бутунлай фарқ қилмоқда. Энди ҳар бир мижоз билан шартнома тузилмоқда ва юридик кучга эга бўлган мазкур келишувга биноан томонлар ўз вазифаларини сидқидилдан бажармоқда. Бу фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечиришларига, хонадонларининг чароғон бўлишига муҳим омил бўлаяпти.

Амалга оширилган ишларга мурожаат қилсак, режага кўра мавжуд 1868,62 км. 35-220 кв. ли ҳаво

электр узатгичларнинг 121,56 км. 35-220 кв. ли ХЭ-Унинг ҳаммаси мукаммал таъмирланди. Бундан ташқари, 35-110 кв. ли 72 дона нимстанциялардан 8 таси режага асосан 100 фоизга таъмирланди.

Шунингдек, 280 дона ТПлар ва 120 дона тармоқ трансформаторлари ҳам қишки мавсум арафасида тўла созланди. Химиявий чиқиндилар чиқадиган жойларда 110 кв. ли ХЭУ ларда кучланиш остида яккалагичларни ювиш 1 йил давомида 2 марта 298 та таянч режалаштирилиб, 2 та этапда ушбу таъмир-таъминот ишлари амалга оширилди.

Агар корхона фаолияти таҳлил этиладиган бўлса, кўрсаткичлар йилдан-йилга ўсиб бораётганининг гувоҳи бўлиши мумкин. Масалан, ўтган йилнинг ўн ойлик натижаларига кўра, вилоят бўйича сотилган электр энергия миқдори 5294,5 миллион квт. соат ёки 233 830,3 миллион сўмлик электр қувватини ташкил қилади. Бошқача қилиб айтганда, 190318,9 миллион сўмлик маблағ йиғилиб, товар маҳсулоти кўрсаткичлари 85 фоизга бажарилишига муваффақ бўлинган. Аҳолининг қарздорлиги 37,1 миллион сўмга камайтирилган.

Энди шу йилнинг ўн ойлик натижаларига кўз ташлайдиган бўлсак, корхонада ўсиш юқори суръатларда давом этганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Вилоят бўйича 5517,3 миллион квт. соат ёки 276 431,9 миллион сўмлик электр энергияси истеъмолчиларга фойдаланиш учун сотилган. Аҳолининг дебитор қарзлари эса 190,2 миллион сўмга камайтирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг "Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига асосан юридик ва кичик қувватли истеъмолчиларга 9278



дона, бошқа истеъмолчиларга эса 29750 дона электр қувватини ҳисоблайдиган замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатиб берилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, навоийлик энергетиклар аҳолини электр қуввати билан таъминлаш ҳамда хонадонларга нуру зиё тарқатишдек хайрли ишларда фидойилик кўрсатмоқдалар. Фахрийлардан Гулнора Азизова, Маҳмуд Аҳмедов, Рустам Эгамов ва Рустам Акрамов кабиларнинг саъй-ҳаракати туфайли кўрсаткичлар йилдан-йилга юксалиб, халқимиз фаровонлигига замин яратилмоқда.

Маъмур НОРҚУЛОВ. ®

2009

Бухоро вилоят Шофиркон туман омухта ем сотиш бирлашмаси жамоаси

барча

юртдошларимизни

янги — 2009 йил билан

қутлайди.

Ҳар бир хонадонга

тинчлик ва омонлик,

бахт ва фаровонлик

тилайди.



ҚУТЛОВ

TURON BANK

ОАТ “Туронбанк” жамоаси

*халқимизни яқинлашиб келаётган **Янги — 2009 йил** билан самимий муборакбод этади. Барчага Янги йил бахт, омад ва юксак ютуқлар олиб келсин. Юртдошларимизни “Туронбанк” пластик карточкалари ҳамда савдо терминаллари эгалари ўртасида ўтказиладиган ютуқли акцияда қатнашишга таклиф этади.*

Акция уч номинация бўйича ўтказилиб, уларда қуйидагилар қатнашадилар:

- “Туронбанк” томонидан эмиссия қилинган пластик карточкаларнинг барча жисмоний шахс эгалари;
- Тўловларни банк савдо терминаллари воситасида амалга оширувчи ташкилот ва корхоналар;
- Иш ҳақи лойиҳаларини амалга оширувчи банк мижозлари.

1-НОМИНАЦИЯ

“Пластик карточкалардан энг фаол фойдаланувчи”

“Туронбанк” томонидан 2009 йил 1 январгача эмиссия қилинган пластик карточкаларнинг барча жисмоний шахс эгалари қатнашадилар.

2009 йил 1 январдан 2009 йил 31 январгача энг кўп ҳажмда нақд пулсиз операцияларни амалга оширган шахслар ўртасида ўйналади.

Ютуқлар қуйидаги миқдорларда белгиланган:

- Биринчи ўрин учун — 3000000 сўм
- Иккинчи ўрин учун — 1500000 сўм
- Учинчи ўрин учун — 500000 сўм

2-НОМИНАЦИЯ

“Савдо терминалидан энг фаол фойдаланувчи”

“Туронбанк”нинг барча савдо терминаллари қатнашади.

2009 йил 1 январдан 2009 йил 31 январгача энг кўп ҳажмда транзакцияларни амалга оширган корхона ва ташкилотлар ўртасида ўйналади.

Ютуқлар қуйидаги миқдорларда белгиланган:

- Биринчи ўрин учун — 3000000 сўм
- Иккинчи ўрин учун — 1500000 сўм
- Учинчи ўрин учун — 500000 сўм

3-НОМИНАЦИЯ

“Иш ҳақи лойиҳасини жорий этган энг фаол корхона”

“Туронбанк” пластик карточкалари ёрдамида иш ҳақининг бир қисмини 2008 йил октябрь, ноябрь, декабрь ойларида берган барча корпоратив мижозлар қатнашади.

Ютуқлар қуйидаги миқдорларда белгиланган:

- Биринчи ўрин учун — 3000000 сўм
- Иккинчи ўрин учун — 1500000 сўм
- Учинчи ўрин учун — 500000 сўм

Ютуқлар ўйини 2009 йил 6 февралда мустақил кузатувчилар иштирокида ўтказилади.
Ғолибларнинг номлари матбуотда эълон қилинади.

Қўшимча маълумотларни (+998 97) 700-55-55 телефони ёки www.turonbank.uz сайти орқали олиш мумкин.

ДУНЁДА НИМА ГАП?

КУЗАТУВ

Шахмат олимпидаги ўн уч йиллик бўлиниш

ёки бунга Гарри Каспаровнинг «хурмача қилиқлари» сабаб бўлганмиди?



Дунёга тафаккурнинг чексиз майдонида 64 катак аро ақл жангини тақдим этадиган шахматга қизиқмайдиган спорт мухлиси бўлмаса керак. Аммо мазкур спорт тури атрофида ҳам баъзан турли чалкашликлар, баҳс ли тортишувлар бўлиб туради. Хусусан, ана шундай қарама-қаршиликлардан бири нақ 13 йил давом этган.

Ҳамма чалкашликларнинг ибтидоси 1993 йил — жаҳоннинг ўн учинчи чемпиони Гарри Каспаров ва англиялик Найжел Шорт ўртасида беллашув бўлиб ўтиши керак бўлган бир пайтда унинг иштирокчилари Бутунжаҳон Шахмат Федерацияси (ФИДЕ) шафелиги остида ўйнашдан бош тортишлари натижасида бошланганди. Боиси жаҳон чемпиони ва даъвогарнинг чемпионлик ўйинларидан тушадиган фойдани ФИДЕ билан бўлишишни истамаганликлари ва Каспаровнинг шахмат ҳокимиятига чанқоқлиги эди. Шунинг учун улар ўзларининг янги ташкилоти — Профессионал Шахмат Ассоциацияси (ПША)ни туздилар. Шу тариқа шахмат олимпида бўлиниш юз берди. ФИДЕ ҳам вақтни беҳуда ўтказмай, Карпов ва Ян Тимман ўйинини ташкил қилди. Карпов шахмат тожини қўлга киритди.

ПША ўтказган Каспаров ва Шорт ўртасидаги жаҳон биринчилиги баҳсида Каспаров яққол устунлик билан ғолиб бўлди. Гарчи Гарри ер юзининг энг кучли шахматчиси бўлиб қолаверса-да, энди икки йўналишда иккита қирол пайдо бўлганди: Каспаров ва Карпов.

Кирсан Илюмжинов ФИДЕнинг янги президенти бўлгач, 1997-1998 йилда бўлиб ўтган Жаҳон биринчилиги унинг таклифига кўра нокаут тизимида ўтказилди. У Каспаров ва Карпов ярим финалдан бошлаб иштирок этишларига ва натижада яна бирлашиш юз беришига умид қилган эди. Аммо Каспаров ФИДЕни яна назар-писанд қилмади. Карповга эса тўғридан-тўғри финалда ўйнашга рухсат этилди. Ва у яна ғолиб бўлди.

ФИДЕнинг 1999 йилда бўлиб ўтган чемпионатида эса Каспаров ҳам, Карпов ҳам иштирок этишмади ва Александр Халифман янги жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди. 2000 йилда худди шундай нокаут тизимда ўтказилган ФИДЕ йўналишидаги жаҳон биринчилигида шахмат тожи "Мадрас йўлбарси" номи билан машҳур Вишванатан Ананд бошига "қўнди".

ПША кўп ўтмай, молиявий ва бошқа сабаблар билан у ўзўзидан барҳам топди. Енгилмас Каспаровнинг навбатдаги ўйинини ўтказмоқчи бўлган бошқа ташкилотлар ҳам тинчиб кетишди. Ниҳоят 2000 йилда Каспаров — Крамник ўртасида жанг бўлиб ўтди. Баҳсда 15 йиллик тахт соҳибини енган Крамник ғалаба нашидасини сурди. Шахмат тожи классик тизимда ўйналгани боис ғолибни "классик" йўналишдаги чемпион деб атай бошладилар.

Шундай қилиб, XXI аср бошида ҳам шахмат олимпида икки ҳокимиятчилик давом этарди. Каспаров эса Крамник билан бўлган муваффақиятсизликдан сўнг ҳам бир қатор супертурнирларнинг ғолиблигини қўлга киритди ва бу билан матч-реваншга маънан ҳақли эканлигини исботлади. Бироқ рақиби бу мавзуда гаплашишдан бош товлар, Гарринг ўзи ҳам саралаш ўйинларини ўтказишни рад этар эди. Негаки, унинг устунлиги манаман деб кўриниб турар, жаҳон таснифида у ҳамон энг юқори рейтинг кўрсаткичига эга эди. Натижа шу бўлдики, венгер Леко тож даъвогарлари турнирини ютиб чиқди, аммо унинг ҳам Крамник билан бўладиган ўйини узоқ вақт орқага сурилди.

Чалкашликдан ҳамма чарчади. Қизғин тортишувлардан кейин 2002 йилда йўналишларни бирлаштириш режаси тузилди. Четда қолиб кетиши мумкинлигини ҳис қилган Каспаров энди ФИДЕни буткул тан олди. Дастлаб икки ўйин: ФИДЕ бўйича Каспаров — Пономерев ва "классик" йўналишда Крамник — Леко ўртасида жаҳон биринчилиги ўтказилиши лозим эди. Кейин эса ушбу баҳслар ғолиблари мутлақ чемпионлик учун беллашишлари керак эди. Афсуски, Крамник — Леко ўйинини уюштириш билан машғул бўлган ташкилотчилар ("Брейн геймс" ва ундан ҳуқуқни сотиб олган "Эйнштейн групп" компаниялари) молиявий жиҳатдан ночор бўлиб чиқди, натижада жанг бошқа вақтга кўчирилди. Каспаров — Пономарев ўйини ҳам барбод бўлди. Жаҳоннинг энг ёш жаҳон чемпиони Руслан Пономарев ФИДЕ олдига жуда кўп талабларни қўявергач, Илюмжинов унинг измига юрмади.

2004 йилнинг ёзида Ливиянинг Триполи шаҳрида нав батдаги нокаут-чемпионат ўтказилди. Турли сабабларга кўра унда олдинги жаҳон чемпионларидан ҳеч бири иштирок этишмади. Финалда ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ва англиялик Майкл Адамс учрашдилар. Тай-брейкда ўзбек ўғлони зафар қучиб, ФИДЕнинг янги чемпиони бўлди.

Узоқ кутилган Крамник — Леко баҳси эса ниҳоят 2004 йилнинг кузида бўлиб ўтди. Унда Крамник ғолиб чиқди. Шундан сўнг Илюмжинов 2004 йилги ФИДЕ бўйича жаҳон чемпиони Қосимжонов ва Каспаров ўйинини тайин қилди. Бу баҳснинг ғолиби эса 2002 йилда имзоланган "Прага битими"га кўра Крамник билан учрашиб, жаҳоннинг мутлақ ғолиби аниқланиши лозим эди. Аммо Каспаровнинг хурмача қилиқлари боис бизга бундай тарихий баҳсни кўриш насиб этмади. Мунозаралар давом этаётган бир пайтда Каспаровнинг катта спортдан кетиши ҳақидаги шов-шувли қарори эълон қилинди.

Шу тариқа шахмат оламида яна ҳаммаси чалкашиб кетди. Бундай шароитда Илюмжинов Аргентинада икки доирада "саккизлар турнири" ўтказилишини, унда кучлилар чемпионлик унвони учун курашишлари лозимлигини эълон қилди. Каспаров ва Крамник ҳам баҳсга таклиф қилинди, аммо уларнинг ҳар иккови буни рад этишди. Сан-Луисда кўплаб кучли рақиблари устидан ишончли ғалаба қозонган болгариялик Веселин Топалов чемпион бўлди.

2006 йилнинг октябрида Қалмиқия пойтахти Элистда шахмат бўйича мутлоқ жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиш бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Унда икки супергроссмейстер, икки жаҳон чемпиони, бири — ФИДЕ йўналиши бўйича янги чемпион Веселин Топалов ва иккинчиси "классик" йўналишдаги чемпион россиялик Владимир Крамник куч синашдилар. Шахмат тарихидаги ушбу баҳсда ғолиб тай-брейкда аниқланди. Россиялик шахматчи мутлақ жаҳон чемпиони бўлди. Ўн уч йиллик ажралишдан сўнг шахмат оламининг бирлашиши шу тариқа юз берди.

Тўлқин ТОҒАЕВ

БОМБА ЙЎҚ ЭКАН



"Афина — Москва" йўналиши бўйича учаётган самолёт йўлда орқага қайтишга ва яна Греция пойтахти аэропортига қўнишга мажбур бўлди. "РИА Новости" хабарига кўра, самолёт ҳавога кўтарилганда, номаълум киши «Элефтериос Венизелос» аэропортига қўнғироқ қилиб, самолёт бортида порт ловчи модда борлиги ҳақида хабар берган. Шундан сўнг аэрофлот лайнери орқага қайтган ва Греция ҲҲКнинг қирувчи самолётлари кузатувида ерга қўнган.

Хабарларга қараганда, самолётда 49 нафар йўловчи бўлган. Ҳеч ким зарар кўрмаган. Йўловчиларга орқага қайтиш сабаби ҳам айтилмаган. Самолёт текшириб кўрилганда портловчи модда топилмади. Кеча тунда самолёт Москвага етиб келди.

КИМДА ҚАНЧА ВАЛЮТА БОР?

Сўнгги беш йилда Хитойнинг олтин-валюта захиралари биринчи марта камайган. Бу ҳақда давлат валюта захиралари қўмитаси вакилининг гапига таяниб, "Bloomberg" хабар тарқатди.

Манбада айтилишича, жорий йилнинг сентябрида ушбу маблағ 1,9 триллион долларни ташкил этган. Ҳозир эса у бироз камайган. Қанчага камайгани номаълум. Хитой кейинги йилларда четга маҳсулот экспорт қилишни кўпайтиргани учун катта олтин-валюта захираларига эга бўлди. Олтин-валюта захиралари бўйича Хитойдан кейинги ўринни Япония эгаллаб турибди. Унинг захирасида 1 триллион доллар олтин-валюта бор.

ЁНИЛҒИНИ КАМ САРФЛАЙДИ

Буюк Британиянинг British Airways авиакомпанияси Бразилия "Embraer" концернидан 11 та, жумладан, олтита Embraer 170 ва бешта Embraer 190SR самолётини сотиб олишга қарор қилди. Бунга 376 миллион доллар сарф ланади. British Airways вакилининг таъкидлашича, ушбу самолётлар Ирландия, Шотландия ва бошқа Европа мамлакатларига қатнайди.

Эслатиб ўтамиз, Бразилиянинг "Embraer" концернида ишлаб чиқарилаётган самолётлар ёнилғини кам сарфлаши туфайли дунё бозорида харидоргир бўлиб бормоқда.

ТИНЧЛИК ЎРНАТИШГА РОЗИ

"Хамас" ва Ғазо секторида фаолият юритаётган бошқа гуруҳлар Исроил билан 24 соатлик тинчлик ўрнатишга розилик билдиришди. Бу ҳақда "Ха-



мас" гуруҳи вакили Айман Таҳа сўзларига асосланиб, AFP хабар тарқатди. Шу вақт ичида Мисрдан Фаластинга инсонпарварлик ёрдами етказиб берилади.

Эслатиб ўтамиз, "Хамас" 18 ноябрь куни Исроил билан тинчлик шартномасини бир томонлама тўхтатган эди. Шундан сўнг, Исроил ҳарбийлари жангарилар гуруҳини йўқ қилиш учун Ғазо секторини ўққа тутди.

УЙ КЕРАКМИ, МАРҲАМАТ!

Маълумотларга қараганда, Буюк Британияда 1,6 миллион оила уй олиш учун навбат кутиб турибди. Шу билан бирга, 762,6 мингта уйда ҳеч ким яшамаяпти. Экспертларнинг таъкидлашича, вазият ҳукуматдан масаланинг ҳал этиш учун муҳим қарорлар қабул қилишни талаб қилмоқда. Масалан, жорий таъмирдан сўнг ижарага бериладиган уйлар солиғини 15 фоиздан 5 фоизга тушириш керак.

Британия ипотека кредити кенгашидан олинган маълумотларга қараганда, 2009 йилда қарздорлардан яна 75 мингта уй тортиб олинади. Лекин уларда ким яшаши номаълум.

ЭНГ ХАВФЛИ КАСБ

Ҳар ҳафтада икки нафар журналист ҳалок бўлмоқда. Бу ҳақда Press Emblem Campaign (PEC) ташкилотининг Женевада эълон қилинган йиллик ҳисоботида айтилган. Ҳисобот бўйича, 2008 йилда 32 та давлатда 95 нафар журналистнинг ёстиғи қуриган. 2007 йилда бу рақам 115 нафарни ташкил этган эди.

PEC маълумотларида таъкидланишича, ҳалок бўлганларнинг тўртдан уч қисми уруш бўлаётган ҳудудларда ўлган. Мана, бир неча йилдирки, Ироқ энг хавфли ҳудуд бўлиб турибди. Бу мамлакатда 2006 йилда 48 нафар, 2007 йилда 50 нафар журналист жон таслим қилганди. Бу йил эса 15 нафар мухбир қурбон бўлди.

Ҳеч қандай ҳарбий ҳаракатлар бўлмаса-да Мексикада йил давомида 9 нафар журналист ўлдирилган. Покистонда тўққизта, Ҳиндистонда эса саккизта журналист ҳалок бўлди. Собиқ иттифоқ ҳудудида ҳам журналист учун хавфли жойлар анчагина. Масалан Кавказдаги вазият ҳар доим ҳам назоратда эмас. Шу йилнинг ўзида Грузияда бешта журналист ўлдирилди.

Бундан ташқари, кўплаб журналистлар ўғирлаб кетилаяпти, гаровга олинмоқда. Буларнинг бари журналистлик касби энг хавфли касб эканлигини билдириб турибди.

ЖОСУСЛИКДА АЙБЛАНМОҚДА

Эрон махсус хизмати ходимлари бир неча Буюк Британия фуқаросини қамоққа олди. Уларнинг ҳаммаси "Би-Би-Си" телерадиокорпорацияси ходимларидир. Қўлга олинганлар жосусликда айбланмоқда.

Эрон парламентининг ташқи сиёсат ва хавфсизлик комиссияси аъзоси Муҳаммад Карим Обидийнинг таъкидлашича, жосуслар журналист ниқоби остида ва Буюк Британиянинг Теҳрондаги элчихонаси ваккиллари кўмагида фаолият олиб борган. Журналистлар меҳмонхонада ўз исм ва фамилиясини бошқача қилиб кўрсатганларидан сўнг Эрон махфий хизмат ходимларида шубҳа уйғонган. Неча киши қамоққа олингани ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Ҳозирча "Би-Би-Си" компаниси раҳбарияти ҳам, расмий Лондон ҳам масалага муносабат билдирмади.

«МИ-28» СОТИБ ОЛМОҚЧИ

Туркия бир миллиард долларга Россиядан 32 та «Ми-28» русумли вертолёт сотиб олмоқчи. Маълумотда айтилишича, расмий Анқара аввал АҚШдан Cobra ва Super Cobra қирувчи вертолётлар сотиб олишни режалаштирган. Аммо Оқ уй бу турдаги вертолётлар тайёр эмаслиги учун Apache вертолётини таклиф қилди. Бу таклиф Туркияни қониқтирмади..

«Интерфакс» хабарида қайд этилишича, «Рособоронэкспорт» вакиллари ушбу хабарни шарҳлашни хоҳлашмаган. Аммо Ми-28 га жуда кўп давлатлар ҳарбийлари, жумладан, туркияликлар ҳам қизиқиш билдираётганини, лекин ҳозирча расмий буюртма бермаганини айтган.

ТАКЛИФ РАД ЭТИЛДИ

Оқ уй маъмурияти NASAнинг Америка-Хитой космик миссиясини амалга ошириш тўғрисидаги таклифини рад этди. Бу ҳақда АҚШ космик агентлиги раҳбари Майкл Гриффиннинг гапларига таяниб Aviation Week & Space Technology газетаси хабар тарқатди.

Газета мухбирининг ёзишича, Хитойда доимий равишда инсон ҳуқуқлари бузилиб туриши ва осмон ости мамлакатининг ноқонуний қурол савдосига алоқадорлиги бунга сабаб бўлган. NASA вакиллари хитойлик ҳамкасблари билан шатлларда самога парвоз қилиш ва бир нечта космик тажрибалар ўтказишни режалаштирганди.

МУҲОКАМА БАҲОРГА ҚОЛДИРИЛДИ

Беларусь парламенти кузги сессия даврида Жанубий Осетия ва Абхазия нинг мустақиллигини тан олиш тўғрисида қарор қабул қилишга улгурмади. Шундай қилиб, бу масаланинг муҳокамаси баҳорги сессияга қолди.

Парламентнинг бюджет ва молия комиссияси раиси Вадим Поповнинг таъкидлашича, масала анча мураккаб. Икки республиканинг тан олиниши ўзини мустақил деб эълон қилган бошқа давлатлардаги вазиятга салбий таъсир қилиши мумкин. "Шунинг учун биз бу масалани жиддий ўрганишимиз керак", деди у.

Поповнинг айтишича, сентябрнинг охирида сайланган парламентнинг янги таркиби масалани муҳокама қила олмаган. Чунки икки республикадан ҳам мурожаат кеч келган.

ТАФСИЛОТ

Иқтисодий инқироз ва ишсизлик

Шу йил баҳорда АҚШ ва дунёнинг бошқа давлатларида бошланган иқтисодий инқироз кун сайин кўплаб давлатларни ўз комига тортиб бораяпти. Жаҳон оммавий ахборот воситалари деярли ҳар куни қайсидир компания ёки концерн, саноат корхонаси инқирозга юз тутганлиги ҳақидаги хабарларни тарқатмоқда. Йирик завод ва фабрикаларнинг ёпилаётганлиги ишсизлар сони кўпайишига олиб келаяпти.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти — ИҲРТ раҳбари Анхель Гуррианинг таъкидлашича, 2010 йилга келиб иқтисодий бўҳрон туфайли ишсизлар сони жаҳон бўйича яна 25 миллион нафарга кўпайиши мумкин. ИҲРТга аъзо давлатларнинг ўзида ишсизлар сони саккиз – ўн миллион нафарни ташкил этади. Гуррианинг қайд этишича, инқироздан металлургия, қурилиш, автомобилсозлик, молиявий банк, қазилма бойликлар сектори катта зарар кўрмоқда. Европа давлатлари АҚШ, Хитой ва Япониядан ўрнак олиб, иқтисодга маблағ ажратишни кўпайтириши керак.

Маълумотларга қараганда, сўнгги ойларда кўплаб компаниялар маҳсулотлари бозорларда ўтмай қолгани учун ишлаб чиқаришни қисқартиришга мажбур бўлмоқда. Бунга автомобилсозлик соҳасидаги аҳволни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ғарбдаги айрим автомобиль заводларида маҳсулотлар омборларга сиғмай кетган. Харидор эса йўқ. Буюк британиялик автомобилсозлар битта автомобиль сотиб олган харидорга иккинчисини текин бериш тажрибасини ҳам қўллаб кўришди.

Дунёдаги энг йирик автомобиль концерларидан бири "Женерал Моторс" инқироз ёқасида турибди. АҚШ ҳукумати тезлик билан моддий ёрдам бермаса, корхона банкротга учраши ва минглаб одамлар ишсиз қолиши турган гап. Шунинг учун узоқ давом этган музокаралардан сўнг Оқ уй концернга 23 миллиард доллардан кўпроқ кредит ажратишга қарор қилди.

> *"Мутахассислар жаҳон иқтисодий инқирози янги йилнинг иккинчи ярмигача давом этиши мумкинлигини башорат қилишмоқда. Демак, ҳали корхоналарнинг ёпилиши, ишсизлар сони ортиши давом этади."*

Инқироз туфайли ноябрь ойида Хитойда саноат ишлаб чиқариши 5 фоизга ўсган. Кейинги йилларда барча соҳада катта ўсишга эришиб келаётган Хитой учун бу кўрсаткич фожиа ҳисобланмаса-да, қувонарли ҳол эмас. АҚШда эса саноат ишлаб чиқариш 0,6 фоизга, Ҳиндистонда 0,4 фоизга қисқарган. Сўнгги ўн беш йилда Ҳиндистонда бирор марта ҳам бу борада қисқариш кузатилмаганди.

Иқтисодий инқироздан ривожланган 50 давлат орасида Украина энг катта зарар кўрди. Бу мамлакатда ноябрь ойида саноат ишлаб чиқариши 28,5 фоизга қисқарган. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Украина саноати асосан металлургияга қарам эди. Инқирозда эса энг катта йўқотиш айнан металлургия саноатида кузатилмоқда.

Бошқа давлатлар қатори, дунёдаги энг йирик мамлакат Россия ҳам бу бўҳрондан четда қолгани йўқ. Ғарб иқтисодчилари Россия иқтисодида анча орқага кетиш рўй берганини қайд этишмоқда. Ноябрь ойида саноат ишлаб чиқариши 10 фоизга қисқарган. Ваҳоланки, мамлакатда жорий йилнинг январь-октябрь ойларида 4,9 фоизга ўсишга эришилганди.

Таъкидлаш жоизки, Россия иқтисодида нефть экспорти асосий роль ўйнайди. Кейинги ойларда талабнинг камайиши туфайли қора олтиннинг нархи бир неча бараварга арзонлашиб кетди. ОПЕК томонидан нефть қазиб олишни камайтириш борасидаги даъватлар ҳам нефть баҳосини пасайишига таъсир қилмади.

Мутахассислар жаҳон иқтисодий инқирози янги йилнинг иккинчи ярмигача давом этиши мумкинлигини башорат қилишмоқда. Демак, ҳали корхоналарнинг ёпилиши, ишсизлар сони ортиши давом этади. Шу ўринда қайд этиш жоизки, иқтисодий бўҳрон бизнинг мамлакатимизга унчалик таъсир қилмади. Чунки юртимизда иқтисодий сиёсат пухта ўйлаб амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистонда ишлаб чиқариш айрим қўшни давлатлардаги каби, чет эл корхоналарига бутунлай қарам эмас. Президентимиз Конституциямиз қабул қилинган куннинг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, бизнинг четга экспорт қиладиган товарларимиз баҳоси арзонлашаяпти. Ушбу ҳол истаймизми, йўқми мамлакат иқтисодига ўз таъсирини ўтказади. Лекин бу ишлаб чиқаришнинг пасайишига, корхоналарнинг ёпилишига олиб келмайди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

АСАКА БАНК:

хайрли ишлар давом этади

Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларда тижорат банкларига муҳим ва масъулиятли вазифалар юклатилгани сир эмас. Ана шундай йўналишлардан бири бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти узлуксизлигини таъминлаш мақсадида имтиёзли кредит маблағлари ажратиш ва сифатли банк хизматларини кўрсатишдир. Бу борада Фарғона вилоят "Асака" банки филиалида ҳам кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Молиявий муассаса мижозлари сони ҳозирда 3736 тани ташкил этаяпти. Шундан 357 таси жорий йилнинг ўзида бу ерда ўз ҳисоб рақамларини очганлиги қувонарли. Таклиф этилаётган қулай ва кафолатли омонатлар, паст фоизли кредитлар ҳамда жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган сифатли хизматлар натижасида молиявий муассаса даромадининг ўсишига эришилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида даромад 1896787 минг сўмга етган бўлса, шундан 273500 минг сўми соф фойда ҳисобланади. Шунингдек, банк кассаларига келиб тушган нақд пул маблағлари 85327 миллион сўмни, чиқим эса 78498 сўмни ташкил қилаяпти.

Банк кассаларига доимий равишда нақд пул топшираётган мижозлар ўз савдо тушумларини инкассация хизмати орқали амалга оширади. Савдо тушумига эга мижозлар сони 518 тани ташкил қилиб, нақд пул амалиётлари барча филиалларда назоратга олинган. Ушбу мижозларнинг 162 таси савдо дўкони, 192 таси хусусий тадбиркор, 31 таси дорихона, 55 таси умумий овқатланиш корхоналари ва 7 таси автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаларидир.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида якка тартибдаги хусусий тадбиркорлардан 4589 миллион сўм, савдо ташкилотларидан 7591 миллион сўм, автомашина савдосидан эса 44187 миллион сўм нақд пул маблағлари банк кассасига келиб тушган бўлса, омонат тушуми 6868,5 миллион сўмни ташкил қилди.

Бюджет ташкилотлари иш ҳақлари ва унга тенглаштирилган тўловлар учун жами 16402 миллион сўм, жумладан стипендия учун 2408 миллион сўм, почта бўлинмасига нафақа тўловлари учун 31285,3 миллион сўм чиқим қилинган.

Шу ўринда мазкур молиявий муассаса томонидан таклиф этилаётган қулайликларга қаноат қилмай, ўз фойдасини кўзлаб, қонунга зид хатти-ҳаракат содир этаётган мижозлар ҳам йўқ эмаслигини айтиш жоиз. Кундалик нақд пул-тушумларини камайтирган ва умуман банк кассасига пул маблағларини кирим қилмаган хўжалик субъектлари бўйича 64 маротаба, жами 2666 та мижоз ҳақида ДСИга маълумотлар қонуний чора кўриш учун тақдим этилди.

Молиявий муассасамизда Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини бажаришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада бир қатор эътиборга молик амалий ишлар ҳам қилинди. Хусусан, 47669 та пластик карточкалар амалиётга татбиқ этилган бўлиб, шундан 40120 таси ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошлари ўз вақтида тўланишини таъминлаш мақсадида иш ҳақи лойиҳалари асосида чиқарилган. Бош офиснинг 2008 йил 10 январда тасдиқланган пластик карточкалар эмиссиясига оид режасига мувофиқ вилоят банки бўйича режадаги 6050 дона пластик карточка ўрнига амалда 8400 дона карточка муомалага чиқарилишига эришилди. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни бундай замонавий усулда амалга оширадиган хўжалик субъектлари сони 533 тага (233 таси бюджет ташкилотлари) етказилди.



Савдо ва коммунал хизмат кўрсатиш шохобчаларида 258 та терминал орқали мижозларнинг аризаларига асосан ҳамда коммунал тўловлар учун 9597,2 минг сўм маблағ ўтказилди. Яратилган қулайликлардан яна бири ташкилот ва корхоналарда ишловчи ҳамда филиал ходимларига мижозларнинг молиявий эҳтиёжларини қондириш мақсадида кредит карточкалар орқали филиалимизда 57 та фуқарога 14058,8 минг сўм, Олтиариқ филиалида 201 та фуқарога 47225 минг сўм, Қўқон филиалида 37 та фуқарога 16239,9 минг сўмлик овердрафт кредитлари берилди. Албатта, булар тадбиркорларнинг молиявий аҳволи барқарорлашувига ҳамда фуқаролар фаровонлигига хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилаётган лойиҳаларни кредитлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, Фарғона вилоят "Асака" банки 8416,2 минг, Қўқон "Асака" банки 4138,7 минг, Олтиариқ "Асака" банки 3540,1 минг, Марғилон "Асака" банки эса 1948,9 минг сўм кредит қўйилмасига эга. Умуман, вилоят бўйича жами 18043,9 минг сўм миқдоридаги кредит қўйилмаларининг 3379,4 минг сўми қисқа муддатли, 14664,5 минг сўми эса узоқ муддатли лойиҳаларни кредитлашга ажратилган.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган кредитлар миқдори 3142,2 миллион сўмни ташкил этиб, вилоят бўйича жами 251 та янги иш ўринлари ташкил қилинишига эришилди. Жамоамиз томонидан кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 975,4 миллион сўм миқдорида кредитлар берилиб, шундан қишлоқ хўжалиги соҳасига 114,9 миллион сўм, савдо ва хизмат кўрсатишга 760,5 миллион сўм, бошқа соҳаларга 100 миллион сўм йўналтирилди. Бунинг ҳисобига қўшимча 23 та янги иш ўринлари яратилди.

Қўқон "Асака" банки томонидан ажратилган 665,6 миллион сўмлик кредит маблағининг 183 миллион сўми саноат соҳасига, 60,8 миллион сўми қишлоқ хўжалиги соҳасига, 58 миллион сўми савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасига, 20 миллион сўми қурилишга, 490 миллион сўми эса бошқа тармоқларга йўналтирилган. Натижада қўшимча 57 та янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

Олтиариқ "Асака" банки томонидан эса 608,8 миллион сўм кредит берилиб, шунинг ҳисобига қўшимча 46 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Кредитнинг 344,3 миллион сўми қишлоқ хўжалиги соҳасига, 80 миллион сўми савдо ва хизмат кўрсатишга, 165 миллион сўми қурилишга, 63 миллион сўми эса бошқа соҳаларга йўналтирилган.

Марғилон "Асака" банки томонидан берилган 909,9 миллион сўм кредитнинг 36 миллион сўми саноатга, 198,6 миллион сўми қишлоқ хўжалигига, 51,5 миллион сўми савдо хизмат кўрсатиш соҳасига, 685,4 миллион сўми қурилишга, 35 миллион сўми бошқа соҳаларга йўналтирилиб, натижада 125 та янги ишчи ўринлари барпо этилди.

— Молиявий муассасамизда халқаро молия институтларининг кредит линиялари орқали инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан Осиё Ривожланиш ва тараққиёт банки, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси ҳамда Германия, Япония, Хитой давлатларининг кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш учун лойиҳалар танлови ўтказилмоқда. Ушбу лойиҳалар давлат маҳаллийлаштириш инвестицион дастурига ҳам киритилган. Жумладан, "А.АК-БАРАЛИ" ишлаб чиқариш фирмасининг Германиянинг "Трюцшлер Гмбх" заводидан тўқимачилик технологик линиясини сотиб олиш лойиҳаси учун 7 йил муддатга 0,3 млн АҚШ доллари инвестицияси жалб қилиниши режалаштирилган. Ҳозирги кунда дастгоҳлар тўлиқ етказиб берилди ва 2 900 000 евронинг 3.578.708,33 АҚШ доллари эквиваленти миқдорида тўлов амалга оширилди. Ушбу лойиҳа тўла ишга туширилса 149 киши иш билан таъминланади. Шунингдек, бир йилда ўртача 2700 тонна пряжа (ип) ишлаб чиқариш ҳамда бу маҳсулотларнинг 80 фоизини чет мамлакатларга экспорт қилиб, қолган 20 фоизини ички ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сарфлаш кўзда тутилмоқда.

"АЛЕСТА ГЛАСС" шўъба корхонасининг Германиянинг "Эмрах Гласс" заводидан озиқ-овқат саноатида фойдаланиладиган шиша идишлар ишлаб чиқарувчи технологик линияни сотиб олиш лойиҳаси учун 5 481 800 евро 6 йил муддатга кредит ажратилиши дастурда белгиланганди. Ушбу маблағ "Асака" банкининг ўз маблағлари ва Германия банкининг "Bayerische Hypo und Vereinsbank Aktiengesellscaft" кредит линияси орқали берилади. Ҳозиргача 1 026 192,96 АҚШ доллари (822.270 евро эквивалентида) миқдорида аванс тўлови ўтказилди, қолган суммага аккредитив бўйича 638 108,07 евро маблағ берилган. Ушбу лойиҳа тўла ишга туширилса жами 318 киши иш билан таъминланади. Корхона томонидан йилига тайёрланадиган турли ассортиментдаги 2119 856 дона шиша идишларнинг бир қисми хорижга экспорт қилинса, қолгани ички бозорда сотилади.

"Автоойна" ОАЖ корхонасининг "ЎзДЭУАвто" қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган автомобилларга автоойналар ишлаб чиқариш бўйича тақдим этган лойиҳаси ҳам кредетлаштириш режасига киритилди. Корхона фойдаланишга топширилгандан сўнг йилига 200 минг дона маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Ажратилаётган кредит маблағлари корхона майдонлари реконструкцияси билан боғлиқ молиявий харажатларни молиялаштириш, бирламчи айланма маблағларни шакллантириш учун йўналтирилмоқда. "Ўзавтосаноат" уюшмаси орқали чет эл влютасидаги кредит ҳисобига ҳам бир қатор асбоб-ускуналар келтирилди.

"Сайқал синч" фирмаси ҳам ўз фаолиятини кенгайтириш ва қўшимча асосий воситаларни сотиб олиш мақсадида банкимизга бир неча маротаба мурожаат қилди ва олинган кредит маблағларидан унумли фойдаланди. Ҳозирда бу ерда янги русумдаги велосипедлар, ногиронлар аравачалари ишлаб чиқарилмоқда. Улар ўзининг қулайлиги ва арзонлиги билан истеъмолчиларга манзур бўлаяпти.

Жамоамиз вилоятга янги технологик ускуналарни олиб кириш лойиҳаларини қўллаб-қувватлаб, уларни молиялаштириш жараёнида ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Жумладан, шу йилнинг август ойида "Ўз ОЛОВ" шўъба корхонасининг Фарғона тумани Миндонобод қишлоғидаги "Фарғона — Водил" автомагистрали ёнида автомобилларга газ тўлдирувчи компрессор станциясини қуриш ва чет эл ускунаси билан таъминалаш лойиҳаси учун 290 миллион сўм ажратилди. Ҳозирги кунда қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳа вилоятда альтернатив ва экологик тоза бўлган ёқилғи маҳсулотларини чакана тарзда истеъмолчиларга етказиб берилиши ва банкларга нақд пул тушуми тушиши барқарорлигини таъминлайди. Шунингдек, янги иш ўринлари барпо қилинишига муҳим омил бўлади, десак муболаға бўлмайди.

"Фарғонаавтотрансхизмат" МЧЖга автобус саройини кенгайтириш ва қўшимча 40 та "ИСУЗУ" автобусларини сотиб олиш учун 7 йил муддатга 1.646,5 миллион сўм миқдорида узоқ муддатли кредит маблағлари ажратилди. Бу эса автокорхона транспорт саройини кенгайтирилиши, йўловчи ташиш хизматлари ҳажмининг ортишига ҳамда энг асосийси, янги иш ўринлари очилишига имкон яратмоқда. Кредит ҳисобига сотиб олинган автобуслар Фарғона шаҳри ва унинг атрофидаги йўналишларда аҳолига имтиёзли нархларда самарали фаолият кўрсатмоқда. Таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу корхона томонидан кўрсатилган хизматларнинг сифати ва ҳажми "Ўзавтосаноат" уюшмаси томонидан юқори баҳоланиб, Фарғона вилоятида "Самаркандавто" корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган турли русумдаги "Исузу" автобусларининг расмий диллери статуси берилди.

Сервис соҳасини ривожлантириш бўйича жорий йилда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчасини янги технологик ускуналар билан жиҳозлаб модернизация қилиш, фаолият турини кенгайтириш ва ривожлантириш учун "Орлан" хусусий фирмасининг 40 миллион сўмлик инвестицион лойиҳаси молиялаштирилди. Шу кунга қадар фирма томонидан лойиҳада белгиланган фаолият тўлиқ амалга оширилиб, қўшимча янги иш ўрини барпо этилди ва жаҳон талабларига мос сервис хизмат турлари жорий қилинди.

Фарғона вилоят ҳокимлиги қарорига асосан сервис соҳасини ривожлантириш учун банк томонидан "Ачаду" ХФ — биносини таъмирлаш бўйича 5 миллион сўмлик, "Ҳилола" ХФ — кимёвий тозалаш шохобчасини кенгайтириш бўйича 20 миллион сўмлик, "Орлан" хусусий фирмасининг автотеххизмат шохобчасини технологик янгилаш бўйича 40 миллион сўмлик лойиҳалари молиялаштирилди.

Айни пайтда Фарғона вилоят "Асака" банкининг 5 та минибанки ташкил этилган бўлиб, улар жами 222 та мижозга барча турдаги банк операциялари ва хизматларини кўрсатмоқда. Жами кредит қолдиғи эса 304112 минг сўмни, минибанк кассаларига тушган нақд пул маблағлари миқдори эса 45 миллион сўмни ташкил қилмоқда.

Бу хайрли ишлар, амалга оширилаётган ислоҳотлар янги 2009 йил — "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги" йилида ҳам катта суръатларда давом этишига шубҳа йўқ.

Рашид НУРМАТОВ
"Асака" банкнинг Фарғона вилоят филиали бошлиғи. ®

Суратларда: *банк фаолиятидан лавҳалар.*

ЖАДИДЛАР ҲАЁТИДАН

Маърифатпарвар инсон, унутилмас сиймо

Тарихчи олим Мусожон Саиджонов Бухоро зиёлиларининг кўзга кўринган вакилларидан эди, десак хато бўлмайди. Бу кишининг таваллудига бу йил 115 йил тўлди. Қоракўл тери савдоси билан шуғулланувчи савдогар оиласида таваллуд топган Мусожон отасининг хоҳишига кўра 7 ёшидан бошлаб, яъни 1900 йилда эски бошланғич мактабига борган. У ерда 5 йил таълим олган. Кейинчалик Мир Араб мадрасасида, Когондаги рус-тузем мактабида таҳсил олади.

Мусожон Саиджоновнинг ўзи ёзган хатидан маълум бўлишича, у савдо билан шуғулланувчи амакиси Муҳаммад Юнус Саиджонов билан кўплаб тижорат сафарларига чиққан. Жумладан Марғилон — Карки бўйлаб саёҳати унга ҳаётни ўргатди, илмга қизиқишини орттирди.

Мусожон 15 ёшида, яъни 1913 йилдан жадидчилик ҳаракатининг "Ёш бухороликлар" фирқасига қўшилган. Шу билан бирга, дунё матбуоти билан ҳам танишиб боради. Бу ҳақда унинг ўзи 1923 йилнинг 9 сентябрь санаси билан имзо чекилган таржимаи ҳолида шундай ёзади: *"Хусусан муаллим ва мударрислардан дарс олув ила баробар ҳар турли илмий, сиёсий ва ижтимоий газета ва журналлар ҳам, Россия ва Туркияда нашр бўлғон ва бостирилғон ҳар турли китоблардан истеъфода этдим. 1914 да Истамбулдан келган бухоролик Абдурауф Фитрат ёнида сарф, жуғрофия ҳисоб ва хандаса ўқидим. Мазкур санада ёшлар тарафидан ташкил бўлғон "Ширкати маърифат" исминдаги ширкатга аъзо ва мазкур ширкат тарафидан очилғон "Маърифат" кутубхонасига мудир бўлдим. 17-йилнинг ибтидосиндан инқилобгача ёшлар тарафиндан ташкил бўлғон "Ширкати баракат" исминдаги ширкатга ишладим".*

Айтиш жоизки, тараққийпарвар Абдурауф Фитрат ва Мусожон Саиджонов ўртасидаги устоз-шогирдлик рутбаси йиллар ўтиб маслакдош дўст даражасига юксалди. Буни улар ўртасидаги ёзишмалар ҳам тасдиқлайди.

Мусожон Саиджоновнинг ёшлар гуруҳларига доир фаолияти ҳам эътиборга сазовор. Ўзи бу ҳақда шундай ёзади: *"1914 дан 1917 гача ёшларнинг махфий ташкилотига ҳам ишладим. 1917 йил март ойидан бошлаб сиёсий ташкилотга ишлаб Бухорода бўлғон апрел инқилобига иштирок этиб ёшлар ила баробар Когонга ташкил бўлғон "Шўрои ислом" жамиятига бош котиб бўлдим. 1918 март ойигача мазкур "Шўрои ислом" жамиятига ишлаб Колесов воқеаси натижасинда ёшлар ила баробар Туркистонга мухожирот этдим. Тошкентда 3 ой таълим ва тарбия курси ҳамда дорулмуаллимин мактабига муаллимлик қилув ила баробар сиёсий шўъбанинг театр ва ўқув расмларига хизмат этдим. 1920 йил татил чоғинда Хўжанддан 60-70 талабани Самарқандда очилғон таълим ва тарбия курсига келтириб мазкур таълим ва тарбия курсиға муаллим ва дорулмуаллимига мураббий тайин этилдим. Мухожирот асносида буюк илмий ишларга ишониб юрғоним учун ҳеч бир сиёсий ташкилотга кириб ишлаёлмадим".*

Бунда М.Саиджоновнинг 1918 йилдан кейинги ёш бухороликларнинг муваффақиятсизликка учраган ҳаракатлари ва Бухородан чиқиб кетиш воқеаларидан кейинги ишлари ҳақида маълумотлар аниқ берилган. Хусусан, Тошкент, Хўжанд ва Самарқандда таълим ва тарбия курсларида муаллимлик

Сурат Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар марказий давлат архивидан олинган.

қилганлиги ва Самарқанддаги ишчилар билим юртида география фанидан дарс берганлиги ҳақидаги фактлар ўзининг шахсий ҳужжатлари орасидаги хатларидан ҳам маълум бўлди.

Ёш бухороликлар муҳожирликда бўлишларига қарамай, бир-бирлари билан боғланиб туришлари натижасида яна бирлашишга муваффақ бўладилар ва 1920 йилги амир ҳукуматининг ағдарилиши воқеаларида биргаликда иштирок этдилар. Бу ҳақда қаҳрамонимиз: *"Август ойинда Тошкентда Бухоро марказий иштирокиюн ҳам Бухоро марказий инқилоби "Ёш бухороликлар" фирқаларининг бир фикрга келиб Бухороға инқилоб ясов қарорлари натижасинда бутун ёшларни, Каттақўрғон, Когон ва Чоржўйга кўчирмоқчи бўлдилар ҳам кўчирдилар. Бюродан Самарқанддан чиқарган инқилобчи "Ёш бухороликлар"нинг фирқасига аъзолик варақасини олдик. Август охирларинда Чоржўйда туриб инқилобчи ёщ бухороликларнинг фирқасига бош котиб ва хазиначилик вазифасини адо қилдим. 7 сентябрда озиқ нозири тайин этилдим"*, — деб ёзган. Бундан кўринадики, бухоролик маърифатпарварлар яна Бухоро ҳукумати тепасига келдилар. Бундан ташқари, Бухорода янги ташкил топган Республика бошида кўзга кўринган тараққийпарварлар турар эди. Янги ҳукумат ишида Мусожон Саиджонов бир неча юқори лавозимларда ишлади. Унинг Бухоро халқ республикасининг Россиядаги биринчи элчиси сифатида фаолият кўрсатганлигини ҳам қайд этиш лозим.

Мусожон Саиджонов 1926 йилдан Республика тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш кўмитасининг Бухоро бўлими (Бухкомстарис) раиси этиб тайинлангач, Самарқанд, Хива, Қўқон, Қарши, Шаҳрисабз ва ҳатто Термизда археологик экспедициялар ўтказиб, кўҳна меъморий ёдгорликларни таъмирлаш, асраб-авайлаш, тарихини ва жой номлари тарихини ўрганиш ишлари билан шуғулланди. 1928 йилдан Самарқандга кўчиб ўтди ва у ерда умрининг охиригача тарихий ва меъморий обидаларнинг аҳволи ҳақида маълумотлар тўплади. Жумладан М.Я.Гинзенберг билан биргаликда Бухородаги таъмирталаб бўлган қадимий ёдгорликларнинг 32 тасини текшириб, рўйхатга олган ва биринчилардан бўлиб Ўрта Осиё архитектурасида ансамбль анъанаси мавжуд бўлганлигини Самарқанддаги тарихий ёдгорликлар асосида исботлаб берган.

Мусожон Саиджонов ўзининг тинимсиз меҳнати туфайли кўплаб китоб ва нодир асарларни тўплаб, ўрганар эди. Буларнинг натижаси ўлароқ, турли матбуот нашрларида мақолалари ҳам босилиб чиққан. "Гўри Амир мақбараси", "Бухоро шаҳри ва унинг эски бинолари", "Эски Самарқанд" ва "Обследование усыпальницы Чильдухтарон в Самарканде" ("Samarqanddagi "Childuxtaron" maqbarasining tekshiriluvi") номли йирик мақола ва асарлари шулар жумласидан. Олимнинг нашр учун тайёрланган, лекин чоп этилмай қолган илмий асарлари ҳам бир нечта бўлиб, улар асосан ўлкашунослик, археология ва этнографияга оид ва вақфнома ҳужжатларини ўрганиш асосида 1930 йилдан кейин тўпланган дир.

Айрим сабабларга кўра нашр этилмаган "Шайх Сайфуддин Боқарзий вақфномаси", "Самарқанднинг меъморий ёдномаси", "Самарқанд архитектураси. Шаҳар тарихи", "Бухоро атрофида жойлашган мақбаралар", "Хоразмдаги биринчи музей", "Ўзбеклар тарихи учун материаллар", "Адиблар антологияси" каби турли ҳажмдаги тўплам ва асарлари ҳамда Чилдухтарон, Масжиди Калон ҳақидаги брошюралари ҳозирги кунгача ўзининг илмий аҳамиятини йўқотган эмас. Шунингдек, М.Саиджонов Қашқадарё воҳаси обидаларини ўрганиб "Шаҳрисабз меъморий ёдномалари тарихи" тўпламини тузган. 1936 йилда ёзиб тугатилган ушбу асар ўлка меъморий обидалари ҳақидаги ягона йирик илмий иш ҳисобланади. Лекин афсуски, юқорида кўрсатилган илмий рисолалар ҳали тўла-тўкис ўрганилиб, тадқиқ этилмаган ва оммалашмаган.

Маърифатпарвар олим 1935 йил Ленинградда бўлиб ўтган Халқаро конгрессга ҳам маҳаллий ўзбек олимларидан биринчи бўлиб чақирилган зиёлилардан эди. Эрон санъати ва археологияси масалаларига бағишланган бу анжуманда у "Кўчкинчихон мақбараси" номли маърузаси билан иштирок этади. Ўшанга қадар ушбу мақбара нотўғри номланиб, "Чилдухтарон мақбараси" деб аталар эди. Саиджонов буни аниқ далиллар билан илмий исботлаб берди. Ана шу йирик тадқиқоти учун олимга профессор унвони берилди. Лекин ўша халқаро конгресс маърузалари тўпламида Саиджоновнинг маърузаси негадир учрамайди. Собиқ тузум даври сиёсати натижасида мустамлака давлат иштирокчисига паст назар билан қаралганлиги ёки 1937 йилда жадидларга қарши совет тузуми қатағонига учраганлиги сабабли маъруза тўпламдан "атайлаб" тушиб қолган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

"Ёш бухороликлар", "Миллий иттиҳод" каби бирлашмаларда ҳамда жадидларнинг маданий-маънавий ҳаракатларида фаол иштирок этиб, Бухорода юқори давлат лавозимларида ишлаган ва миллий тараққийпарварлар билан сафдош бўлган Мусожон Саиджонов "халқ душмани" сифатида 1937 йил 14 апрелда ҳибсга олиниб 1937 йилнинг 27 октябрь куни отиб ташланади. 1965 йилнинг декабридагина уларнинг номлари қайта тикланиб, оқланган.

Мусожон Саиджонов ҳаёти, фаолияти ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатлардаги иштироки, қолдирган илмий мероси бўйича бугунгача йирик тадқиқот ўтказилиб, илмий иш олиб борилмаганлиги туфайли унинг номи кенг жамоатчиликка тўлиқ маълум эмас. Бунинг асосий сабаби олим қатағон қилинганидан сўнг, кўп асарлари нашр этилмай, қўлёзма ҳолича қолиб кетганлигидир. Ваҳоланки, бу нодир асарлар ҳозиргача ўзининг юксак илмий мавқеи билан қимматли ҳисобланади.

Сайёра МУҲАМЕДОВА,
ЎзРФА Тарих институти аспиранти.

"Ўзтрансгаз"
акциядорлик компанияси
жамоаси

барча ватандошларимизни яқинлашиб
келаётган Янги йил айёми билан табриклайди.



"Қишлоқ тараққиёти
ва фаровонлиги йили"

деб ном олган — 2009 йил
халқимизга омад, бахт-саодат,
хонадонимизга тотувлик, дастурхонимизга
қут-барака олиб келсин.
Юртимизда тинчлик ва осойишталик
барқарор бўлсин.

ИЖОД МАНЗАРАЛАРИ

ИЗҲОР

Тасаввур кашфиёти

Кутилмаганда рассом Жавлон Умарбековдан хат олдим:

“Ассалому алайкум, ҳурматли Дилбар опа! Тунов куни Бадиий академияда бўлиб ўтган бир тақдимотда анчадан бери орзу қилиб юрган мақсадимга эришиб, Тилаб аканинг қўлларидан Сизнинг икки оғиз сўзларингиз ёзилган эссе-қисса “Ярим аср ёнмаён” китобингизни олдим. Кўпдан-кўп раҳмат.

Бу китобни ўзбек Миллий академик драма театри фаэсида бўлиб ўтган тақдимотдан буён Тилаб акадан топиб беришларини илтимос қилиб келаман. Тўғри тушунинг, гап китобни сотиб олиш-олмасликда эмас... Мақсад сизларнинг дастхатларингиз ёзилган нусхасини ўз қўлларингиздан олиш эди...

Китобни икки кечада ўқиб чиқиб тугатганимга эмас, тугаб қолганига ачиндим.

Санъатшунос, файласуф, прозаик ва олим Тилаб Маҳмудов ҳақида жуда қизиқарли, ибратли ва ўқишли китоб чиқибди. Тилаб аканинг кўп публицистик мақолаларини кўриб, Жавлон Умарбековни қайтадан кашф этдим. Тасаввуримдаги рассом билан мен билиб олган Жавлон Умарбеков орасида ер билан осмонча фарқ бор экан. Уни аввалари европалашган, руслашган ҳатто ўз она тилида зўрға гаплашадиган, ижод манбаалари кўпроқ абстракт хусусиятга эга ижодкор бўлса керак, деб ўйлардим... Билмаганнинг тасаввури хира бўлади, деб шуни айтишса керак! Ижодингиз билан яқиндан танишиб борганим сари, ҳайратим кучайди. Тасаввурим чилпарчин бўлди.

Очиғини айтганда, биз одамлар бир-биримизни яхши билмаймиз. Билишга эса шошилмаймиз ҳам... Бир даргоҳда ёнмаён ишлаб ҳам, қўшни бўлиб яшаб ҳам, ҳамкасб бўлатуриб ҳам, мардона айтиш керак, бир-биримизга деярли қизиқмаймиз. Тўғри, ҳамма нарсани билиб бўлмайди. Бунга инсоннинг умри етмайди. Лекин ҳаётда шундай шахслар борки, уларнинг ҳар бири ортида бир миллат тарихи, тақдири, ҳаёти ётади. Ҳаётий ва ижодий тажрибамдан келиб чиқиб айтаманки, саралаб ўқиш керак. Ана шундай ўзбек тасвирий

Мусаввир Жавлон Умарбековнинг «Мешкобчи» асари.

ри, турли кўргазмаларда чиқишларини ва рассомлар ҳақида, ижод жараёнлари ҳақида ёзганларини ўқиганман, нутқларини эшитганман. “Оқар дарё оқмасмиди жимгина”, “Омонат дунё” ҳикоялар тўпламларини ўқиб чиқиб жуда мароқ олганман. Тилаб акага биринчи бўлиб ёки биринчилардан бири бўлиб, шу ҳикоялар асосида “Хумсон новеллалари” кино сериалини яратиш жоиз экан, деган эдим. Ёзувчи Тилаб Маҳмудовни ўшанда кашф этган эдим.

Ҳар бир ижодкор ўз асарлари орқали ўз ички дунёси, кечинмалари ва воқеаларга муносабатини яратиб туриб, пировардида ўз “автопортрет”ини чизади, деб ўйлайман. Тилаб ака ҳам шундай — бутун ҳаётлари давомида ёзган мақолалари, радио, телевидение, газета-журналлардаги публицистик чиқишлари орқали ўз “автопортрет”ларини қойил қилиб чизиб, эл оғзига тушдилар...».

1972 йил... Тилаб Маҳмудов Венгрияга ижодий сафар чоғида ўзбек рассомларини намойиш қилади. Улар орасида Жавлоннинг “Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро” картиналари ҳам бўлган. Венгер рассомлари рассомнинг ижоди ва ёши билан қизиқиб қолишади. “Бу мусаввир келажакда буюк ижодкор бўлади” деган фикрни билдиришади.

Венгер рассомлари ҳам чакки одамлар эмас экан. Орадан ўттиз беш йиллар чамаси вақт ўтиб, уларнинг башоратлари рўёбга чиқди. Жавлон Умарбеков атоқли ва ардоқли ижодкорга айланди.

Очиғини айтсам, Сиздай катта санъаткор билан бирор марта ҳам мулоқотда бўлмаганман. Фақат турли кўргазмаларда, анжуманларда учратиб, унга ҳавас билан қараб қўярдим.

Ярим асрдан буён Тилаб акадан марҳум академик Абдулҳақ Абдуллаевдан, кейинроқ ўғлим Беҳзоджондан Сиз ҳақингизда, ижодингиз ҳақида кўп эшитганман!

Яқинда “Ифорли туйғулар водийси” номли монографиядаги ижод намуналари билан танишганим сайин Сизни рассом сифатида мутлақо билмаслигимни англадим. Очиғи, бундан жуда-жуда уялдим.

Монографиядан ўрин олган “Чойхона”, “Сомон бозори”, “Қовун бозори”, “Машшоқлар”, “Фолчилар”, “Мешкопчи”, “Хўроз уриштириш”, “Лаган ўйини”, “Наҳорга ошга”, “Дўппи сотиляпти” каби гулхандай ловуллаб турган асарларингизни қон томирларида миллий ҳис-туйғулар уфуриб турган ижодкоргина ярата олади. Рассом ўзбекнинг ўқ томири бўлмиш миллий ҳаёт тарзи, урф-одатларига шу қадар меҳр қўйганки, уларга қайта-қайта мурожаат этади, уларни соғинган кўнгилларга бадиий либослар кийгизиб қайтариб беришга ҳаракат қилади.

Ушбу монографиядаги асарларни кўриб яна бир нарсага амин бўлдимки, ёшлик таассуротлари ижодкор учун битмас-туганмас хазина бўлиб қолар экан. Сиз бекорга “хотиралар — ижод чашмаси” демаган экансиз.

“...Мен ўзи қаердан чиққанман ва нега рассом бўлдим, мени шу ўзанга солиб юборган калит қаерда, манбаи қаерда?”, деб ёзар экансиз, бу саволга ўзингиз жавоб бериб: “Китоблар, болалик хотираларим” дегансиз.

Монографияни ўқиб, ўрганиб, расмларни томоша қилишдан кечикманг. Имоним комилки, унинг ижоди руҳингизни жумбушга келтиради, ўзлигингизга қайтаради, ўзбек бўлганингиздан яйраб кетасиз.

Жавлонбекнинг ижоди ҳақида оддий бир томошабин сифатида гапираяпман. Асарларини таҳлил этишга «тишим” ўтмайди. Айниқса, “Мен — инсонман”, “Инсон заковати” каби фалсафий, ҳайратомуз асарлар ҳақида бирор сўз айтишга тилим лол.

Шуни билдимки, бу рассом табиатни жуда яхши кўрар экан. Эски шаҳарнинг тор кўчалари, пастқам-пастқам деворлари, ариқ лабидаги ялпиз, бинафшаларга меҳрини сочиб ишлаган. Ўлкамизнинг бир дарчачалик, бир эшик оралиғичалик кўриниши орқали бепоён кенгликлар, водийлар ҳақида тасаввур беради. Унинг асарлари заминдаги нарсаларни гўё парвоздаги турнаю лайлаклар, қалдирғочлар қаноти туриб расмга олаётгандек таассурот беради.

Жавлонбек нафақат ажойиб рассом, балки донишманд ҳам экан.

“Тумор — парвардигорнинг кўзидир”, “Севишганлар — қўшилиб кетган битта жисм, битта жон” деган кўплаб образли фикрлари шундан далолат беради.

1997-1998 йилларда АҚШда бўлиб ўтган шахсий кўргазмасидан сўнг Америка саёҳати ҳақидаги мулоҳазалари мени ўйлантириб қўйди: “Зотан, Америка хотирамда чуқур из қолдирмади. Америка ҳақида ҳеч нарса чизгим келмади. Қалбим туғёнга солади, деб ўйловдим, ундай бўлмади. Шаҳарлар архитектураси, кишиларнинг ясама илтифоти — уларнинг аҳлоқи шунақа, ботинан эса улар совуқ ва киши тақдирига бефарқ. Маълум чегарадан ошган, сен ҳақингда ўйлашмайди ҳам, сени эслашмайди ҳам. Мен буни тушуниб қолдим. Шундан сўнг албатта, Европани янада қадрлай бошладим ва унга меҳрим ортди — унинг кишилари яхшироқ, покроқ ва назокатлироқ эди.

Шунинг учун ҳозир Америка мени ўзига жалб этмайди. Бу сафар ижодимда бевосита акс этмагандир балки, бироқ билвосита нималардир содир бўлмоқда”.

Қизиқ, Сурхондарёдан баракали ижод қилиб қайтасиз, Жазоирда 12 кун ичида 30 та расм ишлайсиз, аммо Америка сизга илҳом бахш этмаса...

Рассом ижодининг нодир намуналарини ўзида жамлаган монография сифатли оппоқ қоғозларда янада жозибали кўринди. Расмларни босиш техникаси юксак. Муқовалардаги расмлар ял-ял ёнади. Ижоди ҳақидаги профессионал таҳлил яхши. Лекин ўзбекчага таржимадан қаноатланмадим, ғализ, таҳрирбоп жойлари бор. Китобнинг сўнгги саҳифаларининг тескари босилиши худди ой юзидаги доғдек кўринди...

Бундай жузъий нуқсонлардан қатъий назар, монография санъат ихлосмандларига катта туҳфа бўлган.

Мен рассом устахонаси остонасида туриб, ижодхонаси эшиги тирқишидан ичкарига мўраладим, холос. Бу ижодхонада яна қанчадан-қанча завқли мавзулар, образлар, тафаккур гулшани борлигига имоним комил.

Дилбар МАҲМУДОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

МУНОСАБАТ

“Қор қўйнида лола”

ёхуд Чўлпон асарининг экрандаги иккинчи умри

Кино инсоннинг психологик ҳолатларини, тафаккурини, бир-бирига зид бўлган ўй-фикрларини экранда тасвир, кадр ортида янграйдиган сўз, мусиқа ёрдамида кўрсатиш, эшиттириш, ижро санъати билан гавдалантириш имкониятига эга.

Чўлпоннинг “Қор қўйнида лола” ҳикояси асосида суратга олинган фильмда ҳам ажойиб кинематографик манзараларни кўриш мумкин. Яқинда мазкур фильмнинг телеэкранларимизда яна бир бор намойиш этилганлиги кўпчилик томошабинларга манзур бўлди. Мазкур кино асар фақат образларнинг ҳолатини эмас, балки турли фикрлар тўқнашувини, қаҳрамонларнинг кеча, бугун, ҳозиргина содир бўлган воқеаларга муносабатини таърифлайди.

Ҳикояда қизлар аввалига копток ўйнайдилар. Кинодаги талқинда эса Шарофат ва унинг дугоналари “Читти гул” номли халқ қўшиғини куйлайди. Фильм ижодкорлари ҳикоядаги тасвирларни экранда бор ҳолича жонлантиришга астойдил ҳаракат қилишгани яққол кўзга ташланади. Бундан ташқари, табиат манзаралари, декорацияларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, қизлар ўйинини суратга олишда ўтовдан фойдаланилганига гувоҳ бўламиз. Катта ям-яшил боғда зиндон панжараларини эслатувчи доира шаклидаги ўтовнинг бақувват арқонлари, қалин белбоғи, ерга қадалиб турган устунлари кўриниб туради. Қизлар фақат ўша ерда ўйнайди, ўзаро мулоқотда бўлади. Боғ гўзал бўлгани билан улар учун бу ер мисли зиндон. Фильм аввалида ана шу фикр томошабинларга тасвирлар орқали етказилади. Қувноқ халқ қуйи ва сўзлари кадр руҳига, ёш қаҳрамонлар ҳолатига мос тушган.

Фильмдаги бош қаҳрамон Шарофат образини Замира Бешимова моҳирона талқин эта олган. Фильм бошланишида, қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатлари тасвир, куй воситасида яхши ёритилган. Тўй жараёнида қизнинг бошқа уйга кетиш олдидан отаси фотиҳа бераётганда юзини ўгириши, аммо эшикка етар-етмас ота бағрига тағин ўзини отиш ҳолатлари томошабинни бефарқ қолдирмайди.

“Читти гул” қўшиғи куйлангандан сўнг Шарофат дарахтга суяниб, қўлларини кўтариб, қуёшга қарайди. Гўё уни тутмоқчи бўлади. Аммо бу юмуш сароб каби бесамардир. Қуёш бу ерда бахт рамзидир. Ташвиш, тушкунлик, хавотир ифодаси учун кўпроқ қоронғулик, тун тасвиридан фойдаланилган. Мусиқа ва оҳанг эса тасвирларни янада тўлдиради. Шарофат ва Раимнинг илк кўришувидан олинган кадрларда руҳий ҳолат, ички кечинма ва ҳиссиётлар бевосита сўзсиз ифодаланади. Уларнинг нигоҳлари орқали кўнгил кечинмалари тасвирланади. Бир эпизодда Шарофат ва ота-онаси эски ҳовлига кўчиш учун аравага чиқадилар. Шунда арава боши берк кўчага кириб қолади. Бу эса ўз навбатида инсон тақдиридаги чигалликларнинг тимсолидир.

Шу ўринда фойтундаги европалик хоним образи хусусида бир мулоҳаза. Маълумки, адиб ҳикоясида бу ҳолат берилмаган. Аммо фильмда Шарофатнинг орзусидаги кечинмаларни, эркинликка интилишини кўрсатиш мақсадида шу тасвирдан фойдаланилган. Кульминацион нуқталар, асосий воқеалар, образлар талқини бевосита таъсир ва мусиқа орқали очиб берилган. Адабиёт ва кино уйғунлиги шунда кўринадики, томошабин ёки ўқувчи бирдек воқеалар ривожи, талқинига эътибор қаратади. Шарофат ва Раимнинг иккинчи кўришувидаги тасвирда қиз йигитнинг елкасига бошини қўяди. Бу ерда ўзбек қизига хос ибо, ҳаё, одоб мужассамлашган.

Самоварнинг қайнашини Раим кўнглининг рамзий воситаси сифатида фойдаланилган. Шарофат аччиқ устида қумғонга ўтин солмоқчи бўлади, аммо ўтин ҳарчанд тутаса ҳам ёнмайди. Бу эса қизнинг умидсиз муҳаббатидан далолат. Қизнинг совчи хабарини эшитганида дарахтлар орасидан чопиб бориши ва унга ҳамоҳанг равишдаги сувнинг шиддатида уйғунлик мавжуд. Фойтундаги хоним учинчи марта кўринганида қиз унинг ортидан югуриб ета олмайди, чанг тўзон ичида қолади ва ўксиб йиғлайди. Бу кадрлардаги лавҳалар орқали қизнинг армонга айланган орзулари ифодаланган. Чарсиллаб ёнаётган олов тасвиридан сўнг Шарофат Раимнинг юзига эшик ёпади. Бу Шарофат кўнглининг ифодасидир.

Самандар савдогар додфарёд кўтаради, кетмонини олиб занг ерга уради, эҳтиросини совуқ сув билан босмоқчи бўлади. Ахир, у иймонини сотмоқчи эмас эди, эътиқоди йўлида ягона қизини учинчи хотин қилиб “қариб қуюлмаган, ачиб суюлмаган” эшонга назир қилмоқчи эди. Кадрлардаги ижро, камера ҳаракати киноҳикоя юксак савияда бўлиб, адиб ўз асарига сингдириб юборган ғояни очишга хизмат қилади. Фильмнинг яратилиши ва экранларга олиб чиқилишини Чўлпон асарининг экрандаги иккинчи умри дейиш мумкин. Чўлпон ҳикояларида шоирона руҳ, шеърларида сюжет бор. Чўлпон асарларини ўқир эканмиз, уч-тўрт кун мобайнида ғоя, воқеалар талқинига руҳиятимиз ҳамоҳанг юради. Бу ўз ўрнида адабий асарларининг кучи, ёзувчининг адабий маҳоратидан далолат беради.

Бугунги кундаги турли-туман саёз, “оммавий маданият”га мос кассабоп, бир марта кўриладиган фильмларга нисбатан “Қор қўйнида лола” фильмини юқори савияда ишланган асар дейиш мумкин.

Шаҳло АБДУРАҲМОНОВА,
ЎзМУ журналистика факультети
1-курс магистранти.



Яқинда “Иқтисод-молия” нашриёти қурилиш соҳасида таълим олаётган талабаларга дарслик сифатида Б.Асқаров, Ш.Низомов қаламига мансуб “Темир-бетон ва тош-ғишт конструкциялари” китобининг III нашрини босмадан чиқарди. Мазкур қўлланманинг афзаллиги шундаки, у мавжуд меъёрий ҳужжатлар ва янги ўқув дастури асосида қайта ёзилди. Шунингдек, дарслик тушунарли равон услубда, лотин алифбосида баён қилинган. Энг асосийси, қурилишга оид атамаларнинг луғавий маъноси ҳам келтирилган.

ТАҚРИЗ

Бўлажак қурувчи-муҳандислар учун қўлланма

Дарслик муаллифлари талабаларга темирбетон конструкцияларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш усулларини ўргатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Соҳани ўзлаштиришдан мақсад, мазкур жараёнда конструкция ишлаш фаолияти, юк кўтариш қобилияти даражасидан фойдаланишнинг турли усул ва воситалари билан танишиш, фикр юритиш ҳамда уни ҳаётга татбиқ этишдан иборат. Шу билан бирга, талаба бино ва иншоотга қўйилган юклар таъсирида темирбетон конструкцияларида ҳосил бўладиган ички кучланишларни ҳамда шу кучланишлар асосида конструкциянинг кўндаланг кесим юзасини ва арматурасини қандай аниқлаш кераклигини билиши лозим. Дарсликда конструкциянинг ҳисоблаш тарҳлари, кучларни қўйиш усуллари, таянч нуқталарини белгилаш ишлари, арматураларни жойлаштириш тартиби чизмалар ёрдамида кўрсатилган.

Дарслик 15 бобдан иборат бўлиб, ҳисоблаш учун керакли жадваллар илова шаклида келтирилган. Унда темир-бетон конструкцияси учун ишлатиладиган материалларнинг физик-механик хоссалари ҳамда бино ва иншоотларнинг асосини ташкил этадиган конструкцияларни сиқилишга, чўзилишга, эгилишга ва буралишга ишлайдиган элементларини мустаҳкамликка ва деформацияга ҳисоблаш усуллари кўрсатиб берилган.

Маълумки, янги намунавий ўқув режаларида талабаларнинг мустақил ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шуни инобатга олиб, назарий билимлар янада тушунарлироқ бўлиши учун конструкцияларни ҳисоблашда аниқ мисоллар ечими билан кўрсатилган. Бу эса талабани мустақил фикрлаш ва ижобий изланишга ундайди. Ҳисоблаш ишини осонлаштириш ва қулайлик яратиш мақсадида дарсликда қўшимча расм, жадвал, ҳисобий тарҳ ва графиклар келтирилган. Ўқув қўлланманинг рус ва чет тилларда чоп этилган бошқа дарсликлардан фарқи шундаки, темирбетон конструкцияларига ташқи муҳит — қуруқ иссиқ иқлим шароитини, шунингдек, кучли зилзилаларнинг таъсирини ҳисобга олиш муаммоларига ҳамда ғиштдан бунёд этилган тарихий обидаларнинг ҳозирги кундаги ҳолати ва уларнинг қурилиши ҳамда умрбоқийлик сирларини ўрганиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Дарсликнинг илгари чоп этилган нашридан фарқи шундан иборатки, у ўтган давр мобайнида соҳада эришилган ютуқлар, китоб нашр этилгандан сўнг мутахассислар томонидан билдирилган таклиф ва фикр-мулоҳазаларни ҳамда Интернетдан олинган маълумотларни инобатга олган ҳолда янги маълумотлар билан тўлдирилган.

Усмон ЮСУПОВ,
Тошкент архитектура қурилиш институти
“Бино ва иншоотлар” кафедраси катта ўқитувчиси,
техника фанлари номзоди.

“Ўзвиносаноат-холдинг” компанияси жамоаси

яқинлашиб келаётган

ЯНГИ — 2009 ЙИЛ БИЛАН

мамлакатимиз халқини қизғин муборакбод этади.

“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” элимизга омад, қут-барака ва чинакам фаровонлик ва тараққиёт олиб келсин!

2009

МАЪНАВИЯТ

ТАЛҚИН

Оила мустаҳкамлиги: муаммо ва ечим

Кўпчилик руҳшуносларнинг фикрига кўра, оила мустаҳкамлиги эр ва хотиннинг манфаатлари, маънавий қадр-қимматига бўлган муносабатлари ҳамда шахсий сифатларининг бир-бирига мос келишига боғлиқ. Лекин айрим адабиётларда эр-хотин муносабатларидаги баркамоллик асосан улар руҳияти, характери ҳамда эътиқодидаги ўхшашлик ёки яқинлик муҳим роль ўйнашлиги тўғрисида бир-бирига қарама-қарши фикрлар ҳам мавжуд. Аммо кўп ҳолларда эр табиатидаги босиқлик, вазминлик хотиндаги айрим заиф хислатларни тузатади.



Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш керак, иккита бир-бирига зид бўлган инсонлар оилавий уйғунлигининг таъминланиши жуда кам учрайдиган ҳодисадир. Ҳаётда оила аъзоларининг маънавий-маданий даражаси, қадр-қиммати, ахлоқий қиёфасидаги жиддий фарқларнинг мавжуд бўлиши ҳам ўзаро муносабатларнинг таъминланишига тўсқинлик қилиши мумкин. Агарда эр-хотин ўртасида жиддий фарқлар бўлмаса муносабатлар ҳаётда такомиллашиб, изга тушиб бораверади.

Бугун ажралишлар кўпинча эр ва хотин характерларининг бир-бирига мос келмаслигида деб кўрсатилади. Аслида бундай эмас, бунинг асосий сабаби уларнинг маданий-маърифий ҳамда маънавий даражасидаги жиддий фарқларнинг мавжуд бўлиши, бир-бирининг манфаатларини инобатга олабилмаслиги ёки буни истамаслигидадир. Бу борада вужудга келадиган келишмовчиликлар ҳар икки томоннинг ўзаро бир-бирини тушуниш йўли орқали ҳал этилмоғи зарур.

Бугун мамлакатимизда оила мустаҳкамлигини таъминлашда моддий омиллар таъсири ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Шу боис давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлиги туфайли аҳоли, айниқса, кам таъминланган, эҳтиёжманд ва ёш оилалар ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

Гарчи юртимиз аҳолисининг турмуш фаровонлигини яхшилаш, уларни ҳар томонлама ҳимоялаш борасида изчил ижтимоий сиёсат олиб борилаётган бўлса-да, оила мустаҳкамлигига раҳна солаётган ғарб мамлакатларидаги глобал муаммолар бизни четлаб ўтмаяпти. Масалан, одам савдоси муаммосини олайлик. Энг ачинарлиси, аёлларни шаҳвоний мақсадларда, эркакларни мажбурий меҳнатда фойдаланиш учун чет давлатларга олиб чиқиб кетиш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Мамлакатимизда ушбу муаммонинг олдини олиш учун зарур амалий чора-тадбирлар кўриляпти.

Жумладан, 2003 йил 12 декабрда Одам савдосига қарши кураш бўйича БМТнинг 1949 йилдаги «Одам савдоси ва учинчи шахслар томонидан фоҳишабозликдан фойдаланишга қарши кураш тўғрисида»ги, 2000 йилдаги "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги конвенциялар Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинди. Ушбу миллий дастурни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида 2008 йил 18 апрелда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Унинг ҳаётга татбиқ этилиши юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, оилалар бутунлиги ҳамда хавфсизлигини ҳимоя қилиш йўлида изчил сиёсат олиб борилаётганлигидан далолат беради.

Феруза ЮЛДАШЕВА,
Термиз давлат университети ўқитувчиси.

АХБОРОТ

Янги қўлланма тақдимоти

Ёш авлоднинг тафаккурини бойитиш, миллий-маънавий қадриятлар таъсирида камол топиб улғайишида бадиий адабиётнинг ўрни беқиёс.

Яқинда Қарши давлат университетида ўзбек филологияси факультети, ўзбек адабиёти кафедраси ташаббуси билан филология фанлари доктори Дамин Тўраевнинг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи кенгаш тавсияси билан нашрга тайёрланган янги ўқув қўлланма — «Янги ўзбек адабиёти» деб номланган китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Университет ректори, филология фанлари доктори, профессор Бойназар Йўлдошев тадбирни очар экан, олий ўқув юртлари олимлари орасида Қарши давлат университети профессор-ўқитувчилари томонидан яратилаётган илмий, бадиий асарларнинг аҳамияти ҳақида тўхталди. Адабий танқидчиликда ўз ўрнига эга бўлган олим Дамин Тўраевнинг ушбу қўлланмаси ўзбек адабиётининг йирик намояндалари — Чўлпон, Ғафур Ғулом, Ойбек ижодининг муҳим қирраларини ўрганишга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Тақдимотда сўз олган тарих фанлари доктори Обод Жўрақулов, педагогика фанлари доктори Абдушукур Чориев, филология фанлари номзодлари Гулноза Эрназарова, Гулчеҳра Имомова, шоир Ўроз Ҳайдар ва бошқалар қўлланма хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Муҳаммад ОЧИЛ,
Қарши давлат университети ахборот гуруҳи раҳбари.

ТАДБИР

Адиб билан учрашув

Буюк файласуф Арасту "Очганингда ҳузурланиб, ёпганингда руҳан бойитган китобгина яхши китобдир" деган эди. Нафақат китоблар дунёсига саёҳат қилиш, балки унинг муаллифи билан юзма-юз кўришиш, адибнинг ўй-ю фикрлари, ҳаёт, адабиёт хусусидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашиш ҳам ҳар жиҳатдан мароқлидир.

Яқинда "Шайтанат", "Меҳмон туйғулар", "Иблис девори", "Одамийлик ҳақида қўшиқ" каби қатор асарлари билан китобхонлар меҳрини қозонган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманига ташриф буюрди. Туман ҳокимлигининг мажлислар залида "Инсон ўзинг..." деб номланган адабий кеча бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик китобхонлар билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

— Бугунги тадбирни китобхонлар байрами десак янглишмаган бўламиз, — деди ёзувчи. — Чунки чоп қилинган ҳар бир асар ёзувчининг худди фарзанди каби қадрлидир. Ёзилган ҳар бир асарнинг ўзига хос тарбиявий аҳамияти ҳам бор. Масалан, "Иблис девори" номли асаримда ака-укалар ҳаётини, уларнинг ота-оналаридан мерос бўлиб қолган ҳовлини бўлиб олишга уринишларини, ака-уканинг қилмишидан иблиснинг қувонишини, меҳр-оқибат бор жойда эса унинг қочишини ёритишга ҳаракат қилдим. Аслини олганда китобларимда шайтанат олами ҳақида кўп ёзганман. Сабаби барчамиз иймонли, эътиқодли инсонлар бўлсак, жиноятдан ҳазар қилиб, ундан йироқроқ юрсак шайтанат олами биздан узоқ бўлади.



Тадбирда "Ҳидоят" журнали бош муҳаррири Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон Тоҳир Малик ижоди ва унинг ёш авлод тарбиясига таъсири ҳақида гапирди.

Учрашув сўнггида тумандаги 65-мактаб-интернат ўқувчилари томонидан тайёрланган адабий дастурлар намойиш қилинди.

Содиқжон ҚИРОНОВ,
Насибахон ҲОЖИМАТОВА.

Андижоннинг ёлқинли қалб соҳибаларидан шоира Замира Рўзиеванинг номи нафақат Андижонда, балки бутун Ўзбекистонда ҳам ўқувчиларга яхши маълум. Шоиранинг «Атиргулга айланаман», «Мунаввар юртим», «Қирқ ўрим соч», «Гул ислари», «Офтобжамол», «Сарчашма» номли шеърий китоблари аллақачон ўқувчилар қўлига етиб борган.

Замира — том маънода шоира. Унинг шеърларидаги энг яхши хусусият бу — уларда гупириб турган самимийлик, очиқчеҳраликдир. Кўнглидаги ҳис-туйғуларни ўқувчидан яширмайди, балки ўқувчини ўзининг сирдошига айлантириб олади, унга дардини айтиб руҳан енгил тортади. Айниқса, муҳаббат мавзусидаги шеърлари бағоят самимий. Сингламиз шеърларининг яна бир фазилати — уларнинг туғилган макон Андижон билан фахру ифтихор этиш туйғусига йўғрилганидир. Шоиранинг қуйдаги янги шеърлари буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурга бағишланган. Ўқиб кўринг, азизлар, ҳайрату ҳаяжонлар сизга маъқул бўлишига умид қиламиз.

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

НАЗМ

Элар сизни ҳеч унутмайди

«Бизни унутқонни унутмоқ керак"
Заҳириддин Муҳаммад Бобур

«Бизни унутқонни унутмоқ керак»,
Унутса унутсин сайёднинг сайди.
Вале "тах ба тах қон" бўлган кўнгилдек,
Гуллар Сизни ҳеч унутмайди.

Фарқлашар — ким хўрлар, ким суйиб сийлар,
Ким у — от туёғи лой Шайбонийлар.
Кетсангиз йиғлаган воҳа, водийлар,
Чўллар Сизни ҳеч унутмайди.

Анжонми, Фарғона, Ўшмиди, ё Ашт,
Яланг оёғингиз ўпган қирлик, дашт.
"Бобурнома" бўлган минг бир саргузашт,
Йўллар Сизни ҳеч унутмайди.

Қалб уйи эмасдир ёғочдан, тошдан,
У тикланган ишқу соғинч, бардошдан.
Муҳожир ёстиғи аламли ёшдан,
Кўллар Сизни ҳеч унутмайди.

Унутиб бўларми ярқираб ял-ял,
Шуурни ёритса Бобурий ғазал.
Наслингизни шарҳлаб турса "Тож Маҳал"
Эллар Сизни ҳеч унутмайди.

Ватан қандоқ хилқат, недир талъати,
Тангрининг манглайга туҳфа тилхати.
Бу туҳфага ғурур ҳам муҳаббати,
Мўллар Сизни ҳеч унутмайди.

* * *

Бобур ҳайкали қошида

Гул бўйин ол уч насим бу макон гул маконидур,
Яшнаган кўм-кўк замини тиниқлик осмонидур.

Тавоб айла учар тулпор узра турган суворийни,
Суворий — ҳайратга ошиқ юракларнинг хоқонидур.

Кўрди афғон, кўрди ҳинд ул бошидин тож тушмайин,
Етмиш икки томирида оққан туркийни қонидур.

Шуҳратига гоҳ фасод, гоҳ беаёв тош отдилар,
Бир ғубор юқтирмаган лойда гавҳарми, шонидур.

Бу кўнгил дардли соғинчга бирдайин бўлди макон,
Шоир ўлмишлик ўшал дардмандлиғ нишонидур.

Беш асрким руҳидин тўкилгай соғинчлари
Дуолар бу кун ижобат айрилиқ энди фонийдур.

Бу кун озод Ватан ичра учар тулпорда айтур сўз,
«Ғарибингга тараҳҳум айлагилким Андижонийдир».

* * *

Юзимга сомонлик сочмишдир фироқ,
Манглай ёзиғимни ўпмади чироқ.
Сиғинган мулкимдир бир сиқим тупроқ,
Мени дили қонлар ичра излангиз,
Топсангиз Андижон ҳақда сўзлангиз.

Жонимни қийнаган саргардон кунлар,
Хобу тушларимни синдирган хунлар,
Ечими Оллоҳга аён тугунлар —
Хаққи, ёзмаларим ичра кезинг, сиз,
Биргина муродим — дардим сезинг сиз.

Яшил барг тиландим ҳар бир оғочдин,
Руҳият поклиги томон йўл очдим.
Дардимни бурдалаб байтларга сочдим,
Бурдаланган дардим етса бўзлангиз,
Сиз менга Андижон ҳақда сўзлангиз.

Бу дунё армондир, бу дунё соғинч,
Бу дунё изтироб, бу дунё илинж.
Бобурий манглайга битмади севинч,
Севинчим Аршлардан тушса, сизлангиз,
Сиз менга Андижон ҳақда сўзлангиз.

* * *

Юртлар кездим , нигоҳларимни,
Баланд тоғдай бинолар ютди.
Ҳар не кўрдим, кўрмадим фақат,
Андижондай ҳуснидил юртни.

Сочпопугим кафтида қолган,
Қолган, бола даврим подшо, хон.
Вужудим ўт тафтидан олган,
Юрагимга хондир Андижон.

Тор кўчалар тупроқларини,
Унутолмас товоним ҳамон.
Тунлар руҳим чироқларини,
Ёндириши ростдир Андижон.

Мен шеър излаб келгандим Шошга,
Ё раб, дарвеш умрим тўла сир.
Илҳомлар жойланиб кўз ёшга,
Андижондан келар барибир.

* * *

Бобур ғазалига мухаммас

Менга андин қиш келибдур ёз кўринди,
Ишқининг оҳангги ўтли соз кўринди.
Кўзни юмсам бас, хаёлда боз кўринди,
Улки, менга ёри дилнавоз кўринди,
Жаврни кўрсатти кўпу оз кўринди.

Анинг васли мени сархуш этар чоғир,
Анинг хажри мени бемор этар оғир,
Киборликни ўрнига қўйди моҳир,
Бўлди бошим паст пойбўсида охир,
Гарчи бурун асру сарафроз кўринди.

Билмағум ўйи санода тонгми ё кеч,
Бунча бойландинг кўнгул бойлиғни еч,
Жамла ўзни, бедилу тошбағирдин кеч,
Сенинг учун улки, бош ўйнамади ҳеч,
Санга ажойибки, ишқбоз кўринди.

Ўзунг озурда асли орзунг вале аъло,
Топмағайсенки дил латига бир даво,
Даҳри дун сенга у сизми бесафо,
Ишқ борида салоҳу тавбаю тақво,
Борчаси, таҳқиқ бил, мажоз кўринди.

Тушурмас шодликки ҳеч дарчадин нур,
Худо билсун, бу кўнгул бўлгайми ҳур,
Замира топсин тасалли сўз, буюр,
Душмани жон ўлди, не қилай, сенга Бобур,
Улки менга ёри дилнавоз кўринди.

Замира РЎЗИЕВА

ЁШЛАР ИЖОДИ

Қалбимни чертадир орзулар ногоҳ...

ОРЗУ

Шамоллар эсади, манзили олис,
Субҳидам офтоби меҳрин таратар.
Орзули осмоним ғубордан холи,
Сайроқи қуш каби мени қаратар.

Дунёни борича севаман баъзан,
Берилиб орзулар оғушида гоҳ.
Сингимоқ истайман оламга шу он,
Қалбимни чертадир орзулар ногоҳ.

Тилимда бахт деган беҳадик бир сўз,
Шунинг пештоғида унсам гул каби.
Меҳрдан яратсам энг улуғ калом,
Шеър бўлса мангуга дилим матлаби.

Елкансиз кемадек хаёлда сузиб,
Гўзал туйғуларга бераман эрким.
Бебаҳо сўзлардан маржонлар тизиб,
Бир куни барчасин халқимга элтгум.

ШЕЪРИЯТ

Чинакам қалбларга мўъжиза бўлиб,
У руҳга, кўнгилга қўяди малҳам.
Неча сиёҳларни йиғлатиб қўйиб,
Юрак кўзгусига ошиқар сўз ҳам.

Тунлари бағишлар сирли бир илҳом,
Ажиб ранг жилосин таратар мангу.
Ҳайратга кўмилар гўёки оқшом,
Юлдузлар бағридан тўкилар дув-дув.

Ҳайқириқ солади жўшқин дилларга,
Юракка сиғмайди ҳайрат, ҳаяжон.
Тўкилиб келади шиффоф нурларга,
Ҳар сочган нурлари ёритар осмон.

Кимнингдир қисматин битса у такрор,
Кимгадир бағишлар сирли бир туйғу.
Бағрида самимий ҳислар бетакрор,
Шеърият қошида чекинар қайғу.

ЎЗБЕГИМ ҚИЗЛАРИ

Ҳаё, ибо ярашар,
Гуллар кулиб қарашар.
Ширин забон тиллари,
Ўзбегимнинг қизлари.

Чечак унар йўлида,
Меҳри булоқ дилида.
Маъсумадир ўзлари,
Ўзбегимнинг қизлари.

Тўмариснинг шахти бор,
Бибихоним аҳди бор.
Бахт ва омад бўлса ёр,
Очилар гул юзлари.

Қалбида бор шижоат,
Кўзларида синоат.
Нурга тўлсин юзлари,
Ўзбегимнинг қизлари.

Нилуфар МАДРАҲИМОВА,
Хоразм вилояти,
Янгибозор туманидаги
2-умумтаълим мактабининг
9-синф ўқувчиси.

МАДАНИЯТ

Наволарга айланган кўнгил



(Бошланиши 9-бетда.)

Бу куй жозибасимикан ёки қўшиқ сеҳрмикан-а...

– Яхши қўшиқ шоир, бастакор ва қўшиқчи ҳамкорлигида туғилади. Мен хассос шоир Муҳаммад Юсуф билан тасодиф ижодий учрашувларнинг бирида мулоқотда бўлганман. У киши мени таниқли бастакор Анор Назаров билан таништирганлиги ҳамон ёдимдан чиқмайди. Севимли шоирларимиз Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Тўра Сулаймон, Барот Исроил, Маҳмуд Тоир ва Ғайрат Мажид шеърларига мурожаат этиб, кўп қўшиқлар яратдим. Айниқса, мумтоз қўшиқларини айтишга ҳозир ҳам меҳрим бўлакча.

Санъатни аввало халқ яратади. Санъаткор қанчалик халққа яқин турса, ундан мадад олса ва гўзал қўшиқларни ҳадя этиб турса унинг ижодида мазмун ортиб боравераркаркан. Чунки, қўшиқ бетакрорлиги билан ёқимлидир. Баъзан телеэкранда бировлар айтган қўшиқларни такрорлаётган ёки тақлид қилаётган санъаткорларни кўриб ўйланиб қоламан. Ҳақиқий санъаткор ўз овози, сози билан ҳурмат-эътиборга сазовор бўлади, — дея таъкидлайди хонанда.

Ҳа, унинг Абдулла Ориповнинг шеъри билан бошланган:

Инсонга тириклик доим муаммо,
Унга ҳамроҳ эрур, гоҳ шодлик, гоҳ ғам.
Эртанг не бўлишин билмасман аммо,
Тинч ўтган ҳар куninг байрамдир байрам...

қўшиғи ҳам бу нурафшон кунларнинг қадрига етишга чорлайди.

Санъаткорга шуҳрат, бахт, омад лаҳзаларда кулиб боқиши мумкин. Аммо, мана шу шуҳрат, бахт ва омадни бир умр сақлаб, янги-янги поғоналарга кўтариб мустаҳкамлаб бориш — бу оғир вазифа. Тошпўлат Маткаримов ҳар бир қўшиғининг мазмунини бутун вужудида ҳис этиб, сўнг ўзига хос услуби, ижроси билан бунинг уддасидан чиқди. Унинг: *«Ўлан айтсам ўланим ҳаволайди, Ошиқ-мошиқ дардини даволайди...»* мисралари билан бошланғувчи қўшиғи ҳар гал қалбларга завқ-шавқ улашади. Инсонни энг гўзал лаҳзаларда яшашга чорлайди.

Ҳофизнинг қўшиқларини мароқ билан эшитаркансиз, беихтиёр қалбда табиий бир савол туғилади... Қўшиқ ўзи нима?! Руҳни аллаловчи илоҳий қудратмикан ёки руҳ исёни? Санъатсиз ҳаёт қандай рангда жилоланаркин? Навосиз одам қандай яшаркан?

Дунё дунё бўлиб яралди қачон,
Ҳаёт оҳанглари таралди қачон?
Зулмат ёруғликни кўролди қачон,
Нима бўлса бўлсин уруш бўлмасин...

Бу қадар сермазмун, қалбга яқин қўшиқлар ҳофиз ижодида кўплаб учрайди.

Ҳақиқий сўз, куй, оҳанг жилосида яратилган ҳар қандай қўшиқ яшашга ҳақли. Лекин бу муҳим учликни фақат санъатни теран англаган санъаткоргина ўзлаштира олади. Тошпўлат Маткаримовнинг «Тоғ қизи», «Ёр-ёр», «Ўланчи йигит», «Армон», «Санамжон», «Бу кеча», «Ишқ кемаси», «Илму ғойиб» каби қатор қўшиқларида юқоридаги ўша учлик ўз аксини топган. Бундай қўшиқлар йиллар ўтгани сари юракларда тобланаверади.

– Биласизми, шашмақомларимиз, «Танавор», «Муножот» каби кўплаб мумтоз куйларимиз бундан неча юз йил аввал яратилган. Биргина «Муножот» куйининг ўзига бир қанча ғазалларни қўйиб куйлаш мумкин. Энг қувонарлиси шундаки, бугунга келиб ўзбек санъатининг ноёб хазинаси ҳисобланган миллий қўшиқларимиз қайта тикланмоқда. Асрлар оша катта «чиғириқ»лардан ўтиб келган бу куй-қўшиқларга шунчаки мурожаат этиб бўлмайди, албатта. Бугун ёшларимиз бу қўшиқларни куйлашни ҳавас билиб, бузиб айтишаётган бўлса ҳам барибир бу бизнинг ютуғимиз. Бундан чин маънода қувонишимиз керак. Лекин қўшиқнинг тарихини, маъно-мантиғини билмай туриб ижро этиш бу ҳурматсизликдир. Мен ҳамиша ўз репертуаримни бойитиб, саҳнада ёки телеэкранда янги қўшиқ айтишга интиламан. Умри узоқ қўшиқлар илҳом ва тотли машаққат билан дунёга келади. Кейин ҳар бир санъаткорнинг меҳнати самараси бўлган ўз қўшиғи бўлиши керак, — дейди ҳофиз.

Ҳақиқатдан ҳам санъаткор миллий эстирада йўлида куйлаган:

Манам Мажнун ишқ дўстлар, кибр Лайлони изларман,
Жамоли — гул, сочи —сумбул, кўзи шаҳлони изларман.
Ажаб бир тийра дилдурман, қамар сиймони изларман,
Мени ишқида зор этган қадди Зебони изларман.
Ўшандоқ офати жон шўҳ бепарвони изларман...

қўшиғининг умри инсон умридан узун туюлади. Ёки 1994 йилда яратилган «Оқ тулпорим» қўшиғи кириб бормаган ўзбек хонадони қолмаган ҳисоб. 1998 йилда бу қўшиққа клип ишланиб, яна халққа тақдим этилганда ҳам юракларни забт этди. Ўзи «Оқ тулпорим» қўшиғининг халқимиз орасида машҳур бўлиб кетиши ижрочининг хаёлига келганмикан...

— «Оқ тулпорим» қўшиғи яратилганига 14 йил бўлибди. Халқи мизнинг қувончли кунларида хизматда бўлсам, айнан шу қўшиқни айтишимни кўп бор илтимос қилишади. Балки, от ҳақида бўлгани учундир. От йигитнинг йўлдоши дейишади-ку. Ўзим ҳам отни яхши кўраман. Ўзбек достонлари-ю эртакларидаги қаҳрамонларини ҳам отсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буюк соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳам ҳар доим отда юрганлар. Шунинг учун халқимиз нафақат от ҳақидаги қўшиқларни, балки отни ўзига яқин дўст ҳам деб билишади, — дейди севимли санъаткоримиз.

Энг асосийси, бугунги кунда Тошпўлат Маткаримов ўз санъати билан халқ қа манзур бўлиб келмоқда. Шу боис бир қўшиғида айтиладиган *«Юрилмаган йўлдир бу, шу йўлдан юрмоқдаман»* сатри худди ўзининг ижоди ҳақида ёзилганга ўхшайди. Ҳа, бугун санъаткор ўзи куйлагандек:

Шўх-наволар куйланг дўстлар, куй ярашган замондир бу,
Элимизга бахт улашган, тахт улашган замондир бу...

Адиба УМИРОВА

ТАФАККУР

КОНФУЦИЙ

(Милоддан аввалги 551-479 йиллар)

Конфуций Хитойнинг шарқидаги Лу князлигида туғилди. У аслзодалар хонадонига мансуб бўлиб, отаси Шулян Хэ Лу князлигидаги Цзоу музофотини бошқарган. Конфуций туғилганда отаси 70 ёшга тўлган эди. Уч ёшга тўлганда отасидан, 17 ёшида онасидан айрилади. Оилада Конфуцийдан ташқари 9 қиз ва бир ногирон ўғил бўлган.

Унинг асл исми Кун Цю бўлиб, мухлислари Кун Фу-цзи, деб аташган. Бу исм бора-бора Кун Фу-цзи, деган фахрли лақабга айланган. Бу исм "ҳурматли устоз Кун", деган маънони англатади. XVII асрда Хитойга келган иезуит-миссионерлар хитойлик донишманд таълимоти билан танишиб, уни Европа маданиятининг ҳам вакилига айлантириш мақсадида Конфуций деб атай бошлашган.

Конфуций Пифагор ва Суқрот каби фақат оғзаки таълим берган. Шунинг учун ундан бир сатр ҳам қўлёзма қолмаган. Бизга маълум асарларининг ҳаммаси шогирдлари томонидан ёзилган.

Файласуфнинг 3000 нафар шогирди бўлган. Улардан 72 нафари эса ҳеч қачон устозларини тарк этишмаган. Конфуций 66 ёшига қадар мамлакатни кезиб, ўз таълимотидан сабоқ берган.

* * *

Ягона ва энг мудҳиш хато аввалги хатоларни тузатмасликдир.

* * *

Олижаноб эр тўққиз нарса ҳақида ўйлашни канда қилмайди. Булар равшан кўрмоқлик, аниқ эшитмоқлик, одоб билан муомала қилмоқлик, самимий сўзлашмоқлик, эҳтиёткорлик ила ҳаракатда бўлмоқлик, қаҳру ғазаб оқибатини ёдда тутмоқлик, одилликни унутмаслик ҳамда имконият туғилганда фойда олмоқлик.

* * *

Шогирди Конфуцийдан инсонпарварлик ҳақида сўради.

Донишманд:

— Инсонпарварлик ҳақида сўзламоқлик мушкул, — деди.

— Демак, нимаики тўғрисида сўзламоқ мушкул бўлса, шу инсонпарварлик экан-да? — деб сўради шогирд.

— Уни амалга оширмоқ мушкул-у, у ҳақда сўзламоқ мушкул бўлмайдими?! — жавоб берди Конфуций.

* * *

Инсонни севиш сув ва оловдан ҳам муҳимрокдир. Чунки мен сув ва олов одамларни ҳалок этганига кўп гувоҳ бўлганман. Бироқ инсонни ардоқлаганларнинг ҳалокатга учраганини сира кўрмаганман.

Тўпловчи ва таржимон: Саида ЖЎРАЕВА

РАССОМ ХАНДАСИ

Абдурасул ҲАКИМОВ чизган сурат.

СПОРТ

ЭРМАТОВГА ЭЪТИРОЗ ЙЎҚ

Клублар ўртасида Японияда футбол бўйича Жаҳон чемпионатининг финал учрашуви бўлиб ўтди. Унда Европа Чемпионлар лигасининг амалдаги ғолиби Англиянинг "Манчестер Юнайтед" ҳамда Эквадорнинг "Депортиво" клублари ўзаро куч синашди. Муросасиз ва кескин курашларга бой кечган мазкур ўйин тақдирини учрашувнинг 73- дақиқасида Уэйн Руни томонидан киритилган ягона гол ҳал қилди.

Қувонарли томони шундаки, мазкур учрашувни Осиё ва Ўзбекистоннинг 2008 йилдаги энг яхши ҳаками деб топилган ҳамюртимиз Равшан Эрматов бошқариб борди. Ўйин давомида ватандошимиз олтита сариқ ва битта қизил карточка кўрсатди. Ушбу баҳснинг 51- дақиқасида эса Равшон Эрматов "МЮ" ҳимоячиси Неманья Видични майдондан четлатди.

Ўз навбатида "Манчестер Юнайтед" жамоаси бош мураббийи Алекс Фергюсон учурашувдан кейин журналистларга ўйин ҳақидаги фикрларини билдирар экан, у қўйидагиларни гапириб ўтди:

"Жамоада иштиёқ кучли бўлгани боис ушбу баҳсда ғалаба қозондик. Видич майдондан четлатилгач, бизга осон бўлмаганлигини ҳам айтиб ўтишим жоиз. Менимча, ўша вазиятда Неманья Видич ҳақли равишда "қизил карточка" билан жазоланди. Учрашувни бошқарган ўзбекистонлик ҳакамга ҳеч қандай эътирозим йўқ".

БРОНЗА МЕДАЛЬ "ГАМБА ОСАКА"ГА НАСИБ ЭТДИ

Осиё Чемпионлар лигасининг амалдаги ғолиби Япониянинг "Гамба Осака" футбол жамоаси Токиода ўтказилган клублар ўртасидаги Жаҳон чемпионатининг бронза медалини қўлга киритди. Ярим финалда Англиянинг "МЮ" клубидан 3:5 ҳисобида енгилган Акиро Нишино шогирдлари учинчи ўрин учун ўйинда ярим финалнинг бошқа бир омадсиз жамоаси Мексиканинг "Пачука" клубини 1:0 ҳисобида доғда қолдирди.

МУСОБАҚА ЎТКАЗИЛМАЙДИ

Россия "Миллий футбол академияси" фонди раҳбари Сергей Капровнинг маълум қилишича, "Биринчи канал кубоги"нинг 2009 йилги турнири ўтказилмайди. Турнирда иштирок этиши режалаштирилган 8 жамоанинг бир нечаси – «Спартак», «Рубин», «Динамо» мусобақада иштирок этишдан воз кечди. Уларнинг ўрни бошқа жамоалар билан тўлдирилганига қарамай, мусобақанинг мукофот фонди бекор қилингани боис, "Зенит" ҳам мусобақада иштирок этишдан бош тортди. Улардан кейин Украинанинг "Шахтёр" клубининг мусобақада иштироки ҳам ноаниқ эди. Натижада, ташкилотчилар "Биринчи канал кубоги"ни бутунлай ўтказмасликка қарор қилишган.

ИМКОНИЯТ БЕРИЛДИ



Россиялик 39 ёшли боксчи Олег Маскаев оғир вазнда жаҳон чемпиони бўлиш учун яна бир имкониятни қўлга киритди. Тўғрироғи, Бутун жаҳон бокс уюшмаси раҳбарияти шундай қарорга келди. Яъни WBC йўналишининг собиқ чемпиони Олег Маскаев келгуси йили 30 июнда украиналик Виталий Кличко ва кубалик Хуан Карлос Гомеслар ўртасида бўлиб ўтадиган жанг ғолибига қарши рингга чиқиши керак. Олег Маскаевнинг учрашув ғолиби билан муштлашуви эса 2009 йилнинг охирида ўтказилиши режалаштирилмоқда.

ВАЛУЕВ ЯНА ЧЕМПИОН

Россиялик машҳур боксчи Николай Валуев америкалик Эдвандер Холифилдга қарши рингга чиқиб очколар ҳисобида ғолиб бўлиб, WBA йўналишининг чемпионлик камарини ўзида сақлаб қолишга эришди. Мазкур учрашувни бевосита кузатиб борган уч ҳакамдан биттаси 114:114 ҳисобидаги дуранг натижани қайд этган бўлса, қолган икки нафар ҳакам эса 116:112 ва 115:114 кўринишида Николай Валуевнинг қўли баланд келганини эътироф этишди.

ЕЛИНА ЯНКОВИЧ СЕРБИЯДА ТЕНГСИЗ

Сербия Олимпиада қўмитаси жаҳоннинг биринчи рақамли теннисчиси ҳисобланган Елина Янковични «Сербиянинг энг яхши спортчи аёли» деб эълон қилди. Спортчининг бу муваффақиятга эришишида унинг жорий йилда тўрт марта — Римда, Пекинда, Штутгартда ва Москвада ўтказилган мусобақаларда чемпион бўлиши сабаб бўлган. Машҳур спортчи фаолияти давомида 65 марта ғалаба қозониб, 19 марта мағлубият аламини тотиб кўрган.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

ҚИЗИҚ

Даҳолар ёшлигида...

- Ибн Сино тўрт ёшида Қуръонни тўлиқ ёд олган.
- Александр Толстой олти ёшида француз, немис, инглиз тилларини билган.
- "Ақллилик балоси" асари муаллифи Александр Грибоедов ўн бир ёшида университетга ўқишга кириб, олти йилда олий ўқув юртининг учта факультетини битирган.
- Чингиз Айтматов беш ёшида таржимонлик қилиб, қалам ҳақи олган.
- Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўн икки ёшида тахтга ўтирган.
- Гёте тўққиз ёшида немис, лотин ва грек тилларида шеърлар ёзар экан.
- Паскал ўн беш ёшида биринчи илмий ишини ҳимоя қилган.
- АҚШнинг Канададаги элчиси бўлган Ширли Темил тўрт ёшида фильмда суратга тушган ва олти ёшида "Оскар" мукофотини қўлга киритган.
- Буюк композитор Моцарт беш ёшида ўзининг биринчи мусиқий асарини ёзган.
- Атоқли олим С.Мергелян бир ўқув йилида 8-, 9-, 10-синфларнинг имтиҳонини топширган. 16 ёшида университетнинг 2-курсига қабул қилинган. Бир ярим йилда номзодлик ишини ёқлаб, 20 ёшида фан доктори бўлган.

Гўзал МУРОДОВА тайёрлади.

28 январда Миллий авиакомпания ташкил топганига 17 йил тўлади

UZBEKISTAN airways

Пасайтирилган тарифлар бўйича авиачипталар фақатгина
2008 йил 22 декабрдан
2009 йил 31 январгача сотилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ
ўзининг 17 йиллиги шарафига 1 январдан 31 мартгача бажариладиган

МДҲ ШАҲАРЛАРИ ҚАТНОВЛАРИГА

17 ЙИЛ — 17 %

авиачипталар нархининг пасайтирилганлигини эълон қилади
Шошилинг! Чипталар сони чекланган!

Жадвал, жойларнинг мавжудлиги ва тарифлар тўғрисида маълумотлар - (998-71) 140-02-00
www. uzairways. com

«Ўзбекистон ҳаво йўллари — хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик!»

HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 236-53-92, 236-53-31, 236-23-13, 236-53-38, 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-56-38 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-367-374-81-53
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Қашқадарё — 8-375-221-78-50
Тошкент — 8-370-383-97-53
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-73-68

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.55

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г-1154 Адади: 5002 2 3 4 5 6 7 8